




ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ

КҮП ТОМЛИК



СОВЕТ ДАВРИ ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИ



ТОШКЕНТ
Рафур Ўулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АҚАДЕМИЯСИ А. С. ПУШКИН
НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Редколлегия:

Сарвар Азимов, Музайяна Алавия, Жуманиёз Жабборов, Омон Матжон, Тўра Мирзаев, Муҳаммад Али, Марат Нурмуҳамедов, Баҳодир Саримсоқов, Юсуф Султонов, Шоназар Шоабдураҳмонов, Комил Яшин, Солиҳ Қосимов, Матеқуб Кўшжонов.

Нашрга тайёрловчилар:
Музайяна Алавия, Сафарбой Рӯзимбоев

85.29 Совет даври ҳалқ қўшиқлари / [Ред. кол.: С. Азимов ва бошқ.].—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—296 б.— (Ўзбек ҳалқ ижоди: Кўп томлик.)
С 75 Сарл олдида: ЎзССР ФА; А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти.

Ўзбек ҳалқ ижодининг совет даврига мансуб ушбу ҳалқ қўшиқлари тематикаси ва жаири жиҳатидан ранг-барангдир.

Доҳийимиз В. И. Ленинга, Она-Ватанимизга ва социалистик тузумга муҳаббат ҳамда қаҳрамонликни, дўстликни, садоқатни, меҳнат-севарликни, озодликни тарафнум этувчи бу қўшиқлар ҳалқ даҳосининг кудратидан яна бир тимсолдир.

Песни советского времени.

4702570200—116
С 166—83
М 352(04)—83

ББК 85.29
783

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1983 й.

Совет даври ҳалқ қўшиқлари ҳақида

Ҳалқ ижодиётининг энг оммавий жанрларидан бири қўшиқлар бўлиб, улар традицион фольклорда ҳам, замонавий ижодда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Совет даврида энг ҳозиржавоб жанр бўлган қўшиқлар мазмун жиҳатдан ўзгариб, тематик доираси ниҳоятда кенгайди. Мазкур қўшиқларнинг асосий хусусияти уларнинг ҳаётийлигига, қудратли пафоси ва таъсир этувчан кучга эга эканлигидадир.

Совет ҳокимияти йилларида яратилган дастлабки ҳалқ қўшиқларининг энг самимий сатрлари янги тузумнинг асосчиси доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг ҳалоскорлик мадҳига бағишиланган:

«Бирлаш ишчи, деҳқон!» деб,
Ленин отам ўргатди.
Зулмат чилпарчин бўлиб,
Мамлакатда тоңг отди.
Ленин: «Қўзинг оч!» деди,
«Нодонликдан қоч!» деди,
Ҳақиқатни тушуниб,
«Илм нурин соч!» деди.

Социализм ғалабаси туфайли мамлакатимизда рўй берган ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳалқ қўшиқларида акс садо берди, унинг теран мазмунидан жой олди. Қўлга киритган муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш, саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлигига бағишиланган, ўзининг ғоявий ўткирлиги, жанговар руҳи билан алоҳида кўзга ташланадиган ҳалқ қўшиқлари яратилди. Уларда янги тузумдан мамнунлик ҳис-туйғулари тарааннум этилди:

Ҳаётим ҳур, мен озод,
Депутатликка номзод.
Совет даврида чиндан
Бахтли яшар одамзод.

Доҳиймиз Ленин асос солган янги даврон асрлар бўйи паранжида ээилиб, инсоний ҳуқуқлари поймол этилган хотин-қизларга айниқса битмас-туганмас шодлик келтирди. Севги-муҳаббат масаласида ҳам чинакам тенглик ва озодлик барпо бўлдики, буни баҳтиёр хотин-қизлар ўйноқи мисраларда дангал куйламасдан қолмадилар.

Эгнимда кўйлагим тиззамдан менинг,
Биринчи ишчилар изимда менинг,

Бахтим очилади — топсам тенгимни,
Энди ихтиёрим ўзимда менинг.

Хукуматимизнинг ўтказган ҳар бир тадбирига халқимиз ҳамиша «слаббай», дея жавоб берди. Мамлакатимиз ҳаётида мураккаб даврлардан бўлган коллективлаштириш йилларида яратилган халқ тароналари бунга мисол бўла олади.

Колхоз йўли кенг экан,
Эркақ, аёл тенг экан,
Колхозга аъзо бўлиб,
Нон билан мой енг экан.

Талайгина қўшиқларда халқимиз колхоз тузумининг афзалликларини, партиямизнинг раҳбарлик ролини, унинг шарофати туфайли майдонга келаётган бадавлат турмушини фаҳр билак тилга олади:

Оlam эли билади
Колхоздаги ишимиз.
Партия йўлин тутиб
Гуллади турмушимиз.

Колхоз тузумининг ашаддий душманлари бўлган босмачи галаларини халқ кескин қоралайди, қўшиқларда уларнинг ваҳшйликларини, эркинлик душманлари эканликларини фоши этади ва уларга лаънат ёғдидари:

Гум бўлсин, гумрон бўлсин,
Босмачи тамом бўлсин.
Босмачини қиyrатган
Ботирлар омон бўлсин.

Бу йилларда яратилган қўшиқларда лирик қаҳрамон ўзининг исенкорлиги, дангадлиги ва душманга нисбатан аёвсизлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Колхозим-о, колхозим,
Колхозимдадир кўзим.
Унга кўз тиккан ёвни
Отиб ташлайман ўзим.

Буюк беш йилликлар даврида совет халқи жуда катта ғалабаларни қўлга киритди. Паронжи ташлаш, заводсиликни тугатиш, коллективлаштириш каби қатор тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Этнимда кўйлагим, ёқамда илмак,
Менинг бир мақсадим мактабга кирмак.
Мактабда ёнади электр чироқ,
Мактабдан чиқасим келмайди сира,—

каби сатрларни яратган ўзбек меҳнаткашлари социализм ғалабаси йилларида саводхон, эркин ва озод меҳнат ижодкорлигига айланди; ҳукуматимизни ўзининг чексиз меҳр-муҳаббати билан олқишилади:

Ҳаётимиз фаровон,
Йўлларимиз чароғон,
Бизга шодлик баҳш этган
Осоишта ҳур замон.
Даламизи яшнатган,
Кўнглимизни яиратган,
Хотин-қизни қувнатган
Яша, Совет ҳукумат!

Улуғ Ватан уруши йилларида эса ҳалқ поэзияси революция йилларидаги жанговарлик ғояларни янада зўр пафос билан намойиш этди. Жангчиларни душманга қарши отлантиришда, уларга куч-куват багишлашда ва ҳордиқ чиқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Урушнинг бошланиши биланоқ, ватанпарвар ҳалқимиз душман устига отланиш, уни тор-мор этишга даъват этувчи кўплаб қўшиқлар яратган эдилар. Бу қўшиқларнинг асосий ғояси Совет ватанпарварлиги, ҳалқларнинг маънавий-сийёсий бирлиги, уларнинг бузилмас дўстлиги бўлиб, ватан мудофааси темаси эса биринчи планга қўйилган эди:

Бу душманга Ватанимиз бермайлик,
Унинг озорига ҷидаб турмайлик,
Хотин-қизни етим-есир қilmайлик,
Борайлик фронтга, қадрли ёrim!

«Енгиб қайт» деб номланувчи термада эса ҳалқимизнинг ўз фарзандларига қарата айтган дил истаклари баён этилиб, йигитларни шиддатли жанглар сари отланишга даъват этилади:

Осмонларни қора булут босибди,
Ёшу қари бешотарни осибди.
Болам, деб оналар сочин ёзибди,
Борғил, болам, ит Гитлерни енгиб қайт!

Ҳалқимиз буюк оптимистдир. Уруш йилларида яратилган ҳалқ қўшиқларининг барчасида ҳам ғалабага чексиз ишонч ғоялари таранум этилди. Она-Ватанимиз ҳеч қачон душманга бўйин эгмаслиги, аксинча — уни янчаб ташлаши муқаррар экавлиги қўшиқ сатрларida алоҳида таъкидланади:

Ол байроғу ол байроқ,
Душман ололмас уни.
Агар кўз тикса душман,
Ўзининг битар куни

Бинобарин, бу йиллар ҳалқ ҳаётидаги энг шиддатли ва ҳаяжонли бир давр бўлдики, совет кишиларининг жасорат тўла ишлари қўшиқларнинг ҳароратли мисраларида акс садо берди. Бу даврда

халқ құшиқлари шундай кенг әйилдики, уларнинг мағзидә юксак ватанпарварлык түйғулари ўз ифодасини топиб, барчани ёвуз душман сари отланишга чорлады, уларнинг курашида мададкор бўлди.

Улуг Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам кўплаб халқ қўшиқлари юзага келди. Бу қўшиқларнинг ҳар бирим мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ҳаяжонли воқеаларнинг ўзига хос бадиий лавҳаларидир. Урушдан кейинги дастлабки йилларда тинчлик, меҳнат ҳамда ватанпарварлик темаларида ажойиб қўшиқлар яратилди: шуниси характерлики, бундай қўшиқлар қайси мавзуда яратилмасин, уларда ҳамиша улуғ Ленин ва партиянимиз номи алоҳида бир ҳурмат билан тилга олинади:

Боғимда ўсар гуллар,
Тинчликда яшар эллар,
Ленин номини айтсан
Севинчга тўлар диллар.

Партия бизга устоз,
Хурмат қилайлик, ёрим.
Турмушимиз бўлди соз,
Файрат қилайлик, ёрим.

Халқ қўшиқлари давр кўзгуси. Уларда ҳаётимиздаги энг дол зарб масалалар ўз аксини топмасдан қолмайди. Шу боисдан, пахта зорда файрат камарини боғлаб ишлайтган механизатор йигит-қизлар, янги қудратли техника ҳақида ҳам талай мисралар мавжуд:

Бахти кулган қиз боламан,
Шўхман, кулар юз боламан.
Йигитлардан қолишмаган,
Механик қиз мен бўламан.

Кетмон уриб, оқ билагим толдирдим,
Дастасини қорамондан солдирдим.
«Универсал»ни миниб олдим, ўрганиб,
Кетмонимни музейларда қолдирдим.

Кейинги йилларда космик фазони ўзлаштиришда мамлакатимизда ажойиб ғалабалар қўлга киритилдики, бу ҳаяжонли ва унутылмас воқеаларни ҳам халқимиз ўз қўшиқларида ифтихор қилиб жўшиб куйга солди:

Пахтам оқдир, оладир,
Отбор сортли, аълодир.
Ракеталар учирди
Ленин бобом авлоди.

Учар, ракетам учар,
Учиб осмонни қучар.

Ленин элин шод айлаб,
Душманга кафан бичар.

Бинобарин, майлакатимиз ҳаётининг ҳар бир қирраси ҳозиржавоб жаир бўлган қўшиқларда ўзининг ёрқин бадий ифодасини топмоқдаки, бу нарса ҳалқимизнинг нақадар синчковлигидан, партитиямиз сиёсатига ниҳоятда содиқлигидан ва юксак поэтик дидга эга эканлигидан далолат беради.

Сатира ва юмор ҳалқ ижодида ҳамиша барҳаёт жанрдир. Ҳалқимиз энг қадим замонларданоқ турмушдаги иллатларга лоқайд қарамасдан, уларни танқид қилиш, фош қилиш орқали тузатиш чораларини излаб келган.

Совет даврида ҳам ҳаётимизда учрайдиган турли иллатларни ўткир сатира остига олувчи танқидий қўшиқлар кўплаб яратилди. Уларда ишёқмас дангасалар, масъулият сезмайдиган айрим раҳбарлар, шунингдек баҳиллик, бевафолик, қўполлик ва бошқа турли эскилил сарқитлари очиб ташланади:

Гала чумчук, сой чумчук;
Баланд учиб, паст келади.
Кассир акамни қаранг,
Ароқ ичиб, маст келади.

ёки:

Фолбин келиб фол очар,
Оғзидан кўпик сочар,
Аслини суриштирманг —
Дангаса ишдан қочар.

Бу типдаги қўшиқлар эскилил иллатларига қарши курашда, ҳаётимиздаги нохуш воқеаларни тутатишда, кишиларимизни софдиллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Совет даврида ҳалқ қўшиқлари тематик жиҳатдангина бойиб қолмасдан, балки унинг турли жанрларида ҳам бадий жиҳатдан юксак бўлган асарлар майдонга келди. Булар ёр-ёрлар, келин саломи, лапарлар, аллалар, марсиялар ва бошқалардир.

Бу жанрларда яратилган қўшиқлар ўзларининг анъанавий шаклларици сақлаганлари ҳолда, янги мазмун билан бойиб, алоҳида бадий гўзаллик касб этганлар.

Масалан, ёр-ёрларни олиб қарайдиган бўлсан, ўтмишда яратилганларида қизининг баҳтисизлиги, бемаъни никоҳ қоидаларидан норо зилик, ота-оналарининг ожизлиги, замона адолатсизликлари ифода этилса, ҳозирги даврда яратилган ёр-ёрларнинг мазмунини баҳти турумуш, ёрқин севги-муҳаббат, замонадан мамнунлик, эзгу орзу тилаклар ташкил этади:

Оч юзингни қўрайин келин қизим, ёр-ёр,
Үғлим билан танишган жуфт юлдузим, ёр-ёр.
Унг ёнингда ўйнаган ўғлинг бўлсин, ёр-ёр,
Қизил гулдай очилган қизинг бўлсин, ёр-ёр.

Ленин чироги ёнган айвонда бўл, ёр-ёр,
Куёв билан ҳамиша давронда бўл, ёр-ёр.

Қўшиқларнинг бошқа жаирларида ҳам ушбу хусусиятни кўриш мумкин. Ҳатто йиги-қўшиқларида ҳам бошқача мазмун кўзга ташланади. Одатда, йиги қўшиқларида маъюслик, хафагарчилик, жудолик ғоялари ифода этилади. Бу хусусият совет давридаги марсияларда ҳам сақлангани ҳолда, улардаги ўта пессимизм, илоҳий кучларга сифиниш оила бошлиғи вафоти оқибатида оиласининг хонавайрон бўлиши каби воқеалар ҳозирги йири қўшиқларида етакчи мазмун бўлиб гавдаланмайди, балки баҳтли даврондан бевакъ кетган марҳум учун афсус чекилади. Умуман олганда, совет воқелииги ҳалқ қўшиқлари ривожида алоҳида бир босқич бўлди. Уларнинг мазмунни совет воқелигининг серқирра ва ранг-барангларига сингари ниҳоятда турли-тумандир. Улар ҳар бир жабҳада — поёнсиз пахтазорлару фаллазорларда ҳам, завод, фабрикалар, яйловларда ҳам жўшқин ва ижодкорлик, меҳнат жараённада ҳозиржавоблик билан яратилишда давом этмоқда.

Ҳозирги давр қўшиқларига хос хусусиятлардан яна бири шуки, уларнинг тил хусусиятларида маълум даражада ўзгаришлар юзага келиб, адабий тилга тобора яқинлашиб бормоқда. Бу албатта, саводхонлик, радио, телевидение ва матбуотнинг кучли таъсири натижасидир. Лекин, қўшиқларга хос бўлган соддалик, самимилик ва жўшқинлик уларда ҳалигача традицион безак бўлиб қолмоқда.

Ушбу тўпламга совет даврида яратилган ва турли пайтларда тўплangan ҳалқ қўшиқлари жамланди. Хоразм воҳасидан ёзиб олинган қўшиқлар ҳар бир тема ва жаирининг охирига қўшилди. Тўпламга марҳум Ж. Қобулниёзов нашрга тайёрлаган «Хоразм ҳалқ қўшиқлари» китобидан ҳам айрим қўшиқлар танлаб киритилди.

Музайяна Алавия,
Сафарбой Рўзимбоев,
филолоғия фанлари кандидатлари

Партияга ташаккур

* * *

Бизнинг ерларда баҳор,
Баҳорнинг нашъаси бор.
Совет ўғил-қизлари
Партиядан миннатдор.

Кўринган кимнинг боғи,
Қайнар меҳнат булоғи.
Яшиаб, ёниб туради
Коммунизм чироғи.

Тонг саҳарда очилар,
Боғу бўстоннинг гули.
Элни бахтга етказди
Партиямизнинг йўли.

Бизлармиз боқقا кирган,
Гулни саралаб терган.
Озодликка чиқариб,
Партия ҳуқуқ берган.

Сувга мўл бўлди чўллар,
Чўлда пахталар гуллар.
Партиямиз чин раҳбар,
Шоду хандондир диллар.

Офтоб нури нур ўзи,
Силаб ўтар бошимдан.
Ленин йўли нурли йўл,
Айланай қуёшимдан.

Ленин:— Кўзинг оч!— деди,
— Нодонликдан қоч,— деди.
— Ҳақиқатни тушуниб,
Илм нурин соч!— деди.

Яшиаб турган йўлимиз,
Нурсиз бўлди деманглар.

Ленин йўли порлоқ йўл,
Ленин ўлди, деманглар.

— Бирлаш, ишчи-дехқон! — деб
Ленин отам ўргатди.
Зулмат чилпарчин бўлиб,
Мамлакатда тонг отди.

Ленин йўли йўл экан,
Бу йўл тўла нур экан.
Эркин қувноқ яшашга
Энг тўғри йўл шул экан.

Бизга йўлни кенг қилди,
Миллатларни тенг қилди.
Лениннинг ҳар бир сўзи
Ишимизни ўнг қилди.

Ўқи, ўқи, ўқи! — деб,
Ленин бобомиз айтган.
Доҳимизнинг бу сўзи
Нодонликни тугатган.

— Ойдан ўзаман, — дейди
Осмоннинг юлдузлари.
Ким ўзарга қўл қўйди
Ленин колхоз қизлари.

Ҳиндистондан учган қуш,
Биз томонга қараб уч.
Ҳаволарда сайр этиб,
Ленин колхозга ҳам туш!

Ленин колхоз қизимиз,
Далани юлдузимиз.
Меҳнатни сара қилиб
Ойдан ёруғ юзимиз.

Мирзачўлнинг даласи,
Қўкаlamзор десанг-чи.
Ленин колхоз боғидан
Гуллар териб берсанг-чи!

Мирзачўл даласида
Яйрар қўй билан қўзи.

— Чўлни бўстон бўлсин,— деб
Айтган Лениннинг ўзи.

Мажлисга кеч қолмайлик,
Ерим, тез бўла қолгин.
Ленин орден ярашар,
Кўксингга тақиб олгин.

Кўрганмисиз Мирзачўл,
Ғўзалари очди гул.
Советларнинг даврида
Чўллар бўлди гулга мўл.

Пахтанинг гули яхши,
Гулидан ўзи яхши.
Турмуш тинч бўлсин деган
Доҳийнинг сўзи яхши.

Раҳмат сенга, партиям,
Замонамиз этдинг соз!
Оналар ҳар нафасда
Минг раҳмат деса ҳам оз.

Оққина капитар келиб
Учади томинг билан.
Ўйнаб-қувнаб ишлаймиз
Партия, номинг билан.

Булбул сайрайди гулда,
Ҳавас қайнайди дилда.
Яша, партия, яша,
Яшнаймиз йилдан-йилга.

Кремлдан нур сочар,
Ҳаётимиз юлдузи.
Бизни файратга солган
Улуғ партия сўзи.

Еш болалар талпиниб,
Ойни оламан, дейди.
Ленин колхоз қизлари,
Масков бораман, дейди.

Тонг саҳар салқинида,
Пахта тергим келади.

Ленин отам расмини
Кунда кўргим келади.

Москвага юбордик,
Боғнинг узумларидан.
Москва нонуштасига
Лениннинг қизларидан.

Пахтамизning шуҳрати
Бутун оламга машҳур.
Баҳт йўлига бошлаган
Партияга ташаккур!

Сочим ўйнар белимда,
Кетмон ўйнар қўлимда.
Файратга ғайрат қўшган
Партия сўзи дилимда.

Колхозда биз ишлайлик,
Йўлни маҳкам ушлайлик.
Советларнинг даврида
Ўйнаб-кулиб яшнайлик!

Партия ҳурлик берди,
Ҳурликда бирлик берди.
Ёшу қари — ҳаммага
Баҳтни умрлик берди.

Қушлар сайрап бутоғда,
Гул очилар ҳар ёғда,
Доҳи Ленин ҳайкали
Бизлар яйраган боғда.

Шоҳлаб кетди олмалар,
Баргидан кўп донаси.
Мактабдә ўқиганлар
Доҳи Ленин боласи.

Дарё суви оқади,
ГЭСдан чироғ ёқади.
Нурлар ичиди доҳим
Бизга кулиб боқади.

Шу янги машинада
Тонналаб пахта тердим.

Олқиши олганим сари
Яша, партиям! — дедим.

Мирзачўлнинг булбули
Қўнар гул новдасига,
Доҳий айтган сўзлари
Бари эл фойдасига.

Лениннинг ўзи-ўзи,
Ҳамманинг кўрар кўзи.
Эл баҳтига айтилган,
Доҳимнинг ҳар бир сўзи:

Бу боғнинг ичи гулзор,
Қўшиқ айтиб келар ёр.
Лениннинг номин айтсам,
Гуллар ҳам баргин ёзар.

Таралиб тонг отади.
Ким тонггача ётади.
Доҳим: «меҳнат қил» — деган,
Меҳнат баҳтни топади.

Яша, партиям, яша,
Ҳамма қойил замонга!
Илм қанот берибди
Гагариндай полвонга!

Яша, партиям, яша,
Равшан йўл топиб олдик.
Осмон юлдузларига
Тинчлик йўлини солдик.

Юринг қизлар бу ёққа,
Сайр этиб ўйнамоққа.
Доҳимиз сўзи билан,
Чўл айланди гул боққа.

Сир ёқалаб баланд тоғ,
Тоғда ёнади чироғ,
Лениннинг сўзи билан,
Чўллар бўлди гулшан, боғ.

Хат юбордим ўшанга,—
Орденли Ойравшанга.
Ленин номин қўйдилар,
Ёрим қилган гулщанга.

Кичкина қўли билан
Қалам ушлашини кўр.
Кенг, озода мактабда
Кўнгил хушлашини кўр.

Раҳмат сенга, партиям,
Замонамиз этдинг соз.
Оналар ҳар нафасда
Минг раҳмат деса ҳам оз.

Ироқ экан даласи,
Ўйнаб келар боласи,
Ишлаб турса онаси,
Боқиб берар ясласи.

Андижон деган катта юрт.
Тевараги қатор тут,
Эсинг бўлса, деҳқонлар,
Ҳукуматни маҳкам тут!

* * *

Совет қонунин тузган,
Эскилил йўлини бузган,
Золимлар бағрин эзган,
Яша, Совет ҳукумат!

Яшаш йўлини очган,
Элга нурини сочган,
Илм эшигин очган,
Яша, Совет ҳукумат!

Даламизни яшнатган,
Кўнглимизни яиратган,
Хотин-қизни қувнаттган,
Яша, Совет ҳукумат!

* * *

Ўртоқ Ленин йўли билан борамиз,
Тўққинчилик қилганларни қирамиз,
Оғмачилик қилганларни қирамиз,
Бирлашайлик, кўп яшайлик, ўртоқлар.

Бурчак-бурчакларда ақли ҳайронлар,
Ҳуқуқсизлик кўнглин қилган вайронлар,

Озод бўлиб яйрар қизу жувонлар,
Бирлашайлик, кўп яшайлик, ўртоқлар.

* * *

Оч кўзинг, бахтинг очилсин,
Асли деҳқон, қўшчилар.
Ётмангиз дунёда ғофил,
Бўлди эҳсон, қўшчилар.

Фирқамиз йўл бошлади,
Қўлларда алвон, қўшчилар.
Муштумзўрлар бўлдилар
Ер билан яксон, қўшчилар.

Тонг ёришди: ол ҳуқуқинг,
Ишчи бирла қўшчилар,
Сен билан Шўро тузолди
Ўзбекистон, қўшчилар!

* * *

Элимизни эл этган
Ленин отам, зўр отам.
Камбағални яшнатди,
Бойларга келди мотам.

Золим хонлар зулмидан
Кўзларимиз ёш бўлди.
Гумдан этдик таҳтини,
Ленин отам бош бўлди.

Колхозимнинг ерини
Тракторлар суришар,
Ленин йўлинни тутсак,
Ишларимиз юришар.

Колхозим-о, колхозим,
Колхозим рисқи рўзим.
Ленин отам шаънига
Қўшиқ тўқийман ўзим.

Боғимизда оли бор,
Хар олининг боли бор.
Ленин йўлин тутганинг
Бахти бор, иқболи бор.

Қизил гул дона-дона,
Ис беради ҳар ёна,
Лениннинг замонида
Ўйнайлик қона-қона.

Ленин отам сўзи бор:
Ўқи ҳам ўқи, деган.
Ўқинг, дўстлар, эринманг,
Ўқиган яхши экан.

Чўллар бағри боғ бўлгай,
Кўриб кўнгил чоғ бўлгай.
Паранжини йўқотган
Ленин отам соғ бўлгай.

Зулм этиб оқ пошшо,
Азоблар солди боша.
Оқпошшолар йўқолди,
Большевиклар, кўп яша.

Оғир-оғир юкларни
Тракторлар тортади.
Ленин тузган замона
Ҳар кун меҳрим ортади.

* * *

Эгнимда товланган қизил шойидир,
Шойини кийганим ёзниңг ойидир,
Фам-аламдан бизни озод айлаган
Ҳаммага севимли Ленин доҳийидир.

Ленин отам камбағалга тур, деди,
Бойларни ур, янги дунё қур, деди.
Бойни урдик, қурдик янги дунёни,
Ленин отам энди даврон сур, деди.

* * *

Эрта чиқдам гулзорга
Гул ҳидига тўяй деб.
Ленин бобом расмига
Гулдан нақш қўяй деб.

Рўмол олдим шойидан
Тўйлар бўлса ўрай деб,
Чимматни ўтга отдим
Ленин қизи бўлай деб.

Сочларим жингалакдир,
Учida жамалакдир,
Ленин отам сўзласа,
Ёвлар мудом ҳалакдир.

Эшик олди пахтазор,
Пахтазорга мен хумор,
Оқ олтинлар тераман,
Ленин отам менга ёр.

Дуторим-о, дуторим,
Дуторим — кўнгил торим,
Доҳим берган бу замон
Бахтим ҳам номус-орим.

* * *

Қуёш чиқди гулзоримни оралаб,
Гуллар тердим бир-биридан саралаб,
Гулни исказ ислариға тўяман,
Ленин отам ҳайкалина қўяман.

Тоиг қуёши қамаштириди кўзимни,
Ленин ота қизи дейман ўзимни,
Ленин ота қизи десам ўзимни,
Эркасиман доҳим тузган тузимни.

Ленин ота қуёшдир,
Партия бизга бошдир,
Ким бизга қўл кўтарса,
Ҳамиша қўзи ёшдир.

Пишиб турган ғўзмиди¹.
Ғўз рисқи, рўзмиди.
Ленин насиҳатлари
Умр-умр тўзмиди.

¹ F ўз — ёнгоқ.

Ой ойдиндир, кезаман,
Душман кўксин эзаман,
Ленин отам меҳрини
Чин юракдан сезаман.

Бўяганда лосимни¹,
Келтириди ҳавасимни,
Ленин отам таълими
Олибди ихлосимни.

Осмонда ой, боқайлик,
Ойга олма отайлик,
Ленин берган замоннинг
Лаззатини тотайлик.

* * *

Эрта саҳар тушар тонгнинг салқини,
Пахтазорда хотин-қизлар талқини,
Омон бўлсин Ленин бобо мудомо,
Зулмдан қутқарди ўзбек халқини.

* * *

Тонг саҳарда тураман,
Пахтазорга юраман.
Ленин фарзанди бўлиб,
Комсомолга кираман.

Нозвой гулнинг ислари
Атир сувдан мазали,
Ленин бобом номини
Олтин билан ёзали.

* * *

Шаҳримизга Ленин боғи ярашар,
Гулларини кўрсанг кўзинг қамашар.
Гулиннан айланай ҳидини сочган,
Лениндан айланай баҳтимни очган.

* * *

Ленин отам чироғидан кўнглим тўқ,
Энди уйда лампаларга ўрин йўқ.

¹ Лос — сочпопук, жамалак.

Лампа ёғи сотиб олма, чиқонжон¹.
Дугонангдан ортда қолма, чиқонжон.

* * *

Ленин отам сўзларин
Дилдан ўқиб ёд олдим,
Ҳалол ишлаб колхозда,
Зарбдор деган от олдим.

Поезд келади шошиб,
Узоқ-узоқ йўл ошиб,
Ленин сўзин ўқийман,
Кўнглимда илҳом тошиб.

Эшик олди солмади(р),
Икки ёғи олмади(р),
Ленин тузган замонда
Қайгу алам қолмади.

Ой боққанда ярқирар
Пахта отиз² пайкали,
Колхозимга қўйилди
Ленин отам ҳайкали.

Ҳайкал олдин юмшатиб,
Нозвой³ гуллар экаман.
Шоха солиб ўссин деб,
Суғориб чеъл⁴ чекаман.

Гул ўсар ўнг-сўлимда,
Баҳт порлайди йўлимда,
Доҳимиизга минг раҳмат,
Тақдирим ўз қўлимда.

Мен юртимнинг ҳур қизи,
Пахтазорнинг юлдузи,
Ленин йўлинни тутса,
Халқнинг ёруғдир юзи.

Сўвит⁵ гули қизилдир,
Ғам-аламлар узилди,

¹ Чиқон — дугона. ² Отиз — дала. ³ Нозвой — райҳон

⁴ Чел — марза.

⁵ Гулнинг бир тури.

Большевиклар келганда
Колхоз деган тузилди.

Ударникман колхозда,
Тураман берган сўзда,
Ҳар куни юз кйлодан
Пахта тераман кузда.

Пахта оппоқ-оқ бўлур,
Терсанг кўнгил чоқ бўлур,
Доҳимизнинг режаси
Йўлларда чироқ бўлур.

Боғда писта ҳам бодом,
Экилган қадам-қадам,
Ленин тузган партия
Омон бўлсин то мудом.

Қўшиқ айтсам завқ билан,
Жаранглайди овозим,
Ленин номин куйлайман,
Қўлимда олтин созим.

Олтин созим ойдайин,
Тошиб турган сойдайин,
Доҳим ишин куйласам,
Жонга ёқар мойдайин.

Доҳим ўзи бир қуёш,
Қари-ёшга бўлди бош,
Илҳом олиб сўзидан,
Хону бойга отдик тош.

Айлана қиз, айлана,
Сув келади лойлана,
Ленин қолди умрбод.
Кўнглимиэда жойлана.

Бахтимизни бор этди,
Ленин отам ҳиммати,
Озод бўлдик, йўқолди
Паранжиси, чиммати.

Бошимда ипак пўта,
Чимматга алишмайман,

Комсомолман, меҳнатда
Ҳеч кимдан қолишмайман.

Қўп яша, Ленин бобо,
Бахт келтирдинг элата.
Азоб жондан ўтвади,
Хўрликка бота-бота.

Гул гулласа яхшидир,
Мен юртимга баҳшидир,
Ленин тузган бу замон
Ер юзининг нақшидир.

Уйимиизда дастурхон
Ноз-неъматга тўлидир,
Бошимизни сийлаган
Ленин отам қўлидир.

Сув келар гулдур-гулдир,
Қўлимда қизил гулдир,
Доҳимиз кўрсатган йўл
Дунёда тўғри йўлдир.

Баҳор келди, ёз келди,
Турна келди, ғоз келди,
Ленин отам ишлари
Кўнглимиизга мос келди.

Тракторнинг рулини
Пахтазорга бураман,
Меҳнат қилиб элимда
Коммунизм қураман.

Пахта бизнинг шонимиз,
Оқ буғдойдан нонимиз,
Кўнглимиизда доимо
Ленин отажонимиз.

Осмонда сузар ойим,
Боқар бизга мулоим,
Ленин отам минг-минглаб
Умр кўрсин илойим.

Қизил лола, оқ лола,
Мен сенга муштоқ лола,

Миннатдорман доҳийдан,
Йўқ бўлди қайғу, нола.

Пахта териб далада,
Жўшавергим келади.
Ленин номига қўшиқ
Кўшавергим келади.

Қўшиқ айтиб тўймайман,
Елғондакам йўймайман,
Ленин отам номини
Тилдан сира қўймайман.

Ёв кирганда юртимга,
Аскарликка қўл қўйдим.
Ленин отам ёр бўлди,
Гитлернинг кўзин ўйдим.

Ёвни қувиб юртимдан,
Шодликдан қўшиқ айтдим.
Ленин ордени олиб,
Уйимга тақиб қайтдим,

Комсомоллик номини
Меҳнат билан оқлайман,
Доҳим берган давронни
Жоним бериб сақлайман.

Даврон Ленин даврони,
Жонгинангнинг дармони,
Бу давронда яшасанг,
Кўнглингнинг йўқ армони.

Осмонда ой ботади,
Ой ботса тонг отади,
Ленин отам сўзлари
Ақлимни уйғотади.

Ленинни устоз деймиз,
Қанча севсак оз деймиз,
Давру давронимизни
Қишимас, баҳор-ёз деймиз.

Кўйлагим сори¹ сатин,
Чўлларни гулзор этин,
Ленин чироги ёнди
Қандилни энди натин.²

Пахтам оқдир, оладир,
Отбор сортли, аълодир,
Ракеталар учирди
Ленин бобом авлоди.

Ракета яхши зотдир,
Дурмуши³ куч-қувватдир,
Ленин отам таълими
Учишида қанотдир.

Учар, ракетам учар,
Учиб осмонни қучар,
Ленин элин шод айлаб,
Душманга кафан бичар.

Ленин йўли кенг экан,
Қуёш-ойга тенг экан,
У тузган баҳтли элда
Қанду шакар енг экан.

Гул тердим даста-даста,
Гул бўлмаса мен хаста,
Доҳий ўйлари билан
Ўйларимиз пайваста.

Яхши ният ўйимиз,
Қўпдир сигир, қўйимиз,
Бу баҳтиёр замонда
Ҳар кун ҳазлик⁴, тўйимиз.

Тўй бўлсин-о, тўй бўлсин,
Тўйда яхши ўй бўлсин,
Ленин авлоди кулиб,
Душманнинг ранги сўлсин.

Ленин йўли йўл экан,
Баҳт-иқболга мўл экан,

¹ Сори — сариқ. ² Натин — нетайин. ³ Дурмуши — борлиғи, турган — битгани.

⁴ Ҳазлик — машшат.

Бахтим очилсин десанг,
Ленин қизи бўл экан.

Ленин қизи бўлайлик,
Шодликларга тўлайлик,
Қуриб кетсин паранжи,
Илак пўта¹ чўлайлик.²

Ипак пўтам сочоқи,
Хилпирайди шамолда,
Ленин эли ҳеч элдан
Қолишмайди жамолда.

Жамолинг оқ, жон юртим,
Тўй, базмга кон, юртим,
Доҳий йўлидан юрсак,
Қучажагинг шон, юртим!

Ҳақиқдайин ялтирас
Боғимизнинг ҳар узуми,
Яна-яна яшнагай
Ленин отам тузуми.

Узум уздим саҳардан,
Таъми ширин шакардан,
Колхозда ишлайин, деб
Ўқиб қайтдим шаҳардан.

Эрта чиқдим гулзорга
Сумбул сочим ўрай деб,
Москвага йўл олдим
Ленин отам кўрай деб.

Москванинг кўчаси
Биллур бўлиб ялтирас,
Кучу қудратимиздан
Душман қўрқиб, қалтирас.

Кўнглимиза сингишган
Ленин отам сўзлари,
Ким бизга душман бўлса,
Үйилади кўзлари.

¹ Пўта — рўмол.

² Чўлайлик — ўрайлик.

Москвани айланиб,
Тавоб¹ этдим доҳийни.
Бир умрга кўнглимга
Солиб қайтдим доҳийни.

Халқнинг ишончи Ленин,
Дилнинг қувончи Ленин,
Бошга мушкул иш тушса,
Элнинг таянчи Ленин.

Оқ кишиш, қора кишиш,
Кишиш қорайиб пишмиш,
Ленин отам даврида
Помбарх кўнглимга тушмиш.

Помпархимнинг¹ гуллари
Қуёш билан талашар,
Ленин ордени тақсам,
Ҳамма менга қарашар.

Қизил гулнинг исидурман,
Пахтазор юлдузидурман,
Бахти қуёшдай очилган
Ленин бобо қизидурман.

Ленин ота расмина
Тикиламан, боқаман,
Қўшиқ тўқиб отига,
Душман кўксин ёқаман.

Ленин отам баҳт бериб
Энди кўзинг оч, деди.
Инсон бўлдинг, илм ол,
Нодонликдан қоч, деди.

Боғимизда олича,
Уйимизда ғолича,²
Ленин йўлидан юрай,
Токи умрим борича.

Олма отдим ҳорма, деб,
Ишда ортда қолма, деб,

¹ Тавоб — зиёрат.

² Помбарх — помбархат, газламанинг бир тури. ³ Ғоли-
гиламча.

Ленин отам ўргатган
Меҳнат қилиб толма, деб.

Ленин отам ишидан,
Миннатдордир халқимиз,
Унинг номини айтсак,
Равшан бўлар ақлимиш.

Инқилобнинг ёхтиси¹
Камбағални уйғотди,
Ленин отам даракли²
Элимиизда тонг отди.

Аму дарё бойланди,
Эл ишига шайланди,
Ленин васият этди,
Чўллар боқقا айланди.

Меҳнат этиб мардона,
Чўл кўксини ўямиз.
Шаҳар қўриб чўлларда
Ленин номин қўямиз.

Ховуз бўйи чиннигул
Чиқиб ҳидла, чиқонжон,
Ленин берган замонда
Тенгинг дидла, чиқонжон!

Үйнайлик-о, ўйнайлик,
Қўнгилда ғам бўлмасин,
Бахтимизни бор этган
Ленин отам ўлмасин.

Чиқон, чиқон, ҳой, чиқон,
Қўшиқ-жира бой, чиқон,
Ленин отам мақтовин
Тўрт тарафга ёй, чиқон.

Омон-омон, омон-а,
Етдик яхши замона,
Ленин бобом шуҳрати
Етди турли томона.

¹ Ехтиси — нури, ёруғи. ² Даракли — туфайли.

Очил, чиқон, ой бўлиб,
Элингга чирой бўлиб,
Ленин ота бизга ёр,
Сўзи ёқар мой бўлиб.

Қўлда кетмон, толиш йўқ,
Яришда¹ ҳеч қолиш йўқ,
Ленин ота, минг яша,
Ҳаётдан ҳеч нолиш йўқ.

Алимда ўрис сози,
Жонга ёқар овози,
Лениннинг қизи бўлсак,
Юртнинг келар ҳаваси.

Тоғлар боши бейикдир,
Тоғ устида кийикдир,
Ленин номин эшитса,
Ёвлар боши эгикдир.

Асфальт йўла сув сепди,
Ялтирайди, чанги йўқ.
Ленин отам даврининг
Хушхабарсиз тонги йўқ.

Ленин деган зот келди,
Элизимиза тот келди,
Бу кунлара етишдик,
Белларга қувват келди.

Бошимизда ҳамиша
Ленин ота бир қуёш,
Нур эмамиз сўзидан,
«Ота», деймиз қари-ёш.

Ой чиқон, оппоқ чиқон,
Иқболингга боқ, чиқон,
Лениннинг қизи бўлиб
Паранжини ёқ, чиқон.

Ленин бобом шер бобом,
Доно сўзли, эр бобом,
Иши мудом яхшилик,
Озод яшанг, дер бобом.

¹ Яриш — мусобақа.

Боғимда очилур гул,
Гуллади ҳаёт буткул,
Ленин замонасида
Яира, яшна, ўйна-кул!

Колхоз боғида оли,
Новвотдан ҳам мазали,
Партиямиз бошчидир,
Порлар халқнинг иқболи.

Үйимда қўчкорим, қўйим, молим бор,
Боғимда анорим, олмам, болим бор,
Талакимда¹ охур-охур доним бор,
Бахт берган партиямдан айланай.

Ой ойдиндир, ёхтидир,
Ўйнаб-кулиш вахтидир,
Партиямиз сўзлари
Халқимизнинг баҳтидир.

Боғимда ўсар гуллар,
Тинчликда яшар эллар,
Ленин номини айтсам,
Севинчга тўлар диллар.

Бахт қўнди бошима,
Бол қўшилди оshima,
Раҳматлар кўп кўнглимдан
Партия — қуёшима.

Алда кўтариб бўлмас
Қалъамизнинг тошини,
Большевиклар ёрдилар
Босмачининг бошини.

Тўқ-тўқ этади тўргай,
Жаҳонда тинчлик бўлғай,
Бахтимизга партия
Мудомо омон бўлғай.

Олма пишди нор билан,
Едик севар ёр билан,

¹ Талак — болохона, омбор.

Маҳоват этсак бўлар
Партия хўстор¹ билан.

Доҳиймизнинг олтин каби ҳар сўзи,
Келажакни олдин кўргандир кўзи,
Тинчлиқ, қувонч билан яшнатди бизи,
Кундек ярақлади дунёning юзи.

* * *

Қора сочим дуторимга тор бўлғай,
Ленин бобом тузган Ватан бор бўлғай,
Шу отамнинг яратган партияси
Минг-минг йиллар омон бўлғай, соғ бўл-
ғай!

Шойи рўмолимни ювиб сараман,²
Ватан учун ширин жоним бераман,
Ленин юрти бошим силар қизим, деб,
Шунинг учун ҳур элимни севаман.

Ленин отам тузган замон қизиман,
Пахтазорнинг яшнаган юлдузиман,
Порлоқ ҳаёт пешонамни силайди,
Гул диёrim чеҳраси, ой юзиман.

Чап кўксимда значогим ярқирап,
Баҳт етаклаб, иқбол мёни чақирап.
Ленин отам тузиб берган замонда,
Саодатим соат сайин барқ урап.

Ленин отам сурати бор уйимда,
Шу отамнинг ҳурмати бор дилимда,
Ленин десам яқин бўлар йироқлар,
Ленин десам шуъла сочар чироқлар.

* * *

Кўкрагимда КИМ³ ёзилган нишон бор,
Коминтерн байроғидир бизга ёр,
Ёш ишчиман, совет юрти қизиман,
Ҳар қадамим босган жойда дўстим бор.

¹ Хўстор — ғамхўр. 2 Ёман.

³ КИМ — Ёшлар коммунистик интернационали.

Ленин ёзган китобидан ўқийман,
Ленин бобом дея қўшиқ тўқийман,
Тошкент бориб Текстилкомбинатда
Суратини зар ипакдан тўқийман.

Ленин десам кўнглим равшан бўлади,
Номи билан олам нурга, тўлади,
Ленинград бориб ўқиган киши
Ленинни кўрганман деса бўлади.

Уйинг куйгур босмачи

* * *

Хатирчининг йўлида
Қишлоғи бор Тасмачи.
Юртни вайрон айлади
Уйинг куйгур босмачи.

Бизнинг боғда шофтоли,
Шоҳчалари қайрилган.
Босмачилар зулмидан
Она қиздан айрилган.

Ариқ бети ўйилди,
Бўғизга пичоқ қўйилди,
Босмачилар қўлида
Бегуноҳлар сўйилди.

Уйинг куйгур босмачи,
Бош боғламай ўлсанг-чи,
Босган еринг куяди,
Қиз таънламай ўлсанг-чи!

Хурмадаги қатиқни
Айрон қилган босмачи.
Деҳқонларнинг уйини
Вайрон қилган босмачи.

Бемаҳал турган шамол,
Боғда гулни сўлдирди.
Отинг ўчкур қўрбоши
Еш йигитни ўлдирди.

Босмачи бўлмай ўлсин,
Кўзига тупроқ тўлсин,
Буғдойимиз куйдирди
Иккала кўзи кўр бўлсин!

* * *

Сойдан чиқди беш бўри,
Босмачиси оч бўри,
Ғадламизни еб қўйди
Омон полвон — оч бўри.

Омон полвон деволи,
Урмалайди чумоли,
Чумолича йўқими,
Бегуноҳлар уволи.

Дукир-дукир от келди,
Қаранг, қандай зот келди,
Бегуноҳни ўлдирган
Шу Омон понсot келди.

* * *

Аввалдан бир бек чиқди,
Яхши отинг деб чиқди.
Водилдан бир бек чиқди,
Ҳамма ерни еб чиқди.
Қўлқубондан бек чиқди,
Қани қизинг, деб чиқди.

* * *

Босмачининг иши пас,
Қўрбошининг ўзи пас.
Тўхтаб туринг, ўртоқлар,
Босмачининг умири оз.

Жуворилар ўсганми,
Қўрбошилар кўчганми,
Босмачилар йўлини
Тўртинчилар тўсганми.

Тоғу тош орасида
Қўрбошилар яшайди,
Тўртинчини кўргандა
Қочиб юриб қақшайди.

Қўрбошининг ҳоли танг,
Юракларни қилди занг,

Меҳнаткашни кўрганда,
Оғзин очар мисли наҳанг.

Кўрбоши бўлиб ишлайман,
Қочиб юриб қишлийман.
Қаерда бўлсам йўл тўсиб,
Пули борни ушлайман.

Кўрбошилик ёмондир,
Кун кўрмоқлик гумондир.
Бизнинг бу юришимиз
Нотўғри зўрлик замондир.

Кўрбошилар қайдадир,
Босган изи майдадир.
Босмачига кирганинг
Одам сифати қайдадир.

Шўролар келган жойда,
Ҳеч кимга зулм қилмас эмиш.
Отига ему хашак олганда,
Пулинин ташлаб кетар эмиш.

Кўрбоши дер йигитларга:
«Биз бу ерда турмайлик,
Бошқа жойга борайлик,
Бою гадони топайлик,
Бор бисотин олайлик,
Пулинин бермай қийнаса
Шартта-шартта отайлик.

* * *

Узимни ноchorликдан
Тўкилган кўздан ёшим.
Бу аҳволларда юриб
Не ишлар кўргай бошим.

Мен ўзим ёшман,
Айланиб қолди бошим,
Мени бу йўлга солди
Бир аҳмоқ оти Ҳошим.

Кўрбошини билмайман,
Йигитман деб кулмайман,
Энди хизмат қилмайман,
Ер ўқкни кўрмайман.

* * *

Ёмон милтиқ қўлида
Икки кўзи йўлида
Кимни кўрса отади
Езёвоннинг чўлида.

Кўрбошилар одаммас,
Қонхўрлиги ёлғонмас,
Қуриб кетгур қўрбоши,
Кўп экан-ку ўйнаши.

* * *

Золим қўрбоши мени олиб,
Зўрликман қафасга солиб,
Бир чордеволга ташлаб кетиб,
Аҳён-аҳёнда бир келиб,
Ўзи бўлса қочиб юриб,
Сиқилиб ўтган кунларим.

Уз майлим билан ўйнаб кулмадим,
Севганим билан даврон сурмадим,
Ота-онамни ҳеч кўролмадим,
Еру дўстлар билан бир ўйнолмадим,
Кеча-кундуз йиглаб ўтган кунларим.

* * *

Арзани ташланг ревкомга, жон аяжон,
Бандидан дўстлар бўшасин,
Бандида ётган йигитлар, жон аяжон,
Озод бўлиб яшасин.

Поезд келар гилдираб, жон аяжон,
Гилдираги шилдираб.
Тўртингчилар зарбидан, жон аяжон,
Беклар қочди чулдираб.

Осмон фалак остида, жон аяжон,
Биз душманинг қасдида.
Беш отардан ўқ отинг, жон аяжон,
Учқур отлар устида.

Арзани ташланг ревкомга, жон аяжон,
Босмачини йўқотсин.
Аскар бўлган йигитлар, жон аяжон,
Босмачига ўқ отсин.

Арзани ташланг ревкомга, жон аяжон,
Банддан бизни бўшатсин.
Бандиликдан бўшатиб, жон аяжон,
Юртимизни яшнатсин.

* * *

Атлас кўйлак кийгуича
Маржон олиб тақсанг-чи,
Босмачига тёккунча
Дарёларда оқсанг-чи.

Аҳмад аканг¹ авоғда,
Ош обборай қовоғда,
Ош ичмаса, қовоғда,
Улиб кетсин авағда.

Аҳмад аканг турмада,
Ош обборай хурмада.
Ош ичмаса хурмада,
Чириб ўлсин турмада.

Эшигингда мошпоя,
Барги бошимга соя.
Душманга ўқ отай деб
Қилди умрини зоя.

Қўқоннинг кўчаси тор кўча,
Пистирмани қўйди Холхўжа.²
Бегуноҳларни тўплаб
Қўзини ўйди Холхўжа.

Усма экдим ўт босди,
Барги Қўқонни босди,

¹ Аҳмад — босмачилар шайкасининг бошлиғи. Акдиқон області, Ленин район Қизилоёқ қишлоғидан. 1922 йилда Асакада кўнгилли отряд томонидан отиб ташланган.

² Босмачи шайкасининг бошлиғи, Қашқарга қочиб кетаётгандекор тагида босилиб ўлган — кўчкода қолган.

Чиқмай ўлгур босмачи
Юрту элни ғам босди.

Булбул севғанинг қуши,
Гурунч ёримнинг тиши.
Шаҳрихонингни бузган
Кўршермат деган киши.

* * *

Дарё-дарё сувлар кечган,
Сув ўрнига қонлар ичган,
Халқа кафан тўнин бичган
Аҳмад полвон нималар бўлди.

Ўқ ўрнига қулоқ таққан,
Одам гўшти ёғдай ёққан,
Одамларни сўйиб чиққан,
Соқи¹ жаллод нималар бўлди.

* * *

Иикқан терган донларни
Босмачи олиб кетди.
Элу халқнинг бошига
Қиёмат солиб кетди.

Ўибоши дерлар,
Қўрбоши дерлар,
Қўрбошилар келди деса,
Йиглайди қизлар.

Ариқ бўйида бўрган,
Бўрган тагида турган,
Босмачи ўғриларнинг
Пойлаб кўзидан урган.

Ёргинам, кетиб бораман,
Қора кўзининг ёшлатмагин,
Ўғриларни йўқ қиласиз,
Устихонинг қақшатмагин.

¹ Аҳмад қўрбеншининг жаллоди. Улдирган мисининг қулогини
тизиб бўйнига тақиб юрган.

Гум бўлсин, гумрон бўлсин.
Босмачи тамом бўлсин.
Босмачини қийратган
Ботирлар омон бўлсин.

Аям ошни дамлади,
Едиргани қўймади.
Босмачилардан қўрқиб,
Юрдиргани қўймади.

Томда ётар талай қиз,
Уйида кампир ёлғиз.
Кундуз ишда унум йўқ,
Кечалари тиним йўқ.

Гулни гул ёнида кўр,
Баҳри дилингни очади,
Онажон ўғлинг бориб
Босмачиларни янчади.

Бемаҳал ўлдирдилар,
Фамингга токай ботайин.
Менда қолди милтифинг
Босмачиларни отайн.

Бу сойлардан ким кечган
Сувини кимлар ичган.
Қўрбошини отай деб,
Азиз жонидан кечган.

* * *

Иил келди, даврон келди,
Иигитлар омон келди.
Иигитларнинг бахтига
Ажойиб замон келди.

Поезд қелади ҳуркиб
Фанаръ ёғини пуркиб.
Босмачилар йўқолди
Қизил аскардан қўрқиб.

Гулнора гулга тўлсин,
Юртимиз обод бўлсин.
Яшамагур золимлар,
Юраги қонга тўлсин.

Арзани ташланг ревкомга,
Босмачини йўқотсии.
Аскар бўлган йигитлар
Кўрбошига ўқ отсин.

Палак-палак остида
Биз душманнинг қасдида.
Беш отардан ўқ отинг,
Учқур отнинг устида.

Поезд келар ғилдираб,
Ғилдираги пилдираб.
Тўртингчилар зарбидан
Беклар қочди чулдираб.

Қонни сочди айвонга,
Улим сендай ҳайвонга,
Зўрлигинигга ишонма,
Сололмайсан эиндонга.

Шермат деган кўр экан,
Оёгин ости қўр экан.
Босмачини қийратган
Отрядлар эўр экан.

* * *

Тўйчибойнинг устуни,
Устунида пўстини.
Босмачилар келганди,
Кўролмабди дўстини.

Тўйчибойнинг боғида
Ўсма буралиб қолди.
Онасини сўрасанг,
Кўкка бўялиб қолди.

Ҳақкулобод йўлинни
Кетмон олмай тузатди.
Эсизгина Тўйчи бойни
Куёв қилмай узатди.

Тўйчибойлар: «Хув!» деди,
«Бир пиёла сув» деди.

У сувии ичар-ичмас,
Етган ажал шу, деди.

Ёрмозорнинг устидан
Қарға қузғун учади.
Оналари соғинса,
Үнг қовоғи учади.

* * *

Дўпир-дўпир от чолар,
Қизил аскар келипти.
Рангимизга қон кирди,
Душман бағрин тилипти.

Қизил аскар юрганида,
Тошлар янчилар.
Босмачиларнинг юрагига
Ўқлар санчилар.

Зоғлар кетиб богимга
Булбул келди десанг-чи.
Куйиб-ёнган қишлоғинг
Озод бўлди десанг-чи.

Офтоб чиқиб оламнинг
Музларини эритди.
Айналай ҳукуматдан
Босмачини қуритди.

ШАЙДАКОВ КЕЛАДИ...

Шайдаков¹ келади Тўрткўл қалъадан,
Кутимадик Матчонбекдай балодан.
Матчонбекни ўлдирсалар қизиллар,
Шунда чиқмас йифи саси ўбадан.

Уч ой бўлди ернинг юзи қор бўлди,
Босмачилар кумдан чиққан мор бўлди.
Матчонбеклар элу юртни талади,
Қалъаликлар чой ичмакка зор бўлди,

¹ Шайдаков — босмачиларга ҳарши кураш олиб берген, йиғил қўшия командири.

Уч ой бўлди ернинг юзи тош бўлди,
Матчонбеклар босмачига бош бўлди,
Элатимиз икки кўзи ёш бўлди,
Бола-чақа, барча яланғоч бўлди.

Кунчиқардан келар милтиқнинг саси,
Элатни босибди отнинг кишинаши.
Ҳукуматим элнинг меҳрибонидир,
Қаршиларнинг сўзсиз кетар калласи,

Матчонбекнинг дарвозаси илинди,
Кўзимизга қизил аскар кўринди.
Юлдуз таққан қизил аскарлар билан
Шайдаковнинг келганлиги билинди.

Босмачилар қумга бориб тўхтади,
Бешотарни қалъа қараб ўқталди.
Шайдаковлар элимизга келган сўнг,
Ҳазорасп юртини ўтдан сақлади.

Қалъамизнинг қарғалиги ёш ошган,
Матчонбеклар қалъамизга ёндошган,
Қалъамизни ола билмай Матчонбек,
Қочиб бориб Қорақумда адашган.

Матчонбеклар қумда ётиб семирди,
Малла отнинг калласини кемирди.
Икки ёндан отилган ўқ зарбидан,
Сулаймон қалъаси тинмай емирилди.

Матчонбек келибди Кўпир устина,
Милтиқ олиш зарур шунинг қастина,
Хабарини билса Қизил аскарлар,
Бирии қўймай олар оёқ остина.

Матчонбекнинг дарвозаси долонли,
Ингитлари бойваччали, ўғлонли,
Шайдаковлар элимизга келганда,
Элатимиз қувониблар қолганди,

У ёғинг том, бу ёғинг том,
Матчонбек ишинг тамом,
Кумга қочсанг, қум босади,
Чўнга қочсанг, ўлдинг ҳаром!

ҚИЗИЛ АСКАР

Қизил аскар бешотари айнинда,
Ердамчимиз бизлар унинг кейнинда,
Яшасин, яшасин, аскар яшасин,
Босмачига асло тинчлик бермасин.

Қизилларнинг қудратлидир билаги,
Босмачини нобуд этмак тилаги.
Үтда қолсин душманларнинг ҳаммаси,
Куйиб ўлсин босмачининг юраги.

Қизил аскар қиличлари ўткирдир,
Босмачини кесса, жуда кескирдир.
Душманга ўрин йўқ, Шўро элида,
Юрт соқчиси меҳнаткашнинг ўзиdir.

УЛАР БЎЛДИМ БОСМАЧИЛАР ДАРДИННАН

Ёзи билан ёвлар олди пойимни,¹
Чақиб ичди йиликдаги мойимни,
Ҳайдаб кетди ўлжа этиб қўйимни,
Улар бўлдим босмачилар дардиннан.

Босмачининг ҳисоби йўқ, сони йўқ,
Фуқаронинг тирноғида қони йўқ,
Емака-ичмака уйда нони йўқ,
Улар бўлдим босмачилар дардиннан.

Аввал бошда кўчиб кетди Тумоли,²
Босмачилар Тумолини қамади.
Қарн-қартанг, кампирларнам қўймади,
Улар бўлдим босмачилар дардиннан.

Босмачи қўйилди Манғит қалъага,
Қизу жувон, она қочди далага.
Қарамади бешикдаги болага,
Улар бўлдим золимларнинг дардиннан.

Жуманинг кунида бозор бўларми,
Тошовуз шаҳрини бузар бўларми,
Тошовузнинг тўрда турган қизлари,
Гурланинг йўлида тўзар бўларми?

¹ Пой — бу ерда егулик-ичгулик нарсалар.

² Тумоли — қишлоқларнинг номи.

Тошовуз молларин келдилар ташиб,
Кампирлар кейнидан келди йиғлашиб,
Қиличбой¹ ҳам күчди аста йилишиб,
Улар бўлдим Жунайдхон дардиннан.

Аввал бошлаб кўчиб кетди Очоли,²
Энди биродарлар қайга қочади,
Босмачини кўрсак найза санчали,
Улар бўлдик золимларнинг дардиннан.

Кўчиб кетди, аzon билан тонг билан,
Ужакимни³ йўйиб кетдим чанг билан.
Ҳар манзил чой ичдим, чорак нон билан,
Улар бўлдим золимларнинг дастиннан.

Кўча-кўча кўчда армон қолмади,
Кўч кўтариб белда дармон қолмади.
Қопда буғдой, чаноқда ун қолмади,
Улар бўлдим золимларнинг дастиннан.

ХАРОБ АЙЛАДИ

Жунайд келаётир буртини товлаб,
Урганчга қочибман жонимни овлаб,
Қайга борай ота-онам сўроғлаб,
Душман устимизда жавлон айлади.

Босмачидан қочиб келдим пиёда,
Худо этгай умрингизни зиёда.
Қайга борай оға-иним сўроғлаб,
Босмачи элларни хароб айлади.

ЕМОН ОТИН ҚОЛДИРДИ

Кеча бўлса чуғурлашар сечалар,
Улжа бўлса қувонишар эжалар,
Тиним бермас кундуз билан кечалар,
Босмачилар золимлигин билдириди.

Босмачилар келганини билдириди,
Қизу жувонларнинг бағрин тилдириди,
Эркак тухумининг барин ўлдириди,
Золим бўлиб, ёмон отин қолдириди.

¹ Қишлоқ номлари.

² Қишлоқ номлари.

³ У жак — бузоқ.

* * *

Қизил аскар эўр бўлди,
Душман кўзи кўр бўлди,
Ҳамма энди тўқ бўлди,
Очу гадо йўқ бўлди.

Хевамизниң уч буржи бор,
Учисида уч гуржи бор,
Босмачининг не кучи бор,
Епирлиниң душман устинан.

Устимизда баланд-баланд айвонлар,
Үртасида хат ёзади девонлар,
Хароб бўлсин босмачилар — ҳайвоnlар,
Дунёда яшасин қизил аскарлар.

Бир хат келиб тушди Хева қалъага,
Бориб айтинг командиёр болага,
Уттиз фонус ёқсин аскар ҳонага,
Аскар боши командирлар яшасин.

Кўйдирайлик оловда

* * *

Чиммати йўқ чиройлик,
Юр, клубга борайлик,
Паранжиларни йифиб
Оловда кўйдирайлик!

Кўкаламзор, майсазор,
Ўйнамасам бўлмайди.
Паранжи ёпинганлар
Еруғликин кўрмайди.

Кечакундуз йиглайди
Қафасдаги қуш қумри.
Паранжидә ўтмасин
Ёшларнинг азиз умри.

Ғўзамизнинг ичидা
Бегона ўт ўсмасин,
Озодликнинг йўлини
Руҳонийлар тўсмасин.

Оёққа кишан солманг,
Ёмонлар сўзин олманг,
Эшонлар бизга душман,
Шўро йўлидан қолманг.

Паранжининг кулини
Сурма қилсин эшонлар,
Аллақачон узилган
Оёқдаги кишанлар.

Келиб қаймоқ ялаган,
Бориб айтинг эшонга.
Деҳқонларни талаган,
Алдаб содар кишангана.

Эшон сўзи лоф экан,
Ҳар чўнтағи қоп экан
У дунё деб қўрқитиб,
Ўзи дўзахбон экан.

Эшонларга ишонма,
Эшон алдаб кетади.
«Отангни тушда кўрдим», деб
Молинг ҳайдаб кетади.

Эшон феъли жуда тор,
Ҳеч тўлмас халтаси бор,
Санқимай ўлсин юзсиз,
Ундан ҳамма ҳам безор.

Тол ёғочдан қилгани
Эшонлар ҳассасини,
Юқори тушса кўзи
Сўрар уй вассасини.

Текинга еб тўймаган,
Суқтойликни қўймаган.
У кирмаган эшик йўқ,
У тегмаган қошиқ йўқ.

Яқин қолибди гўри,
Оғзи очилган мўри,
Орамизда юрмасин
Юзи қурсин оч бўри.

— Сандигингни оч,— дейди,—
Узинг нари қоч! — дейди.
«Куф-суф!» деган бўлади,
— Топганингни соч,— дейди.

Эшон қилар парҳезни,
Саксонда кўзлар қизни,
Рўзада тузи йўқ, деб
Иchar бўза, қимизни.

Паранжиси париша,
Ўзига қилди наша.
Эски турмуш ичида
Ҳар кун бўлар хархаша.

Пўлат сандиқ очилди,
Ерга бодом сочилди.
Кора паранжим ташлаб,
Баҳри-дилим очилди.

Атлас кўйлак энини,
Тугмалик қил енгини,
Доно қиз ақли билан
Ташлайди ўз тенгини.

Юзимдаги чимматни
Ташлаганим, ташлагак,
Шўроларнинг даврида
Яшнаганим, яшнаган.

Паранжи бало экан,
Зиндону жафо экан,
Паранжи ташлаганинг
Меҳнати аъло экан.

Оличани гуллатган
Баҳорингдан айланай,
Хотин-қизни яшнатган,
Хукуматдан ўргилай.

Ботинкани кияман,
Янги турмуш қураман,
Душманларни куйдириб,
Паранжисиз юраман.

Айвон-айвон эмасми,
Таги зиндон эмасми,
Очилмаган хотиннинг
Қўнгли вайрон эмасми?

Бошимдаги тагдўзи,
Зангоридай товлайди,
Шу замоннинг қизлари
Комсомолни хоҳлайди.

Қизил гул гул нақшидир,
Комсомоллар яхшидир,
Паранжини ташлашга
Руҳонийлар қаршидир.

Поезд келади шошиб,
Енига фонарь осиб,
Янги чиқсан червонлар
Меҳнаткашларга муносиб.

Бошда қизил рўмоли,
Қизларга ярашади.
Товланғаң йпакларга
Кўзларим қамашади.

Янги йўлнинг шамоли,
Бошида ғижим рўмоли,
Ғижим рўмол ичидан
Кўринар ойдек жамоли.

Вакила опам рўмоли
Мунча ҳам ярашади.
Биз ҳам шундай бўлсак, деб
Томлардан қаращади.

Сен тўқиган атласнинг
Арқори бўлай дейман.
Мен комсомол йигитнинг
Ўртоғи бўлай дейман.

Бошдаги рўмолимнинг
Айланич экан гуллари.
Мактаб бораман дей.
Чиқди болам тиллари.

Рўмолимнинг учида
Чуғурчуқнинг пати бор,
Пешонам шўри кетган,
Озодликнинг хати бор.

Қора паранжи куйсин,
Тутуни кўкка чиқсин,
Меҳнаткаш хотин-қизлар
Чин озодликка чиқсин.

Шундай яхши замонда
Хотин-қизлар очилсин.
Бошдаги паранжи
Олиб ўтга ёқилсин.

Эшик олдига чиқсан,
Турган экан паранжи.
Олиб бошима солсан,
Зиндан экан паранжи.

Эски замон тартиби,
Ёмон экан паранжи.
Паранжини солғанлар
Нодон экан, паранжи.

Бошимдаги тагдўзи
Фижим рўмол бўлса-чи,
Идорада ўлтирган
Менинг ёрим бўлса-чи.

Идоранинг олдида
Атир гуллар очилар,
Тезроқ кёлинг, раис опа,
Фирқа мажлис очилар.

Магазинда пиёла,
Ичи тўла гул-лола,
Хоҳладимга борганда,
Уялади қиз бола.

* * *

Тандир тўла нон ёпиб,
Узолмаган Ойпошиш.¹
Озодликнинг даврини
Суролмаган Ойпошиш.

Кўчадаги арава
Бўш кетганга ўхшайди,
Эсизгина Ойпошиш,
Ёш кетганга ўхшайди.

Баланд тоғдан тош кетди,
Ойпошҳаҳон ёш кетди,
Ойпошиш ёш жонига
Қора кўздан ёш кетди.

¹ Тошкент область Пискент районида 1930 йили эди томонидан ўлдирилган комсомол аъзоси.

Ойпошша чиқди даштга,
Рўмолни ёди тошга,
Ойпошшахон айтади,
Тупроқ ботди ёнбошга.

Бозордан олдим майиз,
Ойпошша жонинг азиз,
Ёш жонингга қасд қилди,
Сочларинг эсиз-эсиз.

Ойпошша ўтирганда
Комсомол мажлисида,
Қурсин, эри ўлдирди
Ўйнинг остонасида.

Ойпошша кирди боқقا,
Рўмолин илди шоқقا,
Боғда яйрай деганда,
Кўзи тушди пичоқقا.

Ойпошшанинг кийгани
Тосмикан, товормикан,
Ойпошшанинг ўлгани
Ростмикан, ёлғонмикан.

Ойпошшахон бош ювди,
Тароги томда қолди,
Офтобхондай онаси
Кўролмай доғда қолди.

Қотилларнинг қорнига
Қора қозиқ қоқилсин,
Озодлик душманлари
Тўпга қўйиб отилсин.

* * *

Эшигимнинг олди айланма кўча,
Мен кулсам кулади гул билан фунча,
Озод бўлдим ғам, аламдан қутулдим,
Шодлигимни куйлай то ўлгунимча.

Эшигимнинг олди қатор бўй терак,
Баҳорнинг шамоли барчага керак,

**Мактаб бориб китоб олиб ўқийман,
Озод бўлганларга кўп илм керак.**

* * *

Бошда рўмолимиз бир гули яшил,
Қараб турсам қора кўзим қамашур,
Иккимиз ҳам озод бўлдик, ўртоқжон,
Сизга мактаб, бизга артель ярашур.

Лйналмадан айланади отингиз,
Қани бизга ёзган яхши хатингиз.
Яша дейман, яшаганинг замони,
Паранжини ташлаганинг замони.

Кўзимга қўйибман сиёҳ сўрмани,
Жоним отам, севганимга бер мани,
Женим отам, севганимга бермасанг,
Эрта билан халқ судида кўр мани.

Бораман, келаман **Жийдақаторга**,
Овозиниг ўшайди жудди дуторга,

* * *

Гурланинг йўллари йўл бўлганмикин,
Очилиб тикани гул бўлганмикин,
Очилиб тикани гул бўлган бўлса,
Паранжилар ёниб кул бўлганмикин?!

Ман ташладим, энди битсин паранжи,
Борса келмасларга кетсин паранжи!

Паранжи солишдан хайр топмадим,
Ташлаб туриб идорага қатнадим,
Дарсим тайёрламай уйга қайтмадим,
Ман ташладим, энди битсин паранжи,
Борса келмасларга кетсин паранжи!

Паранжини сотиб пальто оламан,
Хотин-қизлар клубини бораман,
Ҳукуқимни шунда таниб оламан,
Ман ташладим, энди битсин паранжи!
Борса келмасларга кетсин паранжи!

* * *

Тилла сандиқ очилди,
Ерга бодом сочилди,
Қора паранжим ташлаб,
Баҳри дилим очилди.

Оличани гуллатган
Баҳорингдан айланай,
Хотин-қизни яиратган
Замонингдан айланай.

Ботинкамни кияман,
Фарчиллатиб юраман,
Душманларни күйдириб,
Паранжисиз юраман.

Паранжилар кул бўлди,
Фижим фўмол пул бўлди,
Хотин-қизлар баҳтина
Очилиган замон бўлди.

Паранжим узун экан,
Жияги қизил экан,
Паранжи ташлаганлар,
Лениннинг қизи экан.

Кўйдирдим паранжини,
Ташлаганим, ташлаган,
Хукуматнинг даврида
Яшаганим яшаган.

* * *

Хон даврида қизил рангим сўлвада,
Бизлар учун қиёмат кун бўлавади,
Юраккинам ғам-аламга тўлвади,
Қайтиблар келмагай шу қора замон.

Шўрони даврида даврон сураман,
Меҳнат этиб роҳатини кўраман,
Зарбор бўлиб мажлисларда юраман,
Бактимга ҳўкумат соғ-омон бўлгай,

Ардарилиди таҳтдан хон,
Ютсий энди қора қон,

Камбағални қийнади,
Даврон сурди кўп замон.

Дармонжонни ўлдирибди отаси,
Қизил қона бўялибди пўтаси.
Осмондан тушади уч коса пўчоқ,
Дармондай йўқ эди дунёда гўччоқ!

Новотжоннинг ўйилибди кўзлари,
Қон бўлибди гулдеккина юзлари.
Душман ўлгай Новотжонни ўлдирган,
Хазон этиб ёш умрини сўлдирган.

Оёғимда қора адик, оқ адик,
Сиз ўтганда биз айвонда турвадик,
Ленин ота баҳтимизни очгандა,
Паранжини ўтга отиб урвадик.

Тўрт девордан чиқар кунлар ҳам бордир,
Ҳур давронда яшар кунлар ҳам бордир,
Душманларни бёқ остига олиб,
Мақсадларга етар кунлар ҳам бордир.

Бўз тўқийман, моки ҳар кун қўлимда,
Озодлик йўқ биз яшаймиз зулмда.
Қачонгача бу аҳволда яшаймиз,
Келинг, қизлар, паранжини ташлаймиз.

Эшик олди олапўта,
Чачвон кийдик қонлар юта,
Баҳтли замон келганида,
Паранжини отидик ўта.

Қор ёғади тоғнинг баланд-пастига,
Паранжини отдим ўтнинг устига,
Кун кўрмаган юзларимни яшнатиб,
Мен юраман душманларнинг қасдиға.

Хукуматни яшнатган,
Паранжини ташлатган,
Хотин-қизни яшнатган,
Большевиклар яшнагай.

* Гўччоқ — ғайратли.

Хоразмнинг қизлари.
Ер-ёр, ўлан айтишди,
Чимматларни йўқотиб,
Кремлга боқиши.

Булут остидан қуёш
Ипак нурини сочди,
Мана энди тонг отиб
Бахт-иқбол кулиб боқди.

Орагим қон айлади,
Рангим сомон айлади,
Туҳмат-бўғтон айлади,
Сабил қолган паранжи.

Этигимнинг фирч-фирч этар панжаси,
Менинг оғам идоранинг кенжаси,
Паранжини йўқот, деди бошингдан,
Мен ташладим, йўқолсин паранжиси.

Паранжини ташлаганда ташладик,
Золимлар қўлида қонлар қақшадик,
Бахтимизга Шўро деган бор экан,
Шўронинг даврида шодон яшадик.

Паранжини ташлавадинг ўтлара,
Энди қайтиб келмас бўлдинг юртлара.
Золим эринг сени қийнаб ўлдирди,
Оғиз-бурнинг қора қонга тўлдирди.

Бошимизда қора гулли пўтамиз,
Мактабларга юбормайди отамиз,
Мактабларга юбормаса отамиз,
Тўгри бориб директорга айтамиз.

Мактабнинг йўлида гуллар битиби,
Гулларни оралаб ҳар кун ўтаман,
Даста-даста боғлаб қизил гуллардан,
Таълим берган муаллимга тутаман.

Олма боғнинг орасида бўйингиз,
Оқ қофоздай шақирлайди тўнингиз,
Ўқишларда китоб ўқиб юрасиз,
Хатга қараб толмайдими кўзингиз,

Нурлавой олдиннан қиёлаб ўтдим,
Сочимни чумоқлаб Москва кетдим.
Москва уйлари қаторма-қатор,
Кўрмасимнан бурун ҳавасим ортар.

Бошимда такям¹ бор гуллари ипак,
Менинг бир армоним мактабга кирмак,
Мактабининг ичинда мақсадга етмак,
Золимлар қасдина илм ўрганимак.

Эгнимда кўйлагим гуллари чаман,
Юрагим ёнганда сувлар ичаман,
Саккиз ёшда қадам қўйдим мен сенга,
Мактабим, ман сендан қандай кечаман.

Отини суғорган арvasин қўшар,
Қўрқмаган хотинлар паражеки ташлар,
Синфий душман қурсин ҳаддидан ошар,
Озодликка чиқсан кунда минг яшар.

АЙЛАНИБ ЎТДИ

Паранжини эгри-тўғри солганман,
Сангилимни қўлтиғимга олганман,
Тегирмон қайда деб фарёд урганман,
Шунингдек замонлар айланиб ўтди.

Оғир кунлар тушди менинг бошимга,
Қарамади қўздан оқсан ёшимга,
Заҳарлар қўшилди еган ошимга,
Шунингдек замонлар айланиб ўтди.

ЗОФОРА

Зогорани ёпсам алым пишади,
Қўлима олганим оқиб тушади,
Еганимда томоқларим пишади,
Қайтиб келмасин энди зогора.

Шундай замонлар ҳам айланиб ўтди,
Зогора, куртуклар² йўқолиб кетди,
Энди баҳти замон бизларга етди,
Қайтиблар келмасин энди зогора.

¹ Такя — дўппи.

² Куртух — овқатининг бир тури.

Колхоз боғи гулбоғдир

* * *

Сочи ўйнар белида,
Кетмон ўйнар қўлида,
Колхозчининг қизлари
Коммунизэм йўлида.

Оlam эли билади
Колхоздаги ишимиз,
Партия йўлин тутиб,
Гуллади турмушимиш.

Ғўза чиқди бир текис,
Сув қўйинг вақти билан,
Колхозлар тўла-тўкис,
Яшайди бахти билан.

Қирга кетди қўйимиз,
Кузда бўлар тўйимиз,
Жин чироғни йўқотдик,
Электрлик уйимиз.

Тол экдик сув бўйига
Соя-салқин солсин деб,
Файрат қилган ботирлар
Ётиб дамин олсин деб.

Тоғда сайрайди каклий,
Оёқлари попуклик,
Розиман ўз бахтимдан,
Менинг ёрим ударник.

Баҳор келиши билан
Колхоз даласи яшиар,
Кузда пахтаси осмон
Тўла юлдузга ўхшар.

Пахталар лўппи-лўпни,
Олпоқ бўлиб очилар,
Тезроқ термасак ўртоқ,
Тагларига сочилар.

Ойим саҳарда туриб,
Талай ҳамир кўптирган.
Оқ олтин — пахталарни
Нормасидан кўп терган.

Баҳор келиши билан
Сайроқ қуш учиб келди,
Янги ерлар очишга
Кўп одам кўчиб келди.

Янги уй, янги аъзо,
Давлатингга қойилман.
Айланаман, кадрлар,
Файратингга қойилман.

Юқоридан уй қилдим,
Уйим учун тўй қилдим,
Меҳнат қилиб колхозда,
Сигир қилдим, қўй қилдим.

Айни саҳар пайтида,
Келди ёқимли овоз.
Тракторчи Турсунбой,
Ерни ҳайдаб қиласор соз.

Сатин олдим кўпалик,
Гуллари турлик-турлик,
Ҳамма қизлар ичидা
Ударниги кўримлик.

Пахталар дўндиқ-дўндиқ
Кулиб-кулиб боқади.
Яшнаб дала юзлари
Гул чечаклар тақади.

Орқа соchlарим ўсиб
Ҳар ёғимни қуршайди,
Ширин тилли болажон
Яслисида яшнайди.

Дала қирни яшнатган
Баҳорнинг ёмғири бор,

Болаларни яйратган
Партия ғамхўри бор.

Еттига кириб болам
Мактабга шайланади,
Уни кўрган онаси
Ургилиб айналади.

Кичкина қўли билан
Қалам ушлашини кўр,
Кенг озода мактабда
Кўнгил хушлашини кўр.

Кўринг ғўза гулини,
Билиб эккан хилини,
Бир миллиондан оширди,
Колхозчинийн пулини.

Колхоз эккан ғўзаси,
Ўт босмасин мәрзаси,
Пахта плани ошса,
Тўла турар кассаси,

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда,
Кузда ҳайдасанг ерни,
Колхозга бўлар фойда.

Пахта экинг йўл билан,
Агроном усул билан,
Колхозларни яшнатинг,
Безанг гул сунбул билан.

Қирқинг ғўза учини,
Кўринг колхоз кучини,
Битта ҳам тополмайсиз
Кўсагида пучини.

Ишланг билак толмасин,
Пахта чўкиб қолмасин,
Ҳушёр бўлинг, ўртоқлар,
Душман иғбо қилмасин!

Пахталар очилибди
Колхозимиз бағрида,
Пахтадан кам бўлмаймиз
Советларнинг даврида.

Пилла тутинг бўлсин, деб,
Шартномамиз тўлсин, деб,
Бархит-бахмал келади
Колхозчилар кийсин, деб,

Чигит экинг чизиққа,
Қўп қолмасин иссиққа,
Бизлар ҳеч йўл бермаймиз
Ишга бўлган тўсиққа.

Тоғда очилган лола
Териб тўдалай дейман,
Яшнаб турган ғўзамни
Кунда бир кўрай дейман.

Ойнаворлик уйингиз,
Хат ёзиб қўл қўйингиз,
ЗАГС тўйин қиласиз,
Ўтса отчёт тўйимиз.

Пахта терсанг, тоза тер,
Чаногида қолмасин,
Чечан теримчи қизлар,
Қўлинг синсин, демасин.

Келинг ўртоқ, борайлик,
Оқ олтиналар терайлик,
Планларни ошириб,
Юртга довруқ солайлик.

Боқقا кирган мен ўзим,
Чойни қўйган мен ўзим,
Мақталибсан газетда,
Газетда икки кўзим.

Терак экмай, толни эк,
Толнинг сояси яхши.
Ешгина болаларга
Боқча-яслиси яхши.

Пахта экдим бўйсин, деб
Шартномамиз тўлсин, деб
Юзентнерга қўл қўйдик
Душман куйиб ўлсин, деб,

Бу йилги терган гўза,
Бултургилардан тоза,
Планлар юзга етса,
Дунё тўла овоза.

Бизлармиз боқقا кирган,
Гулни сарараб терган,
Ишлашга, дам олишга
Партия ҳуқуқ берган.

Сочни тараб ўрайлик,
Ешилик завқин сурайлик,
Эркин тинчлик замонда
Минг йил умр кўрайлик.

Райномга айтайми,
Мен ёр билан кетайми,
Тинчлик, омонлик учун
Ҳиссам қўшмай ётайми?!

Тинчлик, омонлик учун,
Үртоқжоним, қўлинг қўй,
Планларни бажарсам,
Ҳар жойларда бўлар тўй.

Гилам тўқишини ўргатган
Туркман бибим ўзлари.
Гиләмда тинчлик гуллари,
Тўқир Хива қизлари.

Ҳаводаги самолёт,
Қанотингни пастреб ўт,
Москвага хат ёзай,
Кремлга ташлаб ўт.

Москва боргая, ёrim,
Кремлни кўрган, ёrim,
Меҳнат қилиб дунёниғ
Даврини сурган, ёrim.

Дуторимниғ торлари
Кўш булбулдек сайрайди,
Озодликниғ қўшиғин
Айтсан кўнглам яйрайди.

«Үулёр»га сол сөзингни,
«Баёт»га сол бозингни,
Тинчлик қўшиғин бошла,
Эшитай овозингни!

Қамар бойла белингга,
Хизмат қилгин элингга.
Халқимиз бўлса рози,
Онанг минг-минг рози.

Колхоз, совхоз шайланган,
Яхши отлар бойланган,
Советларнинг даврида
Чўл чаманга айланган.

Колхозчининг қизлари,
Олма, анор юзлари,
Бахт, меҳнатдан чиқади
Доим айтган сўзлари.

Мен келтирган атласни
Ёrim солмас сандиқقا,
Минг жўраси арзийди
Шу ударник дўндиқقا.

Ҳайдар кокилинг узун,
Ювиб тарагин, ёrim,
Дангаса деб койима,
Ишга қарагин, ёrim!

Жон куйдирган одамлар
Мукофотлар олади,
Яхши оти ўчмайди,
Минг йилгача қолади.

Колхозимнинг йўли соз,
Кўлида ўйнайди ғоз.
Тракторчи, ўртоқлар,
Ери ҳайдаб қилинг соз!

Бизнинг боғнинг ичида,
Гулзори бор бурчида,
Менинг суйған йигитим
Ударниклар ичида.

Колхозимнинг шаънига
Талай қўшиқ тўқидим,

Шу укамнинг мақтовори
Газетада ўқидим.

Этак-этак пахтани
Икки қўллаб терганимиз.
Гектаридан юз-юзлаб
Пахта берай деганимиз.

Суқсур учар сой бўйлаб,
Уртоғим келар тўйлаб,
Эртага келар чоғи,
Ваъдамни берай ўйлаб.

Ёрим; севаман сизни,
Пахтакор дейди бизни,
Аввал баҳор сўз бериб,
Унутманг ваъдангизни.

Бизнинг боғда майсалар,
Майсада ўйнасалар,
Булар ким деб сўрсалар,
Ударниклар десалар.

Уйингизга кун тушар,
Кун тушганда нур тушар,
Колхозчига пул тушар,
Пул тушса ҳам мўл тушар

Пахталар очилганда,
Қўшиқ айтиб терамиш,
Планларни тўлдириб,
Кўкрагимиз керамиш.

От миниб ўтган, йигит,
Қўз солиб кетган, йигит,
Планларни ошириб,
Муродгѓа етган йигит.

От келар тойи билан,
Ергалик сойи билан,
Қизу келиң ясандик,
Атласу шойи билан.

Қизгина, белинг толма,
Юэларинг қизил олма,

Элға ёқайин десанг,
Ҳалол меҳнатдан қолма.

Қоши қора пайваста,
Уйи экан орастা,
Планингни тўлдирсанг,
Олиб келай гулдаста.

Айни сақар вақтида
Қўшиқ айтиб ўтдинг сен,
Ғайратингни кўрсатиб,
Мендан ўзиб кетдинг сен.

Қулоқ солинг булбулга,
Пахта ўхшайди гулга,
Нормани бажармасдан
Сира кетмайман уйга.

Оқ товардан кўйлагим,
Этаги кир бўлмасин.
Тоза теринг, ўртоқлар,
Чаноғида қолмасин.

Оқ олтинлар очилди,
Хуш ислари сочилди,
Уни кўрган кишининг
Баҳри-дили очилди.

Деразада шокоса,
Шокосада гул бўлса,
Колхозчининг тўйида,
Овозим булбул бўлса.

Ҳаводаги уч ўрдак,
Ўччаласи бир ўрдак,
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдек.

Бизнинг кўча тош кўча,
Машиналар ўтади,
Эсон бўлгур раислар
Қадримизга етади.

Ариқчага сув келди,
Боғлаб олинг, колхозлар,

Магазинга мол келди,
Танлаб олинг, колхозлар.

Фижимдан рўмолинг бор,
Ой юзингда холинг бор,
Қизларнинг қўшиқчиси,
Сўзларингда болинг бор.

Бригадамиз гулисан,
Чечан қизлар бирисан,
Бу йил ҳам қурултойга
Ғолиб бўлиб борасан.

Рўмолинг учи билан
Оғзингни яширасан,
Шак-шубҳа йўқ, бу йиқ ҳам
Планни оширасан.

Ишга келасан яшиаб,
Сочларинг ўриб ташлаб,
Қўшиқ айтиб келасан
Ўртоқларингни бошлаб.

Колхозлар кўприк солди,
Қизил карвон ўтсин, деб
Бизнинг терган пахтамиз
Давлатга тез етсин, деб.

Колхоз йўли кенг экан,
Эркак, аёл тенг экан.
Колхозга аъзо бўлиб,
Нон билан мой енг экан.

Чаманзору чаманзор,
Чаманзорга сув келди,
Қизил карвон терилиб,
Пахтамизга тўй келди.

Кўчадан ўтар карвон,
Эшигинг олди айвон,
Порлаган қизил байроқ
Бошимизга соябон.

Боқча боқар болани,
Сайр этдирап далани,

Вақтида ухлатади
Қувнаб айтиб аллани.

Қүёш чиқар мўралаб,
Пахта гулини тараф,
Завқим ошиб кетади,
Ўз меҳнатимга қараб.

Пахталар чаман-чаман,
Тонг саҳарда тураман,
Колхозимнинг пахтасин
Жоним билан тераман.

Далаларнинг бағрида,
Чарчамасдан ишлайман,
Пахта экиб ўстириб
Қанду новвот тишлайман!

Далада юрган шамол,
Шамолда ўйнар рўмол,
Газетада ўқидим
Отингни, ҳой, Гулжамол!

Гул десам юзинг экан,
Қуралай кўзинг экан,
Қизил доскага ёэилган
Ким десам, ўзинг экан.

Тўп садада қўш булбул,
Сайрагани сайраган,
Советларнинг қизлари
Яйрагани яйраган.

Колхоз боғи гулбоғдир,
Гулидан тақиб олдим,
Ударник бўлиб ишлаб,
Ҳаммага ёқиб қолдим.

Рўмолимнинг учига
Гунча нусха тикаман,
Давлат берган чигитни
Режа билан экаман.

Колхоз боғида гуллар,
Ҳар шохида булбуллар.

Чўлни бўстон қилишга,
Келди сочи сунбуллар.

Ишлаб турган пайтингда,
Олдингга борай, дедим.
Яшнатган бўстонинга
Завқ билан кирай, дедим.

Қайрағочзор ичидা
Қўзиқорин кўп экан,
Колхоз бўлган деҳқонлар
Бир-биридан тўқ экан,

Колхозимнинг боғида
Олмаси бор, нори бор,
Ваъда берган колхознинг
Номуси бор, ори бор.

Узи гўзал қиз экан,
Мунча ширин сўз экан,
Қўлларига ҳайронман,
Мунча чаққон қиз экан.

Тепани олиб солдик,
Қиёқзорни йўқотиб,
Шу ерда пахта унса,
Планлар кетар ортиб.

Суқсур бўйлик суйганим,
Синбати менга ёққан,
Синбат эмас, меҳнатдан
Ергинам орден таққан.

Меҳнатда чиниққаннинг
Ранги тоза бўлади,
Ишловини келтирсақ,
Яхши гўза бўлади.

Супачада ўлтириб,
Сочларимни ўраман,
Териб юрган пахтамни
Жондан яхши кўраман.

Тоғда юрган кийикни
Кунда кўргим келади,

Лўппа-лўппа пахтани
Тинмай тергим қелади.

Колхозимда бир қиз бор,
Лабида қирмизи бор,
Қаҳрамон экан ёри,
Олтиндан юлдузи бор.

Сочим узун демайман,
Жингалаги белимда,
Бизнинг ёр меҳнат қилиб,
Донғ чиқарди элимда.

Саҳар сайди сен билан,
Бирга ўсдинг мен билан.
Яхши бўлди ишимиз,
Гуллади турмушими.

Бизнинг боғда бир терак,
Теракка илдим элак,
Донғ чиқарган йигитга
Меҳнат севган қиз керак.

Колхозчилар товуши,
Мунча яхши кулиши,
Тўқ бўлди, обод бўлди
Меҳнат қилган ҳар киши.

Боғда сайрайди каклик,
Оёқлари пўпаклик,
Ударникнинг кийгани
Нуқул тоза ипаклик.

Юрган каклик жўжаси,
Темир қанот бўлибди.
Меҳнаткашнинг егани
Қанду новвот бўлибди.

Елкасида кетмони
Уч қиз қелади яшиаб.
Булбулларга жўр бўлиб,
Севги қўшиғин бошлаб.

Пушти қўйлак кийгани
Товланади хилма-хил,

Чопиқда ҳам теримда
Биринчи бўлди бу йил.

Қизил кўйлак кийгани
Қўшиқчи ҳам ўйинчи,
Ишни ҳам қойил қилиб,
Пахта берди биринчи.

Учинчиси чиройли,
Юринг бирга борайлик,
Учаласи кетмонни
Урганини кўрайлик.

Қўшилди тўда қизга
Кўзни ташлади бизга,
Улар ишлаб турганда,
Уят бўлади бизга.

Белни маҳкам бойлайлик
Мўл-кўл пахта беришга.
Колхозимиз қизлари.
Уста пахта теришга.

Силкинади мажнунтол,
Шохларини эгиб ол,
Шундай замонда сен ҳам
Яхши иш кўрсатиб қол.

Фоз бўлиб, суқсур бўлиб,
Бўйлаганим — бўйлаган,
Москва қўшиқларин
Куйлаганим куйлаган.

Ёр тўқиган атласга
Гул бўлиб тушай дейман,
Планларни бажариб,
Москва учай, дейман.

Полизга чайла қилдик,
Чий билан пана қилдик,
Москвага борайлик деб,
Меҳнатни сара қилдик.

Гул шохида бир булбул,
Ҳар кун сайрап саҳарда,

Менинг ақам ўқийди
Улут Москва шаҳарда.

Москванинг йўлида
Ҳилпилласин кўйлагим,
Далада ўзим бўлсам,
Кремлда юрагим.

Сиз билан учрашганим,
Тушим эмас, ўнгимда,
Москва муҳаббати
Юрагимда — кўнглимда.

Фижим рўмол тўқийман,
Мактаб бориб ўқийман.
Яна қолган ўқишини
Москва бориб ўқийман.

Үртоғим билан бирга
Кетмон чопдик басма-бас,
Пахтачи теримчимиш,
Москвани қилдик ҳавас.

Саҳарда турган шамол
Гуллар ҳидини сочар,
Москва қўшиқлари,
Баҳру дилимни очар.

Боринг пахта тергани,
Фабрикага бергани,
Епнасиға колхозлашиб,
Муштумзўрни эзгани.

Ишланг билак толмасин,
Пахта чўкиб қолмасин,
Хушёр бўлинг, ўртоқлар,
Қулоқ ифво қилмасин.

Ҳа, ишлангиз, шоввозлар,
Пахта плани тўлсин,
Яна йилги теримда,
Душман йиглаб, дўст кулсин.

Кўёш чиқар мўралаб,
Пахта гулини тараб,

Завқим ошиб кетади,
Ўз меҳнатимга қараб.

Том бошида шокоса,
Шокосада гул бўлса,
Ўртоғимнинг тўйида,
Овозим булбул бўлса.

Сув бўйида турган қиз,
Қошу кўзин сузган қиз.
Менга қиё боққан қиз,
Элу юртга ёқсан қиз.

Мен кетаман кўриб қол,
Орқа сочинг ўриб қол,
Софинганда кўрасан,
Суратимни олиб қол.

Колхозчилар ҳормангиз,
Бажарилсин нормангиз,
Бизнинг колхоз сафига
Дангасани олмангиз.

Танлаб кийгин эгнингга,
Ярашади бўйингга,
Ҳавас билан қарайман,
Сенинг чаққон қўлингга.

Гулбогим — менинг боғим,
Энди ўчмас чироғим,
Мактабларда ўқийман,
Ўтмасин ёшлиқ чоғим.

Булбўл ғазал ўқийди,
Қизлар шойи тўқийди,
Очилган хотин-қизлар,
Агрономга ўқийди.

Ариқ бўйини ўйдим,
Ғўзаларга сув қўйдим,
Колхозга кирайин деб,
Аъзоликка қўл қўйдим.

Колхозчилар ҳормангиз,
Бажарилсин нормангиз,

Бизга душман қулоқ зотин
Колхозларга олмангиз.

Ишлаганлар ҳормасин,
Сира қўллар толмасин.
Ҳушёр бўлинг, ўртоқлар,
Душман ифво қилмасин.

Мўри устида мўри,
Меҳмонга уйнинг тўри,
Қўй терисин ёпиниб,
Колхоз кирмоқчи бўри.

Айнитмоқ бўлиб бизни,
Емонлайди колхозни,
Ўзи колхозга душман,
Улдирди от, ҳўкизни.

Сой бўйида самбит тол,
Савлатингга қойилман.
Мактаб очиб ўқитган,
Давлатингга қойилман.

Мактаб деб қурди бино,
Ҳамма илм олсин деб,
Бола ўстирган она,
Хузурини кўрсинг деб.

Ангренда қирчин тол,
Қумни тўсгани-тўсган.
Мактабдаги болалар
Яйраб ўсгани-ўсган.

Сочим ўсида бир текис,
Эиди ёшим ўн саккиз.
Ўн саккизни пойладим,
Овоз бердим — сайладим.

Сен тўқиган атласнинг
Арқоғи бўлай дейман,
Мен комсомол йигитнинг
Ўртоғи бўлай дейман.

Бошдаги рўмолимнинг
Айлана экан гуллари,

**Мактабга бораман, дея.
Чиқди болам тиллари.**

**Колхозчилар уйининг
Деворлари ганч бўлсин,
Халқимизнинг баҳтига
Мамлакатим тинч бўлсин.**

**Тўпичоқни мингандা,
Тез юришга қистаймиз,
Яшнамоқда гул турмуш,
Биз тинчликни истаймиз.**

**Онаману онаман,
Болам учун ёнаман,
Болам тинчликда ўсса,
Орзуларга қонаман.**

**Теққа чиқиб терганинг,
Писта билан бодомми,
Тинчликни кўролмаган,
Бузуқилар одамми?!**

**Тогда нуқул ўсибди
Қарағай билан арча,
Емон ният душманни,
Қиласиз парча-парча.**

**Болажоним бағримда,
Эркалайман ўйнатиб,
Ватан — тинчлик богимда,
Булбул қушдек сайратиб.**

**Хурсандмиз катта-кичик,
Ҳаётимиз севинчлик,
Партия сўзи улуғ,
Мустаҳкам бўлар тинчлик.**

**Намангандада артист бор.
Ёрим мени олиб бор,
Пиёдалар юрмайман,
Пабедага солиб бор.**

**Кўчаларни чангитиб
Пабедалар ўтади,**

Қошингни қорасини
Чанги босиб кетади.

Бордик канал қазишига
Сувни чўлга буришга,
Колхозчилар тайёрдир
Чўлни бўстон қилишга,

Дарё лаби ҳўл бўлди,
Бу йил пахта мўл бўлди,
Салом сизга, ўртоқлар,
Юрар йўллар гул бўлди.

Бизлар келдик кўмакка,
Катта канал қурмоққа
Сизлар билан бирликда
Ҳалол меҳнат қилмоққа.

* * *

Мен колхознинг жониман,
Меҳнат қаҳрамониман,
Кечакундуз ишлайман,
Оқ нонларни тишлайман.

Колхозларга борамиз,
Тракторлар оламиз.
Колхозларга кирмасак,
Биз орқада қоламиз.

Фармон берди партиямиз раҳбари,
Пахтазорда ишланг, колхоз мардлари,
Ийилишиб колхозларга кирмакка
Бел боғлади Хоразмнинг халқлари.

Звенода бўлар доим ўнбоши,
Колхозларга киринг, қарию ёши,
Энди партия бўлди ишбоши,
Билинг, лаззатлидир меҳнатнинг оши.

Чин йигитлар меҳнат қилди,
Меҳнатида пахта унди.
Колхозда ишлаганларнинг
Бахти қулди, бахти қулди.

Отамнинг ҳовлиси қумпинг этаги,
Юринг оға, солланишиб кетали.
Сайрамаган булбулларни сайратиб,
Колхознинг боғида сайр этали.

Эшингнингнинг олди майдада ёғочлик,
Менинг оғам бўлди колхозга бошлиқ.
Юринг қизлар, колхозларга кирайлик,
Энди биз ҳам яхши даврон сурайлик.

Колхоз-совхоз тузамиз,
Социализм қурамиз,
Ҳар бир чиққан дўшманга
Сўнгги зарба берамиз.

Оқ олтин терасан колхозда, гелда,
Кора соч ўйнайди яғрила, белда,
Мен сени дер эдим районда битта,
Газета қарасам, кўп экан элда.

Қўлимга олганим олтин ҳалқади,
Олтин ҳалқа сув бўйида қалқади,
Бу замонда колхозларга кирганинг
Кундан-кунга баҳти кулиб болқади.

Сонжоқ¹ баланд-баланд учар боди бор,
Муштумзўрнинг бизлар билан доди бор,
Бўлса бўлсин нишатади муштумзўр,
Колхозимнинг Ленин деган оди бор.

Колхоз йўли кенг экан,
Эркак аёл тенг экан.
Шу йўл билан юрайлик,
Аъзо бўлиб кирайлик.

Улли ёлнинг² бўйлари,
Колхозимнинг қўйлари,
Ҳеч юзага чиқмайди
Босмачининг ўйлари.

Колхозим-о, колхозим,
Колхозимдадир кўзим.

¹ Сонжоқ — аргимчоқ.

² Ел — канал, ариқ.

Унга кўз тиккан ёвни
Отиб ташлайман ўзим.

ЯШАСИН, ДЕҲҚОН ЯШАСИН

Хоразмнинг ерларй бор,
Ишламоққа беллари бор,
Онда деҳқон қўллари бор,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Ёзда деҳқон уйда ётмас,
Пашша чақса анга ботмас,
Оғиз айланмай нон тотмас,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Кишида аравани тек қўймас,
Иш этиб ҳорганин билмас,
Корсан-корсан оша тўймас,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Зўр яроғи ўроқ, белдир,
Пинаклаб олса, зўр филдир,
Оғиз-тўшак, ёстиқ-челдир,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Ширп эттириб ураг боша,
Челдан ҳўқиз чиқса роша,
Сўнгра келар пишган оша,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Илк баҳордан қазув бошлар,
Деҳқонлар ишини ташлар,
Капчасин дарҳол тарашлар,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Деҳқон дунёга керакдур,
Онгли яшаган зийракдур,
Тиришиб ишлаш керакдур,
Яшасин деҳқон, яшасин.

Турли-турли олар хирмон,
Сурнайли тўй берар деҳқон,
Дунёга жон берар деҳқон,
Яшасин деҳқон, яшасин!

Меҳнатим — шараф-шоним

* * *

Жаҳонда тинчлик бўлсин,
Оlam шодликка тўлсин,
Ёшу қари ҳамма ҳам
Тинч бўлсин, омон бўлсин.

Комбинатда илғорман,
Ҳуррамман, баҳтиёрман,
Тинчлик учун жонимни
Беришга ҳам тайёрман.

Ҳаётимиз фаровон,
Йўлларимиз чароғон,
Бизга шодлик баҳш этган
Осойишта ҳур замон.

Тинч бўлгандан замонамиз,
Кўндири қўшиқ-таронамиз,
Ильич нури билан ёруғ
Ҳам юртимиш, ҳам хонамиз.

Соатим «чиқ-чиқ!» этар,
Ишлар сифатли битар,
Тинчлик даври ҳур давр,
Ҳамма мақсадга этар.

Куч кетмайин тизингдан,
Ким ўзишлиқ ўзингдан,
Мусобақа ҳазилмас,
Қайтма, дўстлик сўзингдан.

* * *

Завод уруг чиқарди
Колхозчилар боқсин, деб,

Тоза барглар соламиз
Қуртимизга ёқсин, деб.

«Чумоли» дай чимиллаб,
Даҳа кирса шивиллаб,
Авайлаб қўйсам даста,
Пилла бўлса дувирлаб.

Эпчил қўллардан ўтиб,
Сушилкада қурир у,
Қозонда қайнаб, пишиб,
Тола-тола бўлур у.

Тола-толадан нозик,
Қалаваси беузуқ,
Ипакни ишга солар,
Қиз, жувон — кўзи сузик.

Машинадан машинаға
Үтади бошқа бўлиб,
Пишитув цехларида
Айланиб тўлиб-тўлиб.

Толаси якка-якка,
Бўғиб бўлак-бўлакка,
Мастер қиз ишлар чаққон
Шодлик сиғмай юракка.

Тахтага тортиб қўйган,
Ҳар ердан бўғиб қўйган,
Чаман гуллик бўлсин, деб
Қолипга қўйиб қўйган.

Шойи бўлади гуллик,
Бир эмас турлик-турлик,
Шойи тўқиган қизлар
Бир-биридан кўримлик.

Машиналар дазмоллаб,
Магазинга беради.
Магазинда турган қиз
Тах-тах қилиб теради.

Ол мени, деб туради,
Қизлар таңлаб олади,

Ўзбекистон атласи
Москвага боради.

Ярқирап толеимиз,
Меҳнат қилдик баримиз.
Шаҳримизни кўрганда,
Балли, дейди элимиз.

* * *

Юринг, ўртоқ булоққа,
Ювамиз юзу қўлни,
Мана шу бешийилликда
Бўстон қиласиз чўлни.

Юринг, дарё борайлик,
Каналга сув олайлик,
Ёзёвон чўлларини
Сувга сероб қилайлик.

Кўринг Норин дарёни,
Қуримасин дармони,
Канал тўлиб сув оқса,
Юртим пахтанинг кони.

Норин дарё бўйимиз,
Канал қазиш тўйимиз,
Норин билан Сирларни
Йўлга солини ўйимиз.

Каналда биз ишлайлик,
Йўлни маҳкам ушлайлик,
Советларнинг даврида
Ўйнаб-кулиб яшнайлик.

Оқарди сув тентираб,
Йўл тополмай шилдираб,
Канал йўлига тушиб,
Оқиб кетар гулдираб.

Канал яхши чопилсин,
Нориндан сув очилсин,
Суви келиб чўлларга,
Чўлда пахта очилсин.

Каналга сув бойлансин,
Чўллар боқقا айлансан,
Янги ерлар очилиб,
Оқ олтинлар тойлансан.

Оҳангарон катта сув,
Олма гулида тошар,
Канал қазиган қизлар
Меҳнатда шуҳрат топар.

Каналдаги машҳур қиз,
Файратингни ошир, қиз,
Дўстларинг қойил қолсан,
Үртоқларинг шошир, қиз.

Оқ чинни пиёлада
Каналдан сув оламан,
Айтадиган гапим бор,
Кўзингдан уёламан.

Катта канал шамоли
Рўмолим олиб кетди,
Учириб олиб бориб,
Ғўзага илиб кетди.

* * *

Москвадан келса ёр
Йўлида турсам,
Бир даста гул бўлиб
Қўлида турсам,
Бошимдаги рўмолим
Поёндоз қилсам.

Бошимдаги рўмолим
Фабрик рўмоли,
Бўйнимдаги маржоним
Ёрнинг хумори.

Айлама, айлама
Айлаб олгансан,
Үртоқларим ичидан
Сайлаб олгансан.

Айлама, айлама
Айлаганим бор,

Шунча қизлар ичида
Танлаганим бор.

Самарқанд сойини
Сайлайди қизлар,
Барикамбар шойини
Танлайди қизлар.

* * *

Сувлар келар тонг сойдан,
Чарчаб келганимда қўйдан,
Ҳордиқларим чиқиб кетар,
Эрка ёрим чиқса уйдан.

Менинг отимдир бодом кўк,
Сендан, сулувим, кўнглим тўқ,
Уйдан чиқиб «Ҳорманг!»— дединг,
Сендан бошқага кўнглим йўқ.

Қайси колхознинг даласи,
Олис экан-ку ораси,
Юрагимга олов солди
Мана шу колхоз боласи.

Кийса қирмиз ярашади,
Бу қиз ударник, дейишади,
Йўлларида эсган шамол
Қора зулфини эшади.

* * *

Хулкар тарози оғади,
Жонон сигир соғади.
Сигирни соғар ийдириб,
Сочини ерга тийдириб.

Софувчи келин жуда ёш,
Арғумчоқ солар толига,
Ариқда сувлар мавж урар
Елиб ўтган шамолига.

Бу колхоз қўйи семиз,
Қўйни ҳайдаб келдик биз,
«Ҳорманг!»— деб уйдан чиқди,
Сочи чулғаниб сулув қиз.

Қўй согасан синовга,
Мени қўйма қийновга,
Чин сўзингни бермасанг,
Бош олиб кетай Деновга.

Эниб келдим элларингдан,
Жуда чанқаб чўлларингдан,
Хитой чиннинг тўлдириб чиқ,
Сут аралаш болларингдан.

* * *

Үй отиза бу пахталар ярашар,
Япроқлари бир-бирина қарашибар.
Шохалари хиёвондек чўлашибар,
Теринг пахталарни, қизу жувонлар.

Чаман пахта яхшиланиб терилсин,
Заводларга ўобуд қилмай берилсин,
Планимиз ҳар билакка қирқ кило,
Қирқ ўрнига юз килодан терилсин.

Колхозимиз бу йил бўлди бадавлат,
Заррача қолмади бизда адоват.
Сирли патепон, оқчойли қилғон
Колхозчига дейилсин катта раҳмат.

* * *

Келинг колхозчилар пахта терайлик,
Пахта териб мукофотлар олайлик,
Норма бажаришдан олдин бўлайлик,
Хонасида ҳеч қолдирмай олайлик.

Пахталарнинг сифатини бузмайлик,
Ҳамма вақт отбор сўрта берайлик,

Оқ олтиннинг бағрида биз яшнайлик,
Душманларнинг кўзларини ёшлайлик,

Колхозчилар юз килочи бўлдилар,
Мукофотга патефонлар олдилар,
Нормаларин ўйлагандан ортириб
Пахта териб заводларга бердилар.

* * *

Сайлов участкасига
Қизлар бордик кўп бўлиб,
Овоз бериб чиққанда,
Йиғилишда тўп бўлиб,

Қўшиқ айтиб кетдилар,
Лола теришга тоққа.
Қувноқ шўх қўшиқлари
Қетар тарқаб ҳар ёққа.

Қўклам келди, ҳар ерлар
Яшинар лола, гул билан,
Боғлар, бўстонлар тўлди
Кумрию булбул билан.

Совхозимиз қўйлари
Утлаб чиқар адирга,
Гул, лола терамиз,— деб
Бизлар ҳам чиқдик қирга.

«Келинг қизлар!»— деб чорлар
Зилол чашма булоқлар.
Сув юзида чалинар
Кумушдан қўнғироқлар.

Парча-парча булутлар
Иғилса ёғар ёмғир.
Элим хазинасиға
Ҳар бир томчи гавҳар-дур.

Рўмолимиз учирди
Бахмал водий шамоли,

Қимларга завқ бермайди
Бизнинг эллар жамоли!

Биз терган лолаларнинг
Қизил, тарғил туси бор.
Хидлаб кўрса кимда ким
Севгимизнинг иси бор!

Тол экдим хода бўлди,
Маржоним шода бўлди,
Айтадиган қўшиғим
Хозирча адо бўлди.

Фабриканинг йўлидан

* * *

Электрда яшнайди
Фабрика дарвозаси,
Дунёга тарқаб кетган
Комбинат овозаси.

Фабрикада ишлайлик,
Электрда яшнайларик,
Озодликнинг боғида
Вақтимизни хушлайлик.

Юрар ўрдак боласи,
Орқасида онаси,
Фабриканинг қизлари
Меҳнаткашнинг боласи.

Фабриканинг йўлидан
Рўмолча топиб олдим,
Топиб олди деманглар,
Меҳнатга сотиб олдим.

Фарғонада ой ботар,
Марғилонда тонг отар,
Фабриканинг қизини
Первой гудок уйғотар.

Саккизинчи мартимиз,
Яшнайди ҳаётимиз,
Айни ёшлиқ чоғида,
Тошгандир ғайратимиз.

Далада юрган шамол
Сочларимдан тортади,
Газетадаги сўзлар
Ғайратим қайнатади.

Катта қизим фабрикада
Қийимликлар тўқииди,
Кичик қизим Назмой
Агрономга ўқииди.

Гидир суви бойланди,
Машиналар айланди,
Очилган хотин-қизлар
Фабрикага жойланди.

Марғилонда комбинат
Шелкоматал деб машҳур,
Қувноқ-қувноқ йигит-қиз
Ишлар фабрикада ҳур.

Қосинкамни ўрадим,
Машинамга қарадим,
Аълочи йигит билан
Мусобақа ўйнадим.

Ипак кони Марғилон,
Атлас-шойига макон,
Гуллик крепдешиндан
Қнийб яшна, ўртоқжон.

Фабриканинг бағрида
Ўйнаб-кулиб яшаймиз,
Шўроларнинг даврида
Ўдарник бўўп ишлаймиз.

Фабрикамиз жонимиз
Ботирларча ишлаймиз,
Шўроларнинг даврида
Ўйнаб-кулиб яшаймиз.

Ҳаводаги қалдирғоч,
Мен ҳам сенек учаман,
Кўнгул қўйдим меҳнатга,
Фабрикам бўлди чаман.

Фабрикамиз яшнайди,
Тўгри йўлга бошлайди,
Большевиклар йўлидан
Олға қадам ташлайди.

Фабрикамиз гуллайди;
Меҳнат сари имлайди,
Фабриканинг қизлари
Үйнаб-кулиб яйрайди.

Фабриканинг ичида
Енг шимариб ишлаймиз,
Комсомоллар ичида
Ишлаб, эсон яшнаймиз.

Боғим гули сўлмасин,
Душман сира кулмасин,
Фабрика солиб берган
Меҳнаткашдар ўлмасин.

Фабрика, йўлинг обод.
Йўлингга солай равот,
Фабриканинг қизлари
Уқиб чиқарди завод.

* * *

Ангреннинг бўйида
Поезд кетиб боради,
Шаҳар обод бўлсин, деб
Ероҷ ортиб боради.

Шахтёрлик одатим,
Ҳар кун ошар ғайратим,
Қўмир етказиб берсак,
Балли, дер мамлакатим.

Ангренини ким танир,
Шахтадан чиқар кўмир,
Шоду хуррамлик билан
Тинчликда ўтар умр,

Жоним фидо Ватанга

Орден олибсиз, ёrim,
Озодлик урушида,
Мен ҳам орденли бўлдим
Колхозимиз ишида.

Гул барги танга-танга,
Ёrim йўлладим жанга,
Кай жангчидан қолишай,
Жоним фидо Ватанга.

Фашист деган бизга ёв,
Йўлимизга бўлди ғов,
Сира омон қолмасин,
Сочамиз унга олов.

Олган пиёлам чинни,
Қўринг унинг ичини,
Қизил қўшиндан қўрқиб,
Гулёр бўлипти жинни.

Сочларимни тарайман,
Қизил рўмол ўрайман,
Фронтдаги ёримнинг
Иўлларига қарайман.

Осмондаги ойларга
Ингитлар қарашади,
Менинг ботир акамга
Орденлар ярашади.

Қизил аскарлар кучи
Жуда ҳам беададдир.
Ҳар бир сепган уруғим
Уларга бир мададдир.

Ҳаводаги юлдузим,
Сувга тушди қундузим,
Ой бориб, омон келсин,
Евни енгиб ёлғизим.

Чигит экдим еримга,
Хабар бердим ёримга,
Армиядан келармиш
Ерим пахта теримга.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади,
Фронт кетгаяй йигитлар
Орден тақиб келади.

Менинг ёрим қаҳрамон,
Душманга бермас омон,
Босқинчи фашистларни
Қилар ер билан яксон.

Ариқ бүйини ўяй,
Гулэорларга сув қуяй,
Қизсан деманг, аяжон,
Аскарликка қўл қўяй.

Машиналар айланди,
Душман қўли бойланди,
Бизга қарши чиққавлар
Бир чуқурга жойланди.

Бизнинг қўрқмас ботирлар
Тоғни талқон қилади,
Босқинчи фашистларни
Янчиб яксон қилади.

Нима ёзибди хатда,
Менинг ёрим фронтда,
Гитлерчи фашистларни
Янчиб ташлар албатта,

Қизил аскар милтиқни
Маҳкам ушлаб туради,
Қарши келган ёвларни
Ҳеч аямай қиради.

**Бизнинг қизил аскарлар
Асло қўрқмас донгдорлар,
Унинг ёрдамчисимиз
Миллион-миллион лашкарлар,**

**Тегирмоннинг тошиман,
Қиз болалар бошиман,
Борсам агар урушга,
Аскарлар йўлдошиман,**

**Бомба отдим узоққа,
Гитлер тушди тузоққа,
Қуриб кетгур ўхшайди
Худди ўлган бузоққа.**

**Бизнинг Ватан чаманзор,
Қизил аскар бизга ёр,
Душманларни қиласмиш
Аямасдан тору мор.**

**Келса агар оч бўри,
Тайёрdir унинг гўри,
Бизнинг кучга teng келмас
Душманнинг ҳамма тури,**

**Биз ўстирган ўғиллар
Армияга борурлар,
Тикилиб келса душман
Жазосини берурлар.**

**Кўк қофозда кўк қандим,
Оқ қофозда оқ қандим,
Душманни қўймай қирсанг
Онаңг рози, фарзандим.**

**Бизнинг бодга олича,
Шохи кетган туташиб,
Кизлар рўмол тикишди
Армияга аташиб.**

**Бизнинг ерни олишни
Фашист ўйлабди осон,
Кўсинингга ўқ теккурни
Килдиқ ер билан яксон.**

Кўзимдаги кетмоним
Евга қарши қиличdir,
Бизнинг юртимиз кучи
Енгилмайдиган кучdir.

Менинг ёrim колхозчи,
Хатлэрига қаранг-чи,
Иш кўрсатган фронтда,
Қани севмай кўринг-чи!

Усма кетар, қош қолар,
Сурма кетар, кўз қолар,
Хафа бўлманг, опажон,
Душман ўлиб, дўст қолар.

Меҳнат билан енгамиз
Жудоликнииг жабрини,
Совға — салом юбориб
Чиқарсан юрак ҳоврини.

Баланд-баланд тепалар,
Тепасидан ўйилсин,
Эшиклардан кириб кел,
Элу юрting суюнсин.

Фанаrъ устида фанаrъ,
Фанаrъ лопиллаб ёнаrъ,
Герой ёrim кўзлари
Фанаrдан равшан ёнаrъ.

Мен ҳам тайёрман ёвни
Еримиздан суришга,
Келганини қақшатиб,
Аямасдан уришга.

Үйингизда найлайман,
Белга камар бойлайман,
Душманни шартта отиб,
Бир чуқурга жойлайман.

Сув келар гулдур-гулдур,
Дўст бўлсанг, кўнглим тўлдиr,
Душманини қақшатгин,
Менинг мақсадим шулдиr,

Қўшиқ айтса, овозлари
Тоғлардан ўтар.
Отга мисса, парвозлари
Ёвни қўрқитар.

Менинг ёrim чегарачи,
Ёвга йўл бермас,
Ўзи ботир кўзи ўткир,
Бўйинни эгмас.

* * *

Суқсур бўйлик суйган ёр,
Кунда бўйингни кўрсам,
Мен ҳам чегарачи бўлиб,
Сендан команда олсан.

Бошимда рўмолим бор.
Номусим бор, орим бор,
Формалари ярашган
Чегарачи ёrim бор.

Насибанг деб қўйдим ош,
Естуинга қўйдим бош,
Майин ёстуқ ботганда,
Кўзларимдан тўқдим ёш.

Менинг ёrim қаҳрамон,
Учар оти ўйинчи,
Ёвни енгиб келсалар,
Бору йўғим қуончи!

Қизлар келди чувиллаб
Экин экди дувиллаб.
Сенсан юзи-хотириим,
Хавотир олма ботириим!

Ой олдида тарози
Ерга қараб туради,
Ҳаммадан онанг рози
Кўнгил сўраб туради.

Урушдан келган акамга
Катта-кичик қарашар,

Савлатингдан айланай,
Орденларинг ярашар.

Душман жуда сержаҳл,
Оч бўридай кўп баҳил,
Кўрингангта тош отар,
Найранг қилиб хилма-хил.

Менинг ёрим командир,
Тани соглом омондир,
Аскарликни севмаган
Киши менга ёмондир.

Наманғанинг чумчуги
Сойга қараб учади.
Мен акамни соғинсам,
Унг қовоғим учади.

Юришлари савлатли,
Узи ҳарбий хислатли,
Қелар эди соғиниб,
Ҳардам қишлоққа отли.

Ховуз бўйини ўйдим,
Тўппимни ерга қўйдим.
Аскарликка ёзилиб,
Ўйнаб-кулиб қўл қўйдим.

Томга сепдим гурунчини,
Гермон очди урушни,
Қилмай ўлсин урушни
Биздан кўрсии қиришни.

Ёрим келса айтаман
Мени аскар қилинг, деб,
Милтиқ тақиб елкамга
Мени олиб юринг, деб.

Үрдаклар қўлга тушди,
Йигитлар йўлга тушди.
Хурсанд бўлинг, ўртоқлар,
Душманлар қўлга тушди.

Сув оқару сув оқар,
Сув тагида қум оқар;

Ватан хизматин қилган
Кўксига орден тақар.

Иигирма тўрт ёшида
Оғир кунлар бошида,
Пудемёти турипти
Қўллар ёнбошида.

Боланг ўлса бўлмасми,
Бағринг куйса бўлмасми,
Гитлер ўлгир бошингдан
Яшин урса бўлмасми?!

Ол байроғу ол байроқ,
Душман ололмас уни,
Агар кўз тикса душман,,
Ўзининг битар куни.

Азаматлар урушда
Тоғ ошиб, дарё кечар,
Эрим ўлгир ишламай,
Пулимга ароқ ичар.

Бошлиб келинг мажлисга,
Ургатамиз танқидга,
Уртага олиб кўпчилик
Чақирамиз тартибга.

Менга учраган бир эр
Тезроқ тортсан қора ер,
Болаларнинг рисқини
Тортиб олиб ароқ дер,

Оёқ босар ифлосга,
Оғзин тўлдириб носга
Война деб ваҳма тушди
Пул жинниси восвосга.

* * *

Эшик очиб сув сепдим
Гул, майсалар ўссин, деб,
Армияга хат ёздим,
Тез кунларда етсин, деб

Тоза ипак қўйлагим,
Қўринади билагим,
Соғиниб хатлар ёсам,
Эзилади юрагим.

Саломим сизга, дўстим,
Саломим олди гулим.
Тонг билан қутлайин май,
Ассалому алайкум!

Олма оқиздим сизга,
Тутиб олинг, жон ёрим,
Қўлим билан хат ёздим,
Кутиб олинг, жон ёрим.

Эгнингдаги камзулим,
Зармикан, зарбобмикан,
Севинчлик хабар олдим,
Ростмикан, ёлғонмикан?

Хат ёздим мен ўлтириб,
Оқ қофозни тўлдириб,
Хатим кетди почтада,
Ўзим қолдим кўчада.

БОРАЙЛИК ФРОНТГА

Фронт учун маслаҳатлар қурилди,
Бутун колхозларга эълон берилди,
Партия, комсомол бари жийилди,
Борайлик фронтга, қадрли ёрим.

Йиглаб кўзларингни ёшга тўлдирма,
Қўпчилик олдида юзинг сўлдирма,
Кетар вақтда йиглаб менга билдирма.
Борайлик фронтга, қадрли ёрим.

Бу душманга Ватанимиз бермайик,
Унинг озорига чидаб турмайик,
Хотин-қизни етим-есир қилмайлик,
Борайлик фронтга, қадрли ёрим.

Пароходга миниб кетиб бораман,
Душманнинг сардорин бориб кўраман,

Гушманни эзғиллаб тор-мор қиласан,
Борайлик фронтга, қадрли ёrim.

ЕНГИБ ҚАЙТ

Мард бўл болам, кўзингга ёш тўлмасин,
Умидсизлик, қайғу йўлдош бўлмасин,
Бу хўрликка сабаб— Гитлер қулмасин,
Борғил болам, ит Гитлерни енгиб қайт.

Осмонларни қора булат босибди,
Ёшу қари бешотарни осибди,
Болам, деб оналар сочин ёзибди,
Борғил болам, ит Гитлерни енгиб қайт!

ХЎШ ЭНДИ

Хаёт юбордим, оқ қофозни қоралаб,
Кетди хатим почталарни оралаб,
Биз юрибмиз душман юрагин доғлаб,
Оқ сут берган, мушфиқ онам, хўш энди.

ОНА СҮЗИ

Хафа бўлманг, туққанларим дўстларим,
Фарзандларинг кетти хунхор устина,
Қадрдоним, эли куним, бўз таним,
Биз тайёрмиз Гитлер мурдор устина.

Уч болам бор эди, очилган гулдай,
Бири яйраб, бири сайрап булбулдай.
Олдимда юрарди шакарли тилдай,
Мен узаттим Гитлер мурдор устина.

Энди кечакундуз қиласман дуо,
Соғ-саломат бўлаверсин доимо,
Душманларни енгиш бизга муддао,
Тўпдан отсак, Гитлер мурдор устина.

Қошки бўлса ош-туз ўлим, мардона,
Ҳаммалари борса уруш майдона.
Зарба берса тонгда фашист-душмана,
Ғалаба қозониб айёр устина.

Эндиғи вазифа қиласман дуо,
Саҳар туриб халқим учун бориҳо,

Омон бўлсин партиядек раҳнамо,
Ғалаба қозонсак айёр устина.

Эди ишим йўқдир, бекорга туриб,
Колхозда ишлармиз хизматлар қилиб,
Қизил Армияга ёрдамлар бериб,
Ғайрат қилиб, ғайрат бисёр устина.

Урушга юбордим асраган жоним,
Душманга кетмасин олтин маконим,
Омон келтай менинг қизил арслоним,
Шодлик бўлгай азиз диёр устина.

ОМОН ҚАЙТ!

Комилжон минибди боржи устина,
Назар оғанг минган ширин кучина,
Омон-эсон келгай уйнинг ичина,
Жоним болам, омон бориб, эсон қайт!

Ярашиқли самолётнинг шамоли,
Очилибди Хоразмнинг жамоли,
Комилжоннинг юзи шунча мазали,
Жоним болам, омон бориб, эсон қайт!

Аэроплан қанотингни қоқиб ўт,
Саломимни Комилжонга айтиб ўт,
Агар саломимни етказа қўйсанг,
Бизлар ёнда меҳмон бўлиб қолиб ўт.

Айрилиқ деманглар, жоним қақшиди,
Шу йил қишдан ўлмай чиқсан яхшиди.
Омон-эсон кела қолса шу болам,
Косани косага урсан яхшиди.

НАСИҲАТ

Болам, тингла, менинг айтган сўзимни,
Сарғайтирма дўстнинг асло юзини,
Оқламай кетма сен бирор тузини,
Болам, шудир сенга берар маслаҳат.

Бирор билан уришмагин ҳаргиз сан,
Ет юртларда хабардор бўл, ёлғизсан,

**Хөр бўлмайсан муҳтоjlарни тўйғизсанг,
Болам, шудир, сенга берар маслаҳат.**

**Сиринг очма танимаган одама,
Эҳтиёт бўл ҳар бир босган қадама,
Эр йигитман десаңг агар, алдама,
Болам, шудир сенга берар маслаҳат.**

**Қараб турма Ватанингга ёв келса,
У одамни ўлдир Ватан сот, деса,
Душман туриб дўстларингни от, деса,
Болам, шудир сенга берар маслаҳат.**

СОҒ КЕЛГАЙСИЗ, ОҒАЖОН

**Оғамжоннинг мингани оти оқ бўлгай,
Ет элларда йўлдошингиз ҳақ бўягай,
Оға сизни тилакларим қўллагай,
Омон бориб, соғ келгайсиз, оғажон.**

**Оқшом бир туш кўрдим, айтдим, яширдим,
Ҳар хаёла ботдим, ғамим оширдим,
Бир ёлғиз оғамин сизга топширдим,
Омон бориб, соғ келгайсиз, оғажон.**

**Алимин узатдим балқи тутларга,
Кетма деб йиглайман олис юрталарга.
Кетма десам айтмай кетти ўзнилан,
Рўмол олиб йиглаб қолдим изинлан,
Омон бориб, соғ келгайсиз, оғажон!**

ОМОН КЕЛГАЙ

**Эпикка чиқаман тўрт ёним суна,
Жон қўзим кеткали бўламан хафа,
Кейнида йўқ қўзим туғишган оға,
Қамар қўзим, омон келгай қўлима.**

**Рўмолим кир бўлса ювиб оқ этдим,
Қўнбогарни сенинг учун боғ этдим,
Босиб кетған изларингга зор этдинг,
Амат қўзим, келиб қўнгай қўлима.**

**Сентябрда мен учирдим ғозимни,
Бегда сайраб турган булбул қўшимни,**

Армияга юбордим азиз қўзимни,
Жоним қўзим, омон келгай ёним.

Оҳ ураман оқ уйларга суюниб,
Үйқум келмас билакларга таяниб,
Аматжонни соғиниблар юргаңда,
Омён бориб, соғ келгайлар илойим.

Оқар сувда қайғим бор, кемам бор,
Қавказ юртда Амат отли оғам бор,
Бугун-эртанг қелар деган тамам бор,
Омон бориб, соғ келгайлар илойим.

ХЎШ ЭНДИ

Едима тушади этган ишларинг,
Писта-бодом каби ҳинжи тишларинг,
Қора қошинг, сочинг сунбул, қўзларинг,
Мехрим берган севар ёrim, хўш энди.

Қора қошларингга ўсма қўярсан,
Тез келса ёrim деб катлар ёзарсан,
Хатлар ёзиб сен кўнглимни бузарсан,
Мехрим берган севар ёrim, хўш энди.

Ёдимдадир ёrim деган сўзларинг,
Ёлимдадир ёниб боққан қўзларинг,
Қани энди сўз сўзлаган тилларинг,
Мехрим берган севар ёrim, хўш энди.

БОЛАЖОН

Қўлима олганим анжирнинг нали,
Армияга кетди йигитнинг бари,
Кейнида қолибди севикли ёри,
Омон бориб; соғ келгайсан, болажон.

Қараб турдим моторингга мингунча,
Хўш энди, болажон, қайтиб келгунча,
Сен кетасаң йўлда йўлдошинг билан,
Ман қоламан уйда кўз ёшим билан,
Омён бориб, соғ келгайсан, болажон.

Моторингиз дигилчаги¹ ботмагай,
Хар ерда бўлса-да, баҳтинг ётмагай,

¹ Дигилчак — гидирак.

Душман сира яхши кунга етмагай,
Омон бориб, соғ келгайсан, болажон.

Қора сочим ювгайманда ўргайман,
Мен яна шу болажоним кўргайман,
Болам кўлса, бўла қолса боласи,
Унг ёнимда боласини севгайман,
Омон бориб, соғ келгайсан, болажон.

ОМОН БҮЛ

Кўзим очиб оқ билагин ушлаган,
Кучоқлашиб хўш энди деб йиглагай,
Айрилиқда бағрин ўтга доғлаган,
Севар ёрим, меҳрибоним, омон бўл!

Кечалар ётганда сирлар айтишган,
Ўйнашиб-кулишиб меҳри қонмаган.
Ёрим деб айрилиб йиглабам қолган,
Айра тушган севар ёрим, омон бўл!

Соғинидим деб менинг дардим қўзгадинг,
Севги ўтларини ёдимга солдинг,
Омонат хатингни соғлиқда олдим,
Қизил юзли, севар ёрим, омон бўл

Соғинидим деб қилма бунча маломат,
Бу хатни ёзаман сенга омонат,
Мен юрибман бунда согу саломат
Севар ёрим, Украинада омон бўл!

ОМОН ҚАЙТГИЛ

Дарёнинг юйлари шамол бўлмагай,
Огажон юзингга чанглар урмагай,
Ёшгина жонингга завол бўлмагай,
Евни енгиб омон қайтгил, оғажон.

Армияга кетди йигитнинг хони,
Сут бўлиб оқади душманинг қони.
Уринг, юрагида қолмасин жони,
Енни енгиб омон қайтгил, оғажон.

МЕН БОРА БИЛМАЙМАН, БОЛАМЖОН КЕЛСИН

Енгимга солибман бир сўлқим узум,
Боламнинг йўлида термулди кўзим,
Оти Олимбойдир, танийман ўзим,
Мен бора билмадим, боламжон келсин.

Тошкентнинг йўлида уч дона юлдуз,
Отингдан айланай қошлари қундуз,
Йўлинга қарайман кечаю кундуз,
Мен бора билмадим, боламжон келсин.

Вагонлар ўтади қаторма-қатор,
Дунёда жонимиз соғ бўлса етар,
Чеккан айрилиқлар ўтарда кетар,
Мен бора билмайдим, боламжон келсин.

Армия йўллари йўлдан зиёда,
Йўлинг билсам, бормасмидим пиёда,
Ҳаммамиз ҳам соғ бўлгаймиз дунёда,
Мен бора билмадим, боламжон келсин.

Армия йўлига гуллар битибди,
Гулларни оралаб ўғлим ўтибди,
Ўғлимни кўрсангиз салом дегайсиз,
Дунёда ҳаммангиз омон бўлгайсиз.

Армия йўллари чатлидан-чатли,
Ўғлимни сўрсангиз Олимбой отли,
Ёнида жўраси Илҳомбой отли,
Солдат ўғилларга салом дегайсиз,
Мен бора билмайдим, боламжон келсин.

САЛОМ БЎЛСИН

Ўғлим деб ҳам фарёд этган,
Менинг учун меҳнат этган,
Ўғлим хўш, деб ғамгин бўлгаи
Отамизга салом бўлсин,

Тўққиз ою-кун кўтарган,
Боқиб камолга етирган,
Болам хўш, деб йиглаб қолган
Онамизга салом бўлсин.

**Бир ярим йил бирга бўлган,
Бир ёстиқда бош қўйишган,
Дарди — сирини айтишган,
Гулноржонгә салом бўлсин.**

**Бир отадан бўлишганим,
Бир эмчакдан эмишганим,
Бир ҳон бўлса бўлишганим
Шу инимга салом бўлсин.**

САЛОМ АЙТИНГ

**Иўлдан ўтган йўловчилар,
Бизнинг элга борувчилар,
Бу саломни айтувчилар,
Жон онамга салом айтинг.**

**Изимииздан қараб қолган,
Сунбул сочин тараб қолган,
«Хўш, болам», — деб йиғлаб қолган
Жон онамга салом айтинг.**

ОНАМ КЕЛСИН

**Онама айтинглар, оқ, кўйлак кийсин,
Кумуш узугимни рўмолга туйсин,
Мени соғиниганда узугин сўйисин,
Мен бора билмадим, онамжон келсин.**

**Снама айтинглар, кўпир қурдирсан,
Кўпирнинг устига булбул қўндирисан,
Мени келади деб серка сўйидирсан,
Мен бора билмадим, жон онам келсин.**

**Онама айтинглар, қовуи қоқласин,
Қовуннинг қоқини уч ой сақласин,
Уч ойда бормасам, айтиб йўқласин,
Мен бора билмадим, жон онам келсин.**

ОҚ ҚОФОЗ

**Узоқ йўлдан учиб келган,
Севар ёрим қучиб келган,
Ёр қўлидан ўпиб келган,
Эй, меҳрибон оқ қофоз.**

Бориб айтинг саломимни,
Эшитсин арзи-додимни,
Кўриб кел сержант ёримни,
Эй, гуноҳи йўқ қофоз.

Шеър ўрнига калом ёздим,
Оқ қоғозга салом ёздим,
Душманларга гўрлар қаздим,
Эй меҳрибон, оқ қоғоз.

КЕЛСАЛАР

Уста болтаси қўлида,
Мен фидо унинг йўлида,
Хизматда турсам тўйида,
Укам Одилбек келсалар.

Уйингга гуллардан солсам,
Наққон бўлиб нақш қўйсам,
Қараб дийдорингга тўйсам,
Укам Одилбек келсалар.

Саломат бўлсанг укажон,
Елдек бўлиб ўтар даврон,
Фидодир бошим ҳар замон,
Укам Одилбек келсалар.

* * *

Доктор келиб оёғимни боғлади,
Ширин сўзлар билан кўнглим чоғлади,
Согайтириб биздай қанча аскарни,
Душманларниң юрагини доғлади.

Замбаракнинг ўқи тегди сонима,
Оқ кўйлагим ботди қизил қонима,
Оқ кўйлагим қизил қона ботганда,
Еру дўстим ора кирди жонима.

Армия йўллари чанғли, ғуборли,
Қачон келар жон қўзимнинг хабари,
Қачон келса шу қўзимнинг хабари,
Бошидан садага дунёнинг моли.

Сарҳовуз бўйида якка бир толим,
Шохаси эграймас, япроғи қалин,

Оғасиз-инисиз бир ёлғиң ёрим,
Евни енгиб тезроқ келгай илойим.

Қора сочим ювиб оро бераман,
Батан учун ширин жоним бераман,
Үрушдаги юрган севар ёр учун
Немислардан хун олмасам кўраман.

Армияга борсан ёрим ёнина,
Утлар солсан душманларнинг жонина,
Бешотарнинг бир калитин босгандা,
Кошки қолсан мингтасининг қонина.

Душманларнинг умидлари узилсии,
Юртимизда мудом тинчлик тузилсии,
Шум ниятли босиб келган Гитлернинг
Қора боши қора қонга бўялсии.

Душманларнинг умрлари тугагай,
Менинг ёрим армияда яшагай,
Армиядан келиб соғу саломат,
Уйимизда ноҳли новватлар егай.

Қоромон ёғочнинг ёнари бўлмас,
Агар ёнақолса турари бўлмас,
Инсофиз бостириб кирган душманнинг
Йиқилса туришга мадори бўлмас.

Кун ботарда Масков деган қалъа бор,
Бўсағаси олтин билан баробар,
Үрушда қон тўкиб турган оғалар
Душманларнинг кўзларини ўярлар.

Оҳ она, сабр айла-сен,
Бир кун борарман ёнингга,
Бизларга ҳужум этган
Гитлер бўялсин қонига.

Узун-узун шўралар
Оёгингга ўралар,
Энди кетиб борамиз,
Яхши қолинг жўралар.

Автомат кўлимдадир,
Ҳар бало йўлимдадир,

Омон бўлсак охир бир кун,
Гитлер боши ўлимдадир.

Гитлер деган ит бор эмиш,
Нону чўракка зор эмиш,
Ичин буриб йиглар эмиш,
Уруш деса тайёр эмиш.

Хива деган овозали,
Үй иккидан дарвозали,
Хива палови мазали,
Хивада қолди жойларим.

Кўчаларга сувни кўнроқ селинг.
Тайриниб ўлсин Гитлер,
Кўйлагини торроқ бичинг,
Қисилиб ўлсин Гитлер.

Армия йўллари порсангма-порсанг,
Порсангда ўтириб дамингни олсанг,
Армияга кетти ёшгина оғам,
Телефонлар уриб хабарин олсам.

Айвонингда ўрик бўлиб гуллайман,
Шохасинда булбул бўлиб сайдрайман,
Булбул қурғай гул шохасин қайирган,
Гитлер қурғай мени ёрдан айирган.

* * *

Олманинг оқи билан,
Тагида япроги билан,
Оғамга хат ёзаман
Кичкина бармоғим билан.

Ерим кетган фронтга,
Бешотари қўлида,
Қаҳрамонлик нишони,
Ордени ўиг-сўлида.

Ёзда пишар бофимиининг олиси,
Тўйга бўлгай колхоз эккан шолиси,
Армияга кетди юртнинг ёриси,
Омон бориб, соғ келгайлар бариси.

**Кум өқару қум оқар,
Кум тагидан сув оқар.
Урушдаги аскарнинг
Боласини юрт боқар.**

Армиянинг йўли йўл бўлганмикан,
Еримнинг кийими кир бўлганмикан,
Агар кийимлари кир бўлган бўлса,
Кимларга зорланиб ювдирган экан.

Уч кўлча гул экдим эрмаклар учун,
Ичинда солланиб юрмаклар учун,
Ака, расмингиз уйда турибди,
Софинган вақтлар кўрмаклар учун.

Хивамизнинг уч буржи бор,
Мард йигитнинг ҳуржи бор,
Немисларнинг не кучи бор,
Епирилинг, Гитлер устина.

Сочим узун бўлса эди,
Мен иккига ўраг эдим,
Хат ичига сиғсан эди,
Бориб ёрим кўраг эдим.

Сочим узун таролмайман,
Таролсан ҳам ўролмайман,
Толга миниб тошни босиб
Қарасам ҳам кўролмайман.

Қатор-қатор ойналардан қарайман,
Почтаидан салом хатни сўрайман,
Почтачи ҳам салом ҳати йўқ деса,
Ўйга кириб аzonгача йиғлайман.

Сочим узун бўлса, иккилаб ўрсам,
Конвёртлар кенг бўлса ичига кирсан,
Ичига қирибам акамни кўрсан,
Шунда-да совимас бу ёнган юрак.

Оқдир, бу қоғоз оқдир,
Ёрдан ҳеч қабар йўқдир,
Агар ёрдан қабар келса,
Үлсан арменим йўқдир.

Айвонга чиқамай сочимни ўриб,
Ҳамиша йиғларман тушимда кўриб,
Бир замон уйлардан кетмаган ёrim,
Ничик қарор этдинг ёт элда юриб.

Душман қурғай тошдан қалъа солдирган,
Ҷынитлардан сарасиний олдириған,
Ергинамнинг қизил юзин сўлдириған,
Гитлерчилар хароб бўлгай илоҳим:

Довут ёла сув келибди лойланиб,
Акам армияга кетди шайланиб,
Акам армияга кетса шайланиб,
Уч йилдан сўнг келар яна айланиб.

Ёвача поядан поя бўларми,
Попогинг бошимга соя бўларми,
Ҳеч ерии кўрмаган ёшгина оғам,
Гитлерининг қўлинда зоя бўларми?

Ёримнинг боғина оли бўламан,
Леҳмонхонасиниа голи бўламан,
Ёрим эсон-омон қайтиблар келса,
То ўлгунча хизматкори бўламан.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади,
Армияга кетган ёrim
Нишон тақиб келади.

Дарёда айланар қайиқнинг боши,
Юзимни ювади кўзимнинг ёши,
Армияга бориб оғриса боши,
Соғлик бўлсин шу дойимнинг йўлданни.

Эшигингнинг олди чияли боғлар,
Юрагимга солдинг айрилиқ дўғлар,
Йиғлайсан деб айтаверманг, опалар,
Дўстидан айрилса, ҳар ким ҳам йиғлар.

Армия йўллари порсангма-порсанг,
Порсангда ўтириб дамингни олсанг,
Армияга кетди ёшгина оғам,
Телефонилар ўриб соғлик сўрашсам,

Сориси, сориси гулнинг сориси,
Тўйларга буюрсин оғам эккан шолиси,
Уяламан отиң тутиб айтмоққа,
Омон келгай кетганларнинг бариси.

Армия жидаси чирик дейдилар,
Армияда ёринг тирик дейдилар,
Тирик бўлса келмасмиди юртима,
Душманнинг қўлида ўлик дейдилар.

Тўқ-тўқ этади тўргай,
Доим келажак бўлгай,
Нўлларда чаман боғлаб,
Йўлларда омон келгай.

Армияга экиб кетган толларинг,
Госпиталга келиб ёзган хатларинг,
Хатинг олиб ҳайрон бўлдим ёргинам,
Касалмисан ўхшамайди хатларинг.

Хат ёзаман ручка билан,
Сўз охири точка билан,
Дўстим сиздан хат келмаса,
Икки кўзим почта билан.

Олмани бир тишлаб кумуш этаман,
Ёрим армияда мен нишатаман,
Шу ойларнинг ўн бешина келмаса,
Аризалар бериб ўзим кетаман.

Билагимда гулдеккина ҳолим бор,
Армияда гулдеккина ёрим бор.
Огини айтманглар ёнавераман,
Оти яхши бўйидан айланаман.

Пароходга миниб, она хўш деган,
Налож этай укаларим ёш деган,
Ёш бўлса ҳам каъбам отам бош деган,
Омон бориб, соғ келгайсан, болажон.

Болалар кетдилар ҳаммаси қатор,
Беслинда бешотар душманий отар,
Пар тўшак устида ётган болалар
Ватани қўриқлаб окопда ётар.

Эшигингнинг ўнги қаторма-қатор,
Сой ердан ҳайдама, от лойга ботар,
Деч нарса кўрмаган ёштина ёrim
Изгор окопларда нишатиб ётар.

Самолёт келаётир ҳавони кезиб,
Еrim кетти юрак-бағримни эзиб,
Кетаверсин, омон борсин, соғ келсии,
Кетар, кетар Гитлер бошини кесиб.

Қўлимда узугим ҳам билакузугим,
Армияга кетган бели нозигим,
Армиядан келса бели нозигим,
Бошидан садага олтин узугим.

Бузилмагай қумри қушнинг уяси,
Отам деб қолмагай одам боласи,
Олинмагай партиянинг қалъаси,
Ерга ииргай Гитлер деган балоси.

Ёмон бўлди ёққан қорнинг ургуни,
Ёмон бўлди фашистларнинг сургуни.
Армияга одам қўймай ҳайдади,
Фашист қурғур баҳтимизни бойлади.

Тахта кўпирик битдими,
Шу ердан солдат ўтдими,
Солдатларнинг саломи
Хоразмга етдими.

Расмин юборибди лопага солиб,
Софинсан кўраман қўлимга олиб,
Маннич чидайман айрилиқ ўта,
Ҳам боламдан ҳам жонимдан айрилиб.

Бизлар кетдик тогу тошлардан ошиб,
Ватан учун худди дарёдай тошиб,
Душман кетди келган жойига қочиб,
Қани энди Хоразм юрт қайдасан.

Учакка¹ босганим майда ғовушди,²
Майда ғовуш бир-бирина ёнуши,

¹ Учак — том.

² Ғовуш — жўхорининг бир тури.

**Гитлер деган қоңкүр итни йўқотиб.
Менинг оғам ўз юртига қовушди.**

Армия йўллари жиглим тош экан,
Армияга кетган болалар ёш экан;
Ҳаммасига менинг оғам бош экан,
Омон бориб, соғ келгайлар илойим.

Қизил байроқ қизил аскар қўлида,
Қайга борса ҳеч қўрқмайди йўлида,
Мудом тайёр душманларни отишга,
Орден тақдан ўнги билан сўлига.

Тошдан экан армиянинг қалъаси,
Борай десам узоқ экан ораси,
Онасининг ардоқлаган боласи,
Улуғ жангда турган оғам омон бўл!

Душман кишиларни тор-мёр қиласмиз,
Тумшуғина қўндоқ билан урамиз,
Изгор¹ окопларга кўмиб немисни,
Кейин бирга ўйнаб-кулиб юрамиз.

Шер йигитга шеърлар ёздим, ўқиттир,
Немисларни ўқлар отиб йўқоттир,
Гитлер ўзи ҳаромзода бир итдир,
Меҳрибоним, оқ қоғозим, хўш энди.

Қўлимда узугим балдоғи сори,
Шу кунлар бўлибман ёримнинг зори,
Ёримдан айрилиб азобга қўйган
Гитлерга бергайлар маргимуш дори.

Дарёга ташладим бир сўлқим узум,
Армияга кетди бир қора кўзим,
Бугун-эрта хабари келмаса,
Легковойга миниб кетаман ўзим.

Армияга кетти икки чинорим,
Бириси дўғаним, бириси ёrim,
Тўрт йил бўлди хабари йўқ, хати йўқ,
Изидан кетайми дейман хаёлим.

Сарҳовуз бўйида якка бир толим,
Шожаси эграймас, япроги қалин,

Оғасиз-инисиз бир ёлгиз ёрим,
Евниң енгіб, тезроқ келгай илойим.

Душманларнинг дарвозаси йиқилсан,
Эллимиэда шойи, атлас түқилсан,
Юртимиға кириб келган Гитлернинг
Шумкалласи қора ерга тиқилсан.

Немисларнинг дарвозаси йиқилсан,
Боши қора ер остиңга тиқилсан,
Ота-оналарниң инглатган Гитлер
Тезда ўлыб, жанозаси ўқилсан.

Фашистларнинг вужудлари қақшагай,
Менинг акам армияда яшагай,
Армиядан соғ ва саломат қайтиб,
Ўз уйда қанду новват ошагай.

Тарофимни олиб сочим тараиман,
Хат келар деб йўлларига қарайман,
Акажоним, хабарларнинг келмагаč,
Ўйга кириб кўз ёш тўкиб йиғлайман.

Акамнинг жойлари «Полевой почта»,
Лопаларда¹ номерлари қирқ учта,
Эрта билан хат ташласам акамга,
Самолётлар етказади шу кеча.

Душманларнинг дарвозаси қақшайди,
Менинг акам армияда яшайди,
Пилоткани стол устина қўйиб,
Бугун салом хатлар ёзган ўхшайди.

Аскарликка, акажоним, бориб кел.
Раҳм этмай, душманларни қириб кел.
Юртга кириб элни вайрон этмасин,
Мардлик билан Қизил юлдуз олиб кел!

* * *

Иним фронтга кетди,
Ёнған бир ўтга кетди,

¹ Лопа — конверт.

Душманларни қирмоққа,
Ўзоқ паходга кетди.

Иним келар шод бўлиб,
Душман қолар мот бўлиб,
Қучоқ очиб кутарман,
Келса иним мард бўлиб.

Мард курашда билинар,
Душман кўкси тилинар,
Шу укамнинг мардлиги
Урушларда кўринар.

Ука, мардлик қилиб кел,
Олтин нишон олиб кел.
Синглима деб киссанга,
Ёр суратин солиб кел!

ҲОЙ, ҲОЙ, ОТАМИЗ

Ҳой, ҳой, отамиз,
Тошни кесар болтамиз.
Душман билан жанг қилиб,
Барини қийратамиз.

Ҳой, ҳой, отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Гитлер деган абллаҳни
Жаҳаннамга отамиз.

Ҳой, ҳой, отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Элга кирган ёвларни,
Тупроққа қулатамиз.

Ҳой, ҳой, отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Фашистларнинг тилини
Кесиб итга отамиз!

Ҳой, ҳой, отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Гитлер деган ҳайвонни
Мозорларга отамиз!

ГИТЛЕР ДЕГАН БИР БУРИ

Гитлер деган бир бўри,
Ииртқичнинг дили эгри,
Қон ялаган бўрининг
Қора ер бўлар гўри.

Гитлер дегани ҳайвон,
Ҳайвоннинг хулқи аён,
Ахир ҳайвонда ҳеч вақт
Ақл кўрганми жаҳон?!

Гитлер дегани жинни,
Билмайди туну кунни,
Бир куни ўлар кетар,
Мурдаси топар тинни.

Гитлер дегани уруш,
Бизға қилибди юриш,
Қани, мардлар, отланинг,
Керакмас қараб туриш.

* * *

Қувватни кўпайтирдик,
Эълон қиласиз, Гитлер,
Энди кенг фронт бошлаб,
Жавлон қиласиз, Гитлер.

Бизда марди майдон кўп,
Жанг қилмоққа арслон кўп,
Ҳар ўлкада каллангни
Хирмон қиласиз, Гитлер.

Иўқ бўлди сенинг бахтинг,
Утга ёқамиз тахтинг,
Бўйнингга осиб тўрва
Ҳайвон қиласиз, Гитлер.

* * *

Қиз: Мен сенга ёзайин арзи ҳолимни,
Сен ўзкингдан билар бўлсанг, бил энди,

**Кечакундуз йўларингга қарайман,
Вақти тўлди, келар бўлсанг, кел энди!**

Иигит: Жавобим ёзарман, соғиниб сени,
Соғиниб кут мени, бораман, нозлим,
Муяссар бўлгуси дийдоринг сенинг
Довлиқма, қайғурма, бораман, нозлим!

Қиз: Баланд тоғнинг қизил, яшил тоши бор,
Айрилиқ дардидан кўзим ёши бор,
Тезда келинг ёрингиз юмуши бор,
Соғинганман, заҳар бўлди бол энди.

Иигит: Қўнглим ҳавас қиласар бирга юрмоқни,
Қўл ушлашиб гулзорингга кирмоқни,
Қизил олмалардан бўлиб емоқни,
Соғиниб, кутабер, бораман, нозлим.

Қиз: Оқшом тўй, кўйлагим кийиб ётаман,
Ёстуғинг бошимга қўйиб ётаман.
Сувратинг сийнамга қўйиб ётаман,
Соғиниб, ишқингда тўлиб ётаман.

Иигит: Сақла сувратимни, олма, норимни
Мен бунда сақлайман ҳур диёримни,
Еш тўкиб келтирма мардинг орини,
Қайғурма, ҳавриқма, бораман, нозлим.

Қиз: Айрилиқни айир менинг бошимдан,
Келсанг, кетма энди менинг қошимдан,
Бу мактубни ёздим кўзим ёшиндан,
Соғ-омон душманни қириб кел, ёrim.

Иигит: Севгилим, оҳ тортма, мен сенга қурбон,
Гам билан кўз ёшинг айлама тўфон.
Сабр қил, оз қолди ғалаба куни
Душманни йўқ этиб, борамақ, нозлим.

Қиз: Ёринг ёзар, сенсан совет фарзанди,
Улуғ халқнинг энг ҷишонгани дилбанди,
Душман бўласин арслонимининг пойгарди,
Қачон келсанг, бошим узра йўл энди.

Иигит: Ўқиб хатим, соғинганим бил энди,
Посбон билиб сақлай Ватанини, сени,
Йқинидир ғалаба, висол онлари,
Мактубинг ёзиб тур, шод айлаб мени.

Ерим билан эгатланиб ишлайман

* * *

Бугун ўлкамда байрам,
Гул тутинг бойлам-бойлам,
Эл учун ҳалол меҳнат
Менинг байрамга совғам.

Саҳар вақтида шамол,
Пирпирап бошда рўмол,
Совет элин ёшлари
Бахт билан топди камол.

Юртимизда мўлчилик,
Бўлсин оламда тинчлик,
Урушнинг оти ўчса.
Ҳамма учун севинчлик.

Бу эл — эркинлик боғи,
Шодликдир боғ ҳар ёғи,
Ҳар мевада ёнади
Бахтимизнинг чирори.

Ҳаётим ҳур, мен озёд,
Депутатликка номзод,
Совет даврида чиндан
Бахтили яшар одамзод.

Ҳур замоннинг қизиман,
Порлаган юлдузиман,
Қохозда ҳам даланинг
Ярашган қундузиман.

Гулим бору гулим бор,
Боғимда булбулим бор,
Замонамдан ўргулай,
Бахтили озод элим бор.

* * *

Айланиб-айланиб пахта терайли,
Шофер акам келса юклаб берайли,
Ростин айтсан, шу йигитни кўрайли,
Ботир бўлса севмакка сўз берайли,

**Синингдаги тенгдошингми, дўстингми,
Салтни юлдузингни шу кун осдингми,
Мехригиёнг борми тилим лол этдинг,
Юрагимга ишқ оловин босдингми?!**

**Пахта териб ҳар тарафга қарайман,
Ёримни кўрмасам хабар сўрайман,
Донгдорликда номи чиқкан йигитни,
Терим пайти бас бойлашга чорлайман.**

**Эрта кўклам чигит солдим отиза,
Чигит солиб қараб қолдим мен сиза,
Севганимни очиқ айта олмасдан
Аzonдан кечгача соламан сўза.**

**Пахтазорга тонгда қадам ташлайман
Ёрим билан эгатлашиб йшлайман,
Бахти берган партиямдан айланай,
Меҳнат билан ҳаётимни хушлайман.**

* * *

**Урганичга поезд келди,
Гуллар тутайлик, ёрим,
Тахятош янги шаҳар
Бирга кетайлик, ёрим!**

**Унда меҳнатнинг авжи,
Ғайрат этайлик, ёрим,
Унда қўшиқнинг авжи,
Тезроқ этайлик ёрим.**

**Унда ҳам кезар баҳор,
Тезроқ кетайлик, ёрим,
Ишлаб ҳар файзи саҳар,
Роҳат этайлик, ёрим!**

**Узоқ эмас йўллари,
Бирга кетайлик, ёрим,
Қўринади нурлари,
Тезроқ этайлик, ёрим.**

**Турмушимиз бўлди соёз,
Ғайрат қиласайлик, ёрим.**

Гартия бизга устоз,
Хурмат қилайлик, ёрим.

Сувга чўл тўйсин, деди,
Сўзин тутайлик, ёрим,
Эл меҳнат қилсин, деди,
Ҳиммат этайлик, ёрим.

* * *

Қашта тикдим ёра, деб,
Дилимдаги бора, деб,
Мактабни тамомладим,
Қолмайин озора, деб.

Далада тракторлар
Гумбирлашиб айланар,
Ўқишидан кўлган ёшлар
Идорага жойланар.

Кийимларинг қатма-қат,
Қадди-бўйингни ясат,
Дангасага ёр бўлмоқ
Колхозчи қизга уят.

Олма пишар нор билан,
Терсак керак ёр билан,
Ҳар бир совет кишиси
Меҳнат қилар ор билан.

Дуторим парда-парда,
Пардасига жўр ялла,
Техникамиз кучидан
Пахта унар чўлларда.

Драп пальто тизингдан,
Үёламан юзингдан,
Мусобақа ўйинмас,
Қайтма, бола, сўзингдан.

Бировга кўнгил қўйманг,
Ўқишлиарни битирмай,
Бўлмагур савдоларни
Хаёлга ҳам келтирмай,

Апрель ойи-бахор келмай,
Кўйлар қўзига сўнг келади.
Комсомоллик сўзим бор,
Ваъда бузилармиди?

Уз оғзингдан, Гулноржои,
Чин сўзингни эшидим,
Қушлар қанот қоқандай
Шаҳарга учиб кетдим.

Қатор терак экилган,
Юрар йўллар соз экан,
Гулноржоннинг тўйлари
Энди келар ёз экан.

Гуллади жийдалар ҳам,
Ҳиди келди димоққа;
Гулнор келин бўлағди
Бир колхоз нарироғқа.

Гулнорнинг йўли майса,
Қўлида чинни коса,
Келин бўлса ярашар,
Устига нима кийса.

Гулнор ойнинг тўйинда,
Ўйни тушай енг солиб,
Куёв экан агроном,
Ўлтирисин ҳайрон қолиб.

Ёр-ёрчи лапарчиман,
Ҳар жойда тўй бўлганда,
Узоқ-ёвуқ йиғулиб,
Ўй меҳмонга тўлганда.

Қони учирив имлайсан,
«Жим тур!»— десам, билмайсан,
Мен бошласам қўшиқин,
Сен ўртада ўйнайсан.

Куёвга тиккан кўйлак
Ёқа-енги тугмалик,
Қиз механик ҳайдовчи,
Ҳар йил кўрсатар мардлик.

Катта-кичик йигилар
Гулнорйнинг тўйига,
Ер-ёр айтиб боради
Тушадиган уйига.

Яхши кутинг, қудалар,
Бу қизлар барно қизлар,
Илми бор, ҳунари бор,
Ҳаммаси доно қизлар.

Тўйиб-тўйиб сиз қаранг,
Бири биридан кўркам,
Ҳар бири бир рўзгорни
Обод қиласди бекам.

Икки кўйлақлик олдим,
Бири туққан онамга,
Болам, деб бағрин очган
Биттаси қайнонамга.

Турли-туман атласдаи
Ярашганини кийган,
Ҳуснім яна ортсик, деб
Гапдан тилини тийган.

Иигитнинг жони қизлар,
Орзу-армони қизлар,
Ишқ дарди ёмон экан,
Дарднинг дармони қизлар.

Бир йигит кетди ўтиб
Пошнаси ерни туртиб,
Катта мажлис бўлармиш,
Клубга боргин етиб.

Бир ота; бир онадан
Беш ўғил, учта қизмиз,
Эрта-кеч халқимиз, деб
Ишлаймиз ҳар биримиз.

Юртлар тинчлик, омонда —
Осойишта яшаймиз,
Меҳмон сийлаб келганда,
Шойи, атлас тўшаймиз.

«Дўстни бошингга қўй!»— деб
Айтган ота-бобомиз,
Ота-она сўзини
Дурга битиб оламиз.

Дўст келса эшигингдан,
Жонга жойлаб меҳмон қил,
Босған изин кўзингга
Тўтнё қил, дармон қил.

Бу терак қандай терак,
Шамол бошин эгмайди,
Шу замоннинг қизлари
Дангасага тегмайди.

Турли-туман гулларни
Иўл-йўлларга экишган,
Шу замоннинг қизлари
Илм билан ётишган.

Қизларой биэлар билан
Бас боғлади теримда,
Ҳаммадан ўзганида,
Сиғмай кетдим теримга.

Тонг отарда ётмайди,
Кун ботарда қайтмайди,
«Бास энди»,— деганларга
Кулади, сўз қотмайди.

Саданинг савлати бор,
Сояда роҳати бор,
Қизларой насиб бўлса,
Олганинг давлати бор.

Қизларой кеч ётади,
Естиққа сочи ботади,
Булбул қушлар сайрашиб,
Ҳар саҳар уйғотади.

Мўл нахта тёришади,
Бир-бирига бўлишади,
Далада юрган қизлар
Өй бўлиб тўлишади.

Бахти борнинг уйига
Келин бўлиб тушади,
«Булар ким?»— деб сўраса.
Район, область билишади.

Сочини эшиб қўяй деб
Шамоллар ҳам шошади,
Сўз ўрали келганда,
Ҳорманг, қизлар, дейишади.

«Бор бўлинг»— дейишлари
Ўзларига ярашади,
Меҳнатни сара қилсанг,
Хуснингга ҳусн қўшади.

Элу халқнинг ичидা
Обрўларинг ошади,
Шундай эркин замонда
Ҳаммада ғайрат тошади.

Ҳавода чарх уаркан
Лочин қушлар бир талай,
Машина ролини бўриб
Тонна тўкар Қизларой.

Қизларой кимнинг қизи,
Қайси совхоз юлдузи,
Машинада юрганда,
Ойдай кўринар юзи.

Сув тошади сурилиб,
Қирғонига урилиб,
Машинасин қайтарар
Мўлжал олиб бурилиб.

Бир-бир босиб юриши,
Гулдайгина қулиши,
Қатор-қатор орденлар
Кўксисда яшиаб туриши,

Юрсак йўллар равондир,
Техникага осондир,
Ишимизни ўнг қилган
Шундай тўкин замондир.

Гулистойдан кетдингиз,
Қай бўстонга етдингиз,
Хатлар ёзмай қўйдингиз,
Е бизни унудингиз.

Мумкинмиди унутиш,
Яхиси, мактуб кутиш,
Сабру тоқат этагин
Керак маҳкамроқ тутиш.

Сайраб ўтди икки қуш,
Фужуллаб дон олишиб,
Қанот қоқиб учдилар
Сиз юрган жойга шошиб.

Ватанимда боғлар бор,
Тоғ, ўрмон, сойлар билан,
Қуш бўлсам учар эдим,
Сиз юрган жойлар билан.

Эл қўриқлаш йигитнинг
Тенг келмас катта бурчи,
Тоғни текис қиласкан
Ёшлик — йигитлик кучи.

Борган сари ошади
Оқар сувлар шовқини,
Ҳар ким билавермайди
Муҳаббатнинг завқини.

* * *

— Эшик олдида гулзор,
Гул кўтариб чиқдинг, ёр,
Армияга кетганда,
Кулиб дединг: «Яхши бор!»

Нари бормай кўзимдан,
Кулиб турасан доим,
Кузатганлар юлдуздай,
Сен бўлсанг тўлган ойим.

— Солдат форма ярашган
Бўйингни кўрай дейман,

Ойдай ярқиллаб келсан,
Хуснингга тўяй дейман.

— Бирға ишлаб келардик,
Бир галириб, ўн кулиб,
Юрагим бир четини
Олиб қолдингми юдиг.

— Сира чидаб бўлмайди
Муҳаббатнинг ўтига.
Ўтимга сув урувчи,
Мунтазирман хатингга.

Шошиб-шошиб ўқийман,
Ҳар бир ёзган сўзингиз.
Зор соғиниб юрганда,
Кўргандайман ўзингиз.

Кўришамиз тез кунда,
Ғам ейишлик беҳуда,
Олис бўлса ҳам йўллар,
Кўнгиллар яқин жуда.

Боғ айланиб бўргандим,
Қизил гулдан олгандим,
Суйган ёр кетарида
Гул узатиб қолгандим.

Сиз биз юрган бу боғда
Қушлар сайрап бутоғда,
Қушлар билан қўшиғим
Жўр бўлади ҳар чоғда.

Тўрғай ўтди чулдираб,
Жуфти билан жўр бўлади,
Уғилчамиз нилдираб,
Юриб кетди, зўр бўлади.

Қелинг пишганда гилос,
Уети қизорди халос,
Насиба сақлаб қўйиш,
Ота-өнадан мерос.

Узумдан танлаб ейсиз,
Узгандайин токлардан,

**Олиб қўйдик насиба
Беҳи, олма, ноклардан.**

Улур хизмат армия,
Эллар тинчлик-омонда,
Меҳнатдан кам бўлмаймиз
Шундай яхши замонда.

Пахтакор ғаллакорнинг
Даласи бор, дашти бор.
Софиниш, хат кутишнинг
Аллақандай гашти бор.

* * *

Эгнимда бор елвагай,
Этаги ерга тегмагай,
Совет даври қизлари
Қайғу ҳасрат кўрмагай.

Ойлар келар айланиб
Кунлар келар сайдланиб,
Чиқиб қаранг кўчага
Қизлар келар шайланиб.

* * *

Баланд экан отизингнинг чеъллари,
Орва қўшса сазо берар беллари,
«Ҳорманг!» десам, «Лаббай!» деган тиллари,
Яша, бола, яшаганинг замони,
Виждон билан ишлаганинг замони.

Эшикдан ўтса деб, кўзимдир гадо,
Сен болага етиш дилда муддао,
Орага соломлас душманлар низо,
Яша, бола, яшаганинг замони,
Виждон билан ишлаганинг замони.

Қизилқум чўллари бўлёттир обод,
Мен ҳам бормоқ учун берсам арза хат,
Бизнинг учун ўлтирибди ҳукумат,
Яша, бола, яшаганинг замони,
Виждон билан ишлаганинг замони.

* * *

Тиканлар ўрнина қизил гул битди,
Фариблар Советда мурода етди,
Бизларни қийнаган муштумзўр кетди,
Дилимизни шод айлаган қизил гул.

Тиканлар ўрнина қизил гул экдик,
Ҷўлларда уй қуриб, чодирлар тикди,
Чўп бўлмас ерларга пахталар экдик,
Дилимизни шод айлаган қизил гул.

Тиконлар ўрнина қизил гул унди,
Офтобнинг нурида минг хилга дўнди,
Ҷўлларни гулзорга дўндиринг энди,
Ер дилини шод айлаган қизил гул

Қизил гул, қизил гул узгим келади,
Ерга гулдасталар тузгим келади,
Севгимизга гуллар жило беради,
Дилимизни шод айлаган қизил гул.

* * *

Севган ёр келади йўнгичқа ўриб,
Иўлларга сигмайман мен уни кўриб,
Бир кунда бажарди ҳафталик ишни
Меҳнат енгил бўлди машина келиб,
Мен нима ҳайрони, шунинг ҳайрони,
Ҳаммадан эўр экан янги полвони.¹

Бу боққа қурамиз янги дарвоза
Полвонининг кучидир элга овоза,
Минг киши ишини қилас бир киши,
Ҷўлларга йўл солса, ўсади ғўза.
Мен нима ҳайрони, шунинг ҳайрони
Ҳаммадан эўр экан янги полвони.

Солсам рўмол кенг елкамга етади,
Полвон билан менинг ёрим ўтади,
Машина ишини томоша қилинг,
Тоғни олиб жарликларга отади.

¹ Эксаватор.

Мен нима ҳайрони, шунинг ҳайрони,
Зўрдан ҳам зўр экан чиққан полвони.

Азим дарё унга қилча кўринмас,
Кечакундуз ишлатсанг ҳам эринмас,
Ишлатувчи учун чарчашибилинмас
Мен нима ҳайрони, шунинг ҳайрони,
Полвонлардан полвон экан полвони.

Шамолда қимиirlар тўтиининг пати,
Техника ўрганиш ёрнинг нияти,
Юртим обод, элим учун хизмати,
Сен экансан полвонларнинг полвони,
Яша дейман Советларнинг замони.

МЕХАНИЗАТОР ҚИЗ ҚУШИФИ

Бахти кулган қиз боламан,
Шўхман, кулар юз боламан,
Иигитлардан қолишимаган,
Механик қиз мен бўламан.

Пахтам ўсар юзим ёруғ,
Гап сотмайман қуппа-қуруқ,
Бахтимизга бахт улаган
Партияга юз минг қуллуқ!

Пардоз ишдан кейин керак,
Таннозларда иш бедарак,
Ишдан қўрқкан ботир эмас,
Мардда бўлар мардча юрак.

Ленин бобом замонаси,
Шу бахтимнинг таронаси,
Ленин нури билан ёруғ
Юртимнинг ҳар бир хонаси.

Ариқ бошида терак,
Уни бутамоқ керак.
Ленин тузган даврда
Яйраб ўйнамоқ керак.

**Соатим чиқ-чиқ этар,
Кўлдимдан ҳар иш битар,
Совет даври ҳур давр,
Ҳамма мақсадга этар.**

БОҒИМДА ЎСАР ГУЛЛАР

**Боғимда ўсар гуллар,
Тинчликда яшар эллар,
Ленин номини айтсан,
Севинчга тўлар диллар.**

**Шойи рўмол бошимда,
Чаман-чаман ғуллари,
Тинчликсевар халқимнинг
Мудом равшан диллари.**

**Севганимга атоқлад,
Шойи белбоғ тўқидим,
Шойи белбоғ тўқишининг
Мактабида ўқидим.**

**Жаҳонда тинчлик бўлсин,
Юрак шодликка тўлсин,
Шу замонининг қизлари
Озод бўлсин, ҳур бўлсин.**

**Колхозда ҳам илформан,
Хуррамман, баҳтиёрман,
Тинчлик учун жонимни
Беришга ҳам тайёрман.**

**Меҳнат қилиб колхозда,
Барчалар аҳил биэда,
Кулгилар авжга минсни
Советлар элимида.**

**Хаётимиз фаровон,
Йўлларимиз чароғон,
Бизга шодлик баҳш этган
Партиямиз бўл омои!**

МЕҲНАТКАШ ЙИГИТ УЧУН...

Оқ билакни чизғадим,
Ерга ўғит солай деб,
Белни маҳкам боғладим,
Катта ишлар қиласай деб.

Биз унумли ишлаймиз,
Ишлаганчун тишлаймиз,
Планларни бажариб,
Қўнглимизни хушлаймиз.

Ҳосилда рекорд қўйдик,
Душман кўзини ўйдик:
Чевар қизлар бирлашиб,
Шартномага қўл қўйдик,

Партиямиз меҳрибон,
Ватанимиз гулистон,
Чевар қизлар қўлида
Дала-қир боғу бўстон.

Совет юрти кенг экан,
Эркак-аёл тенг экан,
Коҳзода ишлаб келиб,
Роҳатни кўринг экан.

Ёз ёнга гул экайин,
Хидласин келса ёrim,
Меҳнаткаш йигит учун
Берайин танда жоним.

ВАЪДАСИДА БОР КЕЛАР

Гул ҳовузга келибман,
Гул лолалар терай деб,
Гул-лолалар баҳона,
Ёр бўйини кўрай деб.

Гул ҳовузга ёр келар,
Азиз вафодор келар,
Меҳнатда бирга бўлган
Ваъдасида бор келар.

Сув оқар шилдир-шилдир,
Ёрим планни тұлдир,
Сен меңнатда танилсанғ,
Менинг мақсадым шулдир.

Құлрұмоля гул тикдім,
Игна билан кашталаб,
Ер дийдорига түйдім
Ишлаб бирға, эрталаб.

КОЛХОЗГА ҚИЗЛАР КЕЛАДИР.

Осмонда ойга ўхшаб,
Қошлари ёйға ўхшаб,
Фасли баҳорға ўхшаб,
Колхозга қызлар келадир.

Совет юрти әлими, -
Күч-құвватли белими,
Очиб баҳри дилими,
Колхозга қызлар келадир.

Лениннинг қызларидир,
Очилған юздаридир,
Мазали сүзларидир,
Колхозга қызлар келадир.

Шұҳрат билан шайланиб,
Далаларни айланиб,
Зенога бойланиб,
Колхозга қызлар келадир.

«Оқ олтинни» терами,
Планни бажарами,
Роҳатланиб юрами,
Колхозга қызлар келадир.

ПИЛЛАЧИ ҚИЗ ҚУШИҒИ

Тут япрогин тераман,
Навқонимга¹ бераман,

¹ Навқон — ипак құрті.

Пилла пилан тўлсин, деб
Ҳалол меҳнат қиласман.

Мен ўзим-о, мен ўзим,
Навқонда икки кўзим,
Пилла план тўлганда,
Юзи ёруғ колхозим.

Бизнинг колхоз қизлари,
Навқондадир кўзлари,
Пилла план тўлганда,
Илак кияр ўзлари.

Оқдир менинг билагим,
Кўндири менинг тилагим,
Планимиз тўлсин, деб
Тинчимайди юрагим,

Колхозимиз боғида,
Кўзим тут япроғида,
Ударник деб ном олдим,
Пилла тўлган чоғида.

Пилламиз ҳам мўл бўлсин,
Меҳнатимиз зўр бўлсин,
Бизга тинч ҳаёт берган
Партиямиз соғ бўлсин.

ПАХТАҚОРНИНГ ҚИЗИМАН

Элнинг кўрар кўзиман,
Енг шимарган ўзимман,
Кимлигим сўрасангиз,
Пахтакорниң қизиман.

Шўх булбуллар сайрайди,
Фасли баҳор бўлганда,
Ёш юрагим яйрайди,
Пахта план тўлганда.

Мардана қиз пахтакор,
Тер пахта қанор-қанор,
Меҳнат қилиб толмайман,
Ватан бўлсин миннатдор.

Чўлни бўстон айладик,
Чин гулистон айладик,
Пахта план бажариб,
Дилни шодон айлайлик.

Даштларда пахта унди,
Бу зафардан якунди,
Ким планни бажарса,
Унга бахт қуши қўнди.

Партнямиз меҳрибон,
Ватанимиз гулистан,
Колхозчи қиз албатта,
Чўлларни айлар бўстон.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР ҚУШИФИ

Биз барно чевар қизлар,
Қалам қошли қундузлар,
Меҳнат қилиб мардона,
Таққан олтин юлдузлар.

Ҳар бир ишга чевармиз,
Меҳнатни чин севармиз,
Меҳнат қилиб мардона,
Роҳатини кўрармиз.

Яшасин колхозимиз,
Колхоз тузган ўзимиз,
Бошимизда нур сочар,
Кремль юлдузимиз.

Совет юрти кенг экан,
Эркак-аёл тенг экан,
Меҳнат қилиб мардона,
Давронни суринг экан.

Чигит экдик унсин деб,
Шартномамиз тўлсин деб,
Юз центнерга қўл қўйдик,
Душман ёниб ўлсин деб.

Колхозимиз боғида,
Олма билан нори бор,

**Көнжозимиз йигитларин
Юрагида ори бор,**

**Хаётимиз фаровон,
Йўлларимиз чароғон,
Бизга шодлик бахш этган
КПСС, бўл омон!**

ПАХТАЧИЛИК ГУЛЛАСИН

**Ҳурматли колхозчи, азиз деҳқонлар,
Файрат қилинг, пахтачилик гулласин,
АЗоб чексин сизга қарши турганлар,
Файрат қилинг, пахтачилик гулласин.**

**Бирлашингиз севикли Хоразмда,
Кечакундуз яшанг бу ҳур Ватанда,
Ҳамма аҳил бўлиб, жондек бир тандар,
Ҳормай ишланг, пахтачилик гулласин.**

**Раҳбаримиз партияниң дарғаси,
Тўғри йўлни кўрсатади барчаси,
Тўлиб тошсин Хоразмниң пахтаси,
Ишланг жонли, пахтачилик гулласин.**

ЮР, БОРАЙЛИК, МИРЗАЧУЛГА

**Мирзачўлниң йўли бейик,
Шоҳасида ўйнар кейик,
Машина ҳайдаган йигит,
Юр, борайлик, Мирзачўлга.**

**Мирзачўлда бордир оли,
Турли мева келар ҳали.
Тейинда ипакдан ғоли,
Юр, борайлик, Мирзачўлга.**

* * *

**Менинг оғам оқ карвучдан жой қуарар,
Эшигим олдида «Волга»лар туарар,
Ленин тузиб берган бахти замонда
Соат сайин тилакларим ғарқ утарар.**

Раҳбаримиз партиянинг дарғаси,
Гумдои бўлсии кимлар уни қарғаса,
Қурғунлашдик¹ айтганини бажариб,
Гулга тўлди элнинг олди-орқаси.

Шоҳи кўйлагимни кийиб шайландим,
Бригадам пахтасини айландим,
Кундаги нормани кунда бажариб,
Мажлисларда президиумга сайландим.

Гоголь мактабида битган бир гулим,
Чинорда сайрайди гўё булбулим,
Очилибсан дўстим яна чаманда,
Ишда ўзгаларга намуна бўлгин.

Кундан-кун тилагим умидим ошар,
Янги ҳаёт — коммунизм бошланар,
Чунки биз бажардик пахта планни,
Шунинг учун кўнглим қувончи тошар.

Ишлов бердик бўз ерларга, боғ бўлди,
Чигит экдик, «оқ олтин»дан тоғ бўлди,
Куч аямай меҳнат қилдик, толмадик,
Тўккан тердан, роҳат, вақтлар чоғ бўлди.

Помбарх кўйлак кийиб чиқсам ярашур,
Орзу-умидларим кундан-кун ошур.
Ҳаммадан оширдик пахта планни,
Шу сабаб кўнглимнинг қувончи тошур.

Пахтага қарасам кўзим қамашар,
Япроқлари бир-бирига қарашар,
Пахталарга пахтакорлар ярашар,
Бойлигим, давлатим, жоним пахталар.

* * *

Мен колхознинг жониман,
Меҳнат қаҳрамониман,
Кеча-кундуз ишлайман,
Оқ нонларни тишлайман.

¹ Қурғунлашдик — бой-бадавлат бўлдик маъносида.

**Иигирма йил ишлаган
Раис бувам ўлмагай,
Колхозчини түқ қилган
Раис бувам ўлмагай.**

**Чаққон қиз-о, чаққон қиз,
Ипак қурти боққан қиз,
Ипак қуртлари боқиб,
Ленин орден таққан қиз.**

**Чаққон қиз-о, чаққон қиз,
Оғизда пахта терған қиз,
Планларни тұлғадыриб,
Делегатлар бўлган қиз.**

**Айланиб құнади гужума қирғай,
Раис бува, пахта планинг тұлғай,
Хаммалари айтади раисни ёш деб,
Узи ёш бўлса ҳам колхозга бош деб.**

* * *

**Кетмон уриб оқ билагим толдирдим,
Дастасини қоромондан солдирдим,
Универсални миниб олдим ўрганиб,
Кетмонимни мувейларда қолдирдим.**

**Тошқовузга құнглим кетди юқлашиб,
Хур қизларга қастюм келди букланиб,
Қостюми сизники, садаф бизники,
Хур қизларга орден келди тиркалиб.**

**Айланиб-айланиб учади түрғай,
Колхозим пахтасин плани тұлғай,
Колхозим пахтасин плани тұлиб,
Обкомнинг олдида обрўси бўлғай.**

**Раис бува, қарайверманг бизларга,
Раҳмингиз келмайми қаро күзларга,
Іланларни юз әлликдан оширдик,
Мукофотга баҳмал беринг бизларга.**

**Раис бувам эшигимдан ўтади,
Ҳар ўтганда мени кўриб ўтади,
Үдарникни мақтагани-мақтаган,
Ажир айтинг дангасани нетади.**

Эгнимга кийганим дапкили шойи,
Дунёда яшагай бригадир дойим,
Пахта планини юздан бажариб,
«Победа», «Волга»лар мингай илойим.

Оқ теракдан қайирганим бир қойиз,
Планларни тұлдирібмиз юз фойиз,
Дунёда яшасин Сойиб шұрамиз,
Кетмон урсак берармакан аванс.

Соя-соя паст гужумнинг сояси,
Ривож олгай бригадамнинг пахтаси,
Мукофотга берган гулли пүтаси,
Яшагай дунёда раис бувамиз.

Дарвозачи болани юбордим ўта,
Белига бөгладим нақшли пүта,
Бўлайн десангиз корнинг эгаси,
Ўрганинг ашула, музика, нота.

Опа, бўйингдан айланай,
Эртанг тўйингдан айланай,
Мазали қилиб палов пиширган,
Ширин қўлингдан айланай.

Амма бийим нон ёпади ўхшатиб,
Қўлидаги рапидани қақшатиб,
Ёнган иони шундай ширин, ўртоқлар,
Еяверинг дастурхонни бўшатиб,

Ошиғига борган өдам қаримас

ҚИЗЛАР

Гуллаган пахта далада,
Очилған чаман далада,
Булбул сайраган боғларда
Сайр этиб юрар қизлар.

Адаб билан боққан қизлар,
Хинжу маржон таққан қизлар,
Ноз-ноз этиб жилва билан
Йигитларга ёққан қизлар.

Қиз ҳар кимга атоқланар,
Уни насиб этган олар,
Қиз қадрини йигит билар,
Йигит күнглини хушлар қизлар.

Соғ Ҳоразм ҳавосида
Сот-саломат юрган қизлар,
Йигитларнинг вақтин хушлаб
Кулиб жилва қйлган қизлар.

Тўю тамоша вақтида
Ясанишиб юрган қизлар,
Сайраган булбулдай бўлиб,
Қўшиқ айтиб кулган қизлар.

Тўй бўлганда севинарлар,
Үрдаклардай ювинарлар,
Ҳурилиқодай ясанишиб,
Йигитларни ўртар қизлар.

Севиб ёрга теккан қизлар,
Ерни кўнглини олган қизлар,
Еримни кўп соғинидим, деб
Салом хатлар ёзган қизлар.

ЖАВОБ БЕРГИНИ СҮЗИМГА

Боғимда очилди қазил гулларинг,
Узумнинг сувидан шириң тилларинг,
Жонимни олибди қора кўзларинг,
Тезлик билан жавоб бергин сўзимга.

Чин ошиқман қалбинг билан ўзингга,
Тезлик билан жавоб бергин сўзимга,
То ўлгунча мен тушибман изингга,
Тезлик билан жавоб бергин сўзимга.

Ошиқликни ҳеч бир инсон билмасин,
Бу ишнинг охири ёмон бўлмасин,
Езган хатни душманларим билмасин,
Тезлик билан жавоб бергин сўзимга.

ЖОНИМНИ БЕРАЙИН ЁРИМ ДЕСАНГИЗ

Ховузнинг бўйинда томнингз борми,
Хастадай турибсиз, ҳолингз борми,
Келмисиз, кетмисиз бизнинг элларга,
Еки биздан бошقا ёрингиз борми?!
Жонимни берайин ёrim десангиз.

Қошингиниг тагинда ўйнайди кўзинг,
Ўн тўрт кунлик ойга мангзийди юзинг,
Қўшкўпир қалъасинда бир сенинг ўзинг,
Қулғингизга олма душманнинг сўзини,
Жонимни берайин ёrim десангиз.

НЕ ДЕРДИМ

Сен йўқда кирмадим олма боғингизга,
Ёrim қувонаман сенинг соғингизга,
Сира қолмагайман ёмон доғингизга,
Дард-аламда касал бўлсанг, не дердим.

Бахтимиз хуш, бахтиёрмиз дунёда,
Биздан икки фарзанд келди дунёга.
Юзимиз тушмади ҳеч бир фарёда,
Душманларга банди бўлсанг, не дардим.

ХАТИНГНИ ОЛДИМ

Қурбонинг бўлайин, гул юзли ёrim,
Софиниблар ёзган хатингни олдим,
Сизга садقا бўлсин бу ширин жоним,
Ёrima деб ёзган хатингни олдим.

Оқ қоғозга салом ёзиб юбориб,
Ерини соғиниб сарғайиб-сўлиб.
Хат олганда хафа кўнглим шод қилиб,
Ёrima деб ёзган хатингни олдим,

МАҚТУБ

Боғингда очилган қизил гулларинг,,
Узумнинг сувидек ширин сўзларинг,
Жонимни олди-ку қора кўзларинг
Севар ёrim, жавоб бергин хатима,

Ушбу хатни киши ўқиб кўрмасин,
Сизга ошиқ бўлганимни билмасин,
Яхши-ёмон изимиза тушмасин,
Меҳрибоним, жавоб ёзгил хатима.

Хатлар ёздим оқ қоғозни тўлдириб,
Сизни истаб қизил юзни сўлдириб,
Хатим кетди сизнинг ёнга қидириб,
Меҳрибоним, жавоб ёзгил хатима.

Топмайсизми қоғоз билан қаламни,
Нима учун аядингиз саломни,
Жавоб ёзинг, ўқигайин оламни,
Севар ёrim, жавоб ёзгин хатима.

САЛОМ ХАТ

Мард бўлиб майдонга чиққан
Мардикорга мандан салом,
Гул ичидা камол топган
Чиноримга мендан салом,

Бизлар юрибмиз бу ерда,
Сиз меҳрибоним қаерда,

Омонмисиз Хоразмда,
Нигоримга мендан салом.

Очилган ғунча гулидек,
Сиё соchlари сунбулдек,
Ширин овозли булбулдек,
Сиз ёrima мендан салом.

ЖАВОБ

Мудом йўлдадир кўзларим,
Эсдан чиқмагай сўзларим,
Тезда келинг Хоразмга,
Қувонени қора кўзларим.

Мудом тушарсан ёдима,
Кўп-хат ёзинг ўз отима,
Қулоқ солинг фарёдима,
Севар ёрга мендан салом.

ЖАВОБ БЕР

Боғингда очилган қизил гулларинг,
Булбулдек сайраган ширин тилларинг,
Жавоб бўлди сенинг ширин сўзларинг,
Севар ёrim, ёзган хатга жавоб бер.

Ошиқ улки, бир-бирига хат ёзар,
Шу хатимнинг жавобини сен қайтар,
Ҳар ким билган қўнгилдагисин айтар,
Соғингандан ёзган хатга жавоб бер.

Ҳар кимнинг дунёда тенги бўлмаса,
Гариф ошиқ бўлиб даврон сурмаса,
Бу баҳтли дунёда ўйнаб кулмаса,
Ошиқликдан ёзган хатга жавоб бер.

ОМОНМИКАН

Сочларинг лента таққан,
Қилиқлари менга ёқсан,
Кўз остидан кулиб боққан,
Менинг ёrim омонмикан?

Юракдан айтган сўзлари,
Ёдимда гул-гул юзлари,
Ёймисол қоши-кўзлари,
Менинг ёрим омонмикан?

СЕН ЁР КЕТГАЛИ

Рўзим ёп¹ бўйида кўрдим кўшимни,
Сенинг учун ерга қўйдим бошимни,
Эисама сифмаган қора сочимни
Ювиг-тарамадим сен ёр кетгали.

Кетмон урсам жиққа-жиққа теяди,
Ёрим учун юрак-бағрим куяди,
Ёрим менинг душман кўзин ўяди,
Оролар бермайман сен ёр кетгали.

ТУИ БОШЛАСИН

Бошимга осганим садаб,
Мактабдан ўргандим адаб,
Қолхозимиз берар мадад,
Ёра айтинг, тўй бошласин!

Ёра айтинг, уйга кирсин,
Сансираган тилим қурсин,
Энди десам ҳарна бўлсин,
Ёра айтинг, тўй бошласин!

Қумри деган бир қуш бўлар,
Сийналари кумуш бўлар,
Ошиқ-маъшуққа дуч бўлар,
Ёра айтинг, тўй бошласин!

Үрта бўйли хўжик бола,
Жоним фидо сендай ёра,
Мани қилдинг кўп овора,
Ёра айтинг тўй бошласин!

¹ Канал номи.

ЭСГА ОЛИНГ

Гул очилар, дўстим, асл боғларда,
Ман қолибман ҳасрат билан доғларда,
Хат ёзаман сизга саҳар чоғларда,
Эсга олинг буғо бўстон, тоғларда.

Булбул қўнса, гуллар озор топмайди,
Васфингни айтаман, кунлар ботмайди,
Севар ёрим ёдга тушган кечаси,
Оҳ ураман, сира тонглар отмайди.

Айнимда куйлагим оқди-қизилди,
Мани севганимни бўйи узунди.
Бўйи узун бола, ўтма бу йўлдан,
Сени кўриб, мани кўнглим бузилди.

Нозбўй рўмолимни солавераман,
Ҳар кун мажлис бўлса боравераман,
Бир йигитга кўнтил қўйдим, чиқонлар,
Бошимга на келса кўравераман.

Ўйим ёна сув келади лойланиб,
Келмасмикан менинг ёрим айланиб,
Кела қўйса менинг ёрим айланиб,
Душманларининг тили қолар бойлавиб.

БЕВАФОЛИК ЭТСАНГ, САН ЙИГИТ ЭМАС!

Чўгириласи ярашади бошина,
Майда гули тўкилади қошина,
Қораниб юради думли-душина,
Келавер кўзингдан, қўрқма изингдан.

Дарвозадан чиқиб туриб кўраман,
Дойиларим² дуя³ қўйса ўламан.
Тек юр, бола, дойиларим дўймасин,
Ёшгина жонингга завол бўлмасин.

Бизнинг ёни камзўрини енги йўқ,
Шу элатда бизнинг ёни тенги йўқ.

¹ Чўгирила — бош кийими, телпак.

² Дойи — тога.

³ Дуюмок — сеъмоқ.

Ман ёримни фақат мақтаб сўзламай,
Севгининг зўридан қизил ранги йўқ.

Арвосини губур-губур ҳайдайди,
Арвонинг устида бола не дейди,
Қулоғима яхши ёқди бир гапи,
Бугун туриб, эрта бораман, дейди.

Боққи бедов оти таблада турмас,
Бир чаман гули бор очилмай сўлмас,
Сўнгги тутган ёринг менингдек бўлмас,
Бевафолик этсанг, сен йигит эмас.

СЕН БОЛАДАН СИРА ҚҮНГЛИМ ҚОЛМАДИ

Учакка чиқвадим найча қамиш деб,
Жалатой¹ болани ёрим эмиш деб,
Эркалаб буюрдим қора кавуш деб,
Бажарди сўзимни ажаб, Кумуш, деб.

Ҳовлисида икки бедов оти бор,
Даласида гул тўшалган кати бор,
Узи ёш бўлса ҳам зўр журъати бор,
Журъатинг жўшгандা, бола, ол мени.

Эшигина налча гужум экилган,
Саройи суприлиб, сувлар сепилган,
Чўгирамаси манглайина тўкилган,
Боланинг тақдири манга битилган.

Ёпмикан деб отлаганим солмади,
Қантмикан деб тишлаганим олмади,
Сен боладан сира қўнглим қолмади,
Келавер жонингдан, жоним айтаман.

Ёпмикан деб солмалардан ҳатладим,
Баҳона этиб, опаларга қатнадим,
Севгингни мен юрагимда сақладим,
Келавер жонингдан, жоним айтаман.

¹ Жалатой — енгилтак, шўй.

СЕВГИМНИ СЕЗМАСАНГ, СИНГЛИНГДАН СУРА

Хориб келиб, Янгиёпдан сув ичдим,
Яхши кўрган ёрдан бир гап эшитдим,
Шу гапни эшитиб ўзим унудим,
Келавер кўзингдан, қўрқма изингдан.

Бир бола келибди ёпнинг рошина,
Пўтаси ҳўл бўлди кўзда ёшина,
Мен баҳона топиб бордим қошина,
Келавер кўзингдан, қўрқма изингдан.

Сув ўтади гужумининг тайиндан,
Нечалар келади ётган ериндан,
Пўтасини ечиб олдим белиндан,
То ўлгунча нишона шу ёримдан.

Арвани юбордим уч чақрим жоя,
Бизни севған йигит соchlари қора,
Бўйи толчибиқдай, кўзлари сиёҳ,
Севгимни сезмасанг, синглингдан сўра.

Оти семиз, арvasини тортади,
Арвоға товланиб тупроқ ортади,
Ман билмийман кимнинг данжик боласи,
Йўлда туриб бизга жавоб айтади.

ЁНДИ ЖОНИМ, ЁРДАН ХАБАР КЕЛМАДИ

Дарвозадан ҳайдаб чиқар қўйини,
Кеча-кундуз мен чекаман ўйини,
Олисан кўргазар узун бўйини,
Ёнди жоним, ёрдан хабар келмади.

Йўнғучқани ўта-ўта йўл этдим,
Қиприк солиб кирванкадан тўн этдим
Ишқингизни бу кўнгилга жой этдим,
Ёнди жоним, ёрдан хабар келмади.

Эшикдан ўтади оқ отли бола,
Оқ отнинг устида телпаги қора,
Тоза чиққан лапламадан жуббала,
Энамдан ҳам меҳрибондир шу бола.

Болани айтсалар ичим ёнади
Қирқ кеча ўйнашсам меҳрим қонади,
Бизларни қўшмаган ўгай онади,
Ёнди жоним, ёрдан хабар келмади.

Узун долонларда арва бўшатган,
Қамчин даста билан новвот ушатган,
Қизни қўйиб, жувонларга гап отган,
Ёнди жоним, ёрдан хабар келмади.

КЕЛАЙ ДЕСА ОНАСИДАН ҚЎРҚАДИ

Қора сочим қуш паридаи майдади,
Севиб олган севар ёrim қайдади,
Севиб олган севар ёrim бўлмаса,
Сувга оқиб шайид ўлган фойдади.

Осмона қарасам ойлар туғибди,
Ойдек бўлиб тўрахоним турибди,
Турма пўтасидан попук қўйибди,
Боланинг онаси нечик туғибди?

Қора кавуш кийдирдилар оёққа,
Олтин узук солдирдилар бармоққа,
Олтин узук солиб қолдим уята,
Узук қурсин, мани бошлади ёта.

Алина солғоним қошсиз ҳалқади,
Сувга солсам маржонлари қалқади,
Ёримга қарасам кунда келажак,
Келай деса онасидан қўрқади.

Осмондан учади оққина сулгин,
Қора камзўрингни товари гулгун,
Боланинг изинда ўлармиз бир кун,
Фикру хаёлимдир шу бола тун-кун.

МЕН БУНДА ЗОР, ЕРИМ УЙИДА ЁТАР

Уч олма қўйибман, учиси қатор,
Меҳмон бўлиб борсак жонина қатор,
Ота, бугун оқшом нечун тоңг отар,
Мен бунда зор, ёrim уйинда ётар.

Рўмолимни ювиб сардим анора,
Оч қолиб турвадим, тўйдим жамола,
Долонда бир бола этади нола,
Кучингиз етмайди мендек ниҳола.

Қизил отнинг манглайнда нишона,
Гулнор отнинг олиб чиқди дешона,
Келавер, севганим, эй асл жона,
Ихтиёрий яша, деяр замона.

СЕВАР ЖОНИМ СУВ БЎЛДИ

Баланд-баланд учакларда танишдим,
Ҳеч ким тегмасин деб тейдан боришдим,
Аввал енг учида ғазал олишдим,
Сўзла Бика, севар жоним сув бўлди.

Уч қизни кўрибман учиси бирдек,
Ичида бириси очилган гулдек,
Бирисининг овозлари булбулдек,
Сўзла Бика, севар жоним сув бўлди.

Бошида шерози, эгида чакмон,
Нарроқ, туринг, мен ЗАГСга ўтажакман,
Никоҳ қоғоз чиқжакини билжакман,
Сўзла ёрим, севар жоним сув бўлди.

Орқам бериб суюнибман парвона,
Сизни деб бўлдим ман дали-девона,
Сизни топширибман билим конниа,
Сўзла ёрим, севар жоним сув бўлди.

РУС ОҒАМ СОЗИНА ТАЛҚИН АЙТАМАН

Учакка чиқма деб неча айтаман,
Сочинг узун сочвоингдан тортаман.
Рус оғам созина талқин айтаман,
Энди бугун эскиликдан қайтаман.

Тегирмонни солдам билан тортаман,
Энди бугун эски йўлдан қайтаман,
Рус оғам созина талқин айтаман,
Талқин айтиб Боку рўмол ёпаман.

ОТИНИ ЭШИТСАМ ЁНА БЕРАМАН...

Папкасини олиб йўлдан ўтади,
Сўранг опа, қайси ерга кетади,
Айтмай кетганлари ҳайрон этади,
Шундай экан ёни олиб нетади?!

Узунли-қисқали кийганларингиз,
Биздан яхшимикан севганларингиз,
Биздан яхши бўлса севганларингиз,
Бизларга ёқмайди келганларингиз.

Ўтиб кетдинг идоранинг олдида,
Жудо бўлдинг соф муҳаббат аҳлидан,
Ёмон гапинг бўлса чиқар кўнглингдан,
Узр сўра ранжиган у соф дилдан.

Сочимни юваман, оро бераман,
Чиқиб кунгирага сазо бераман,
Айтаверманг шу боланинг отини,
Эшитгундай бўлсам ёна бераман.

Эшигинг ўқаси ўн икки парда,
Ман қайдан дуч бўлдим ошиқлик дарда,
Иккимиз ҳам ишқ ўтида ёнамиз,
Бермасмикан шу болага отамиз?!

Қоронуда қора кўрдим кўзингни,
Тўлган ойга ўхшатаман юзингни,
Отам чақирганда «Бормагни», дединг,
Энди келсанг билиб сўзла сўзингни.

ЗАМОНИМ, КЕЛИБДИ, СЕВАСИМ ҚЕЛДИ

Бола келиб қетди куни ўрта маҳали,
Мен сизга дедим-ку, қистаманг ҳали,
Ҳозир йифим-терим қизиган маҳали,
План тўлиб, тўй десангиз сўнг майли.

Баланд-баланд учаклардан боришдим,
Конверт билан ғазалларни олишдим,
Ҳеч ким билмасин деб яширин севишдим,
Қечки кузда тўй бошлашга келишдим.

Баланд-баланд бу тоғлардан қор келар,
Белбогини салқи ташлаб ёр келар,
Нормасини бажармади деманглар,
Кўпчилик ичида менга ор келар.

НИМА-НИМА ДЕЙСИЗ?

Олма отдим отганга,
Нима-нима-нима дейсиз?
Гул боқчада ётганга,
Нима-нима-нима дейсиз?
Аччигингиз келмасин,
Нима-нима-нима дейсиз?
Қўл ушлашиб юрганга,
Нима-нима-нима дейсиз?

Ошно бўлган ўзингиз,
Нима-нима-нима дейсиз?
Ошноликка чидай олмай,
Нима-нима-нима дейсиз?
Ташлаб кетган ўзингиз,
Нима-нима-нима дейсиз?

Ошиқ бўлдим ўзингга,
Нима-нима-нима дейсиз?
Қошинг билан кўзингга,
Нима-нима-нима дейсиз?
Айтольмайман юзингга,
Нима-нима-нима дейсиз?
Инсоф бергай ўзингга,
Нима-нима-нима дейсиз?

Боқقا киринг бодом бор,
Нима-нима-нима дейсиз?
Аста келинг акам бор,
Нима-нима-нима дейсиз?
Аканг бўлса кетади,
Нима-нима-нима дейсиз?
Ўз ишига кетади,
Нима-нима-нима дейсиз?

Оқ олма, қизил олма,
Нима-нима-нима дейсиз?
Олмага назар солма,

Нима-нима-нима дейсиз?
Олмага пазар солсанг,
Нима-нима-нима дейсиз?
Уз билганингдан қолма,
Нима-нима-нима дейсиз?

ЖОННИИ БЕРАЙИН — ЁРИМ ДЕСАНГИЗ

Фижим бахмал пальто олдим кийсангиэ,
Киссасида қант қўйибман есангиэ,
Мени агар аввалгидай севсангиэ,
Жоним берайин — ёрим десангиэ.

Қарай-қарай эгри бўлди бўйнимиз,
Ёрим кетгач ҳоли қолди қўйнимиз,
Сенинг учун маломатга розиман,
Жонимни берайин — ёрим десангиэ...

Фалакнинг ишлари қаридан-қари,
Баъзи бир ошиқнинг йўқдир, қарори,
Ҳар қанча қилсанг ҳам бироннинг ёри,
Бироннинг ёрини бўлмае иқрори.

Бир юзи олмадан, бир юзи нордан,
Мен нечук кечаман қора кўз ёрдан.
Боғларидан қизил гулии термадим,
Эй дўстларим, баҳтим қандай, билмадим.

Қирмизи рўмолим учди фалакка,
Айрилиқни ўти тушди юракка.
Ёшлигимдан доғлар солдинг, юракка,
Жонимни берайин чиндан керакка.

СЕВГАН ЁРИМ УЗОҚ КУТИБ ҚОЛМАСИН

Ошиқ бўлдим ажойиб бир санама,
Чақмоқ чақиб ўтлар ёқди ташама,
Севгавимни сездиридмадим онама,
Раиггинамни борисиншан биломи?!

Копративга борсам куним ботади,
Копративчи бола новвот отади,
Новвот отганингни ёмон кўрмиман,
Эл-юрт ичидатти ботади.

Эшигингни олди ўтмакка қойим,
Иилвор пешонангиз ётмоқقا қойим,
Бир ўзим ётибман ёрни соғиниб,
Шириң хаёлида кўнглим ёз бўлиб.

Эшигингдан мен ўтаман мажлиса,
Онабийи, айтиб қўйинг раиса.
Мажлисини қуруқ гап-ла чўзмасин,
Севған ёрим узоқ кутиб қолмасин.

АЙТГАН ҚУШИҚЛАРИ ДАРДИМ ДАВОСИ

Улли йўлдан йўл бераман юрсангиз,
Оқ сийнада жой бераман севсангиз,
Ёндирма қаро кўз, ёнганим етар,
На бўлади бирга даврон сурсангиз?

Булбуллар сайраса тингламагайсиз,
Бегона нозини англамагайсиз,
Сатаиг қизлар орасида ўралиб,
Ҳар хил гап эшитиб айнамагайсиз.

Синглинг гулу, сен шу гулнинг чиройи,
Синглинг қуёш бўлса, ўзинг тун ойи,
Сенинг билан бу умримни ўтказсам,
Мен бўлайнин сендай ойнинг гадойи.

Қўлингдан тутмоқقا уялдим ўзим,
Юзингни кўрмаса ёнади кўзим,
Севгимизни амалда ёр, синааб кўр,
Бу сенинг ёғдайинг, менинг рост сўзим.

Сарҳовузга тушар толнинг сояси,
Бошинда шерози, алинда сози,
Саҳар вақти келар ёрнинг овози,
Айтган қўшиқлари дардим давоси.

Боққа олма эксанг бўлар нор билан,
Соясида ётса бўлар ёр билан,
Бир косани онам қўйса бол билан,
Суянишиб есак бўлар ёр билан.

Эгнимдаги кўйлагим алвон эмасми,
Уз ёрим ёнимда — даврон эмасми,

Кишининг ёрига меҳри тушган сўнг,
Рўзгринг ичиндан вайрон эмасми?!

Идорада чиқар бир фасон бола,
Чолвори қорадаи, костюми ола,
Иккимизда аҳду паймон бор эди,
Ваъдангдан қайтма, ҳой, қаро кўз бола.

Қора сочим улпаридан майдадир,
Севиб тутган севар ёрим қайдадир,
Севиб тутган севар ёрим бўлмаса,
Унинг айтган ширин сўзи дилдадир.

СЕВГИНГ ДИЛИМДА САҚЛАЙМАН

Олма, олма дермисан,
Олма берсам ермисан,
«Олма, берган қўлларингдан,
Айланайин»,— дермисан?!

Бай-бай менинг юрагим
Дамда-дамда тепади.
Кўзим ёрни кўрганда,
Нечун сувлар сепади?!

Қуёш чиқди зар сочиб,
Ёрим уйғонганимикан,
Ўзага сир берибди,
Пушмонда қолганимикан?!

ХАТ ЕТҚАЗАР ДИЛИМДАГИ СЎЗИМНИ

Олис-олис кўринади гужуми,
Онаси юбормас қаро кўзимни,
Юбормаса агар қаро кўзимни,
Хат етказар дилимдаги сўзимни.

Боғингдаги узуммикан, нормикан,
Боғингнинг боғбони бизга ёрмикан,
Боғингнинг боғбони бизга ёр бўлса,
Бориб кўрай, ўзи боғда бормикан?!

Дарёлар бўйинда шамолинг сенинг,
Ҳар дамда тутади хуморинг сенинг.
Хуморинг тутганда қолмас қарорим,
Сенинг билан мангу менинг хаёлим.

Онамиз ёримга «болам» дейдилар,
Ёримдан бизларга салом дейдилар,
Келган-кетганлардан ёни серасак,
Хат ёзибди, қоши қалам, дейдилар.

ТЕГМАС ЭДИМ ЁМОНЛИФИНГ БИЛГАНДА

Уйининг тагидан қазсин солмасин,
Сув билан оқизсин қизил олмасин,
Мени келар дейиб йўлда турмасин,
Йўлда туриб хижолатга қолмасин.

Қаро сочим ёғирнимнинг саноси,
Бир ёр тутдим паризоднинг боласи,
Мардмикан деб берган эдим кўнглимни,
Номард экан ярамаснинг боласи.

Толдай титрар таним сани кўрганда,
На бўлади, ёр тинчгина юрганда,
Яхши кўриб олиб кўзинг тўйдими,
Тегмас эдим ёмонлигинг билганда!

Олманинг оқидан кўки яхшироқ,
Ёрнинг бебурдидан йўғи яхшироқ,
Еринг бўлиб азобини чеккандан,
Олис юрсанг интизорлик яхшироқ.

ЁР ҚАДРИГА ЕТМАСАНГ

Муҳаббат дилда бўлар,
Қўшиқдан кўнгил тўлар,
Ёр қадрига етмасанг,
Севгинг охир хор бўлар.

Қиши ўтиб баҳор келар,
Дилга яқин ёр келар,
Омон бўлсанг кўрарсан,
Қучоги гулзор келар.

Оемондаги ей ўзинг,
Қоши камон — ей ўзинг,
Севган ёринг дилида
Кеча-кундуз жой ўзинг.

Богимдаги норимни
Кириб узсанг резиман,
Овга чиқсанг кўлларнинг
Ўрдагиман, ғозиман.

Гул очилар навбаҳор,
Гул теришга келар ёр,
Баҳор билан гуллайлик,
Иккимиз ҳам вафодор.

Кийим кўрки хон атлас,
Пиртилса ямаб бўлмас,
Яхши кўрган ёримнинг
Хуснига тўйиб бўлмас.

ИШҚ ЎТИНИ ОШИҚ БУЛИБ БИЛДИНГМИ?

Ойнангнинг олдидаи ўтдим, кўрдингми,
Ҳат ёзиб юбордим, ўқиб билдингми,
Қарамадинг кўча-кўйда юрганда,
Ишқ ўтини ошиқ бўлиб билдингми?!

Уэун-узун кўлнинг қамиши бўлсам,
Узун бўйли йигит таниши бўлсам,
Одамлар айтади бевош бола деб,
Кошки шу боланинг хоҳиши бўлсам.

Кўзингдан айланай келдинг бир йўла,
Нөзик белларимга қўлларинг чулга.
Сен ошиқсан, мен маъшуқман ёшликдан,
Вақт етганда юрагимга ўт солма.

ДОҒДА ҚОЛДИМ, КЕТДИ ЕР

Ошиқ бўлдим узоқдаги одингга,
Оласанми-олмайсанми ёдингга,
Бизни солдинг айрилиқнинг ўтина,
Айралиқдан ўлим яхши-ку маъга.

Эшикнинг олдидаи ўтаверди ёр,
Алинда нозвой гул мани этиб зор,
Уйга олиб кирай десам киши бор,
Гаплашолмай доғда қолдим, кетди ёр.

Оқ қумонга сув солвадим тұлибди,
Севар ёрни биздан күнгли қолибди,
Элотидан бир жононни топибди,
Дилсиз суратга у ошиқ бўлибди.

Дўкон қуриб ҳийласини билмадим,
Ошиқимни гиласини билмадим,
Буюрганим унга ўқчали туфли,
Олиб келди, лекин кия билмадим.

Тегирмон устида марвар кўчади,
Севар ёрим кўзларимдан учади,
Борай десам онам заҳрин сочади,
Бормай десам эсу ҳушим қочади.

Рўмолимнинг тўрт учнина лоламан,
Сиз кетгаңда термилиб-ла қоламан,
Уйга кириб бағри бирён бўламан,
Сиз билан ўлинча даврон сураман.

МУНОСИБ ЕРИМСАН ЎЗИНГ

Эшигингнинг олди баланд шосупа,
Шосупа устида бир хўжик хафа.
Хафа бўлма, жоним, кўнглиниг оламан,
Душманнинг жонина ўтлар соламан.

Үйнингни ортидаи ўтлар тераман,
Бўйингни бўйимга тенглаб кўраман,
Бўйимга муносиб ёримсан ўзинг,
Кўпдан бери дардингда ман куяман.

Бораман деб тердиравадим қошимни,
Эълон этдим ўн саккиз деб ёшимни,
Уйламасин ўзга киши олар деб,
Йўлида қўйибман ёлғиз бошимни.

Жавоб берганимиз бориб айтилсин,
Хун¹ юбормак учун патир ёпилсин,

¹ Хун — тўёна.

Қарорим йўқ ҳар уч кунда кўрмасам,
Бориб айтинг ЗАГС ёнда топилсин.

Қалъага тушибди жавҳарли ўрин,
Оқ-сариқ болага бизлар ҳам шерик.
Ҳаммалар юрибди ўтида куйиб,
Иккимиз юрибмиз паймонлар қилиб,

СЎЗЛАРИ ЁЛГОН

Шойи кўйлакларим тизимдан мани,
Бир неча йигитлар изимдан мани,
Опа, бу йигитга жавоб берсангиз,
Кўп бўлди, юрийди кезимдан мани.

Учакка чиқвадим уйинг кўринди,
Уйингнинг устинда бўйинг кўринди,
Шерози попоғинг манглайда қўйиб,
Шосупада ўтирганинг кўринди.

Чинни косаларла сувлар тунитган,
Илоҳим кўр бўлғай бизни унугтган,
Бу тутган ёрингиз кимлардан қолган,
Бизни алдадингми, сўзлари ёлғон?!

ҮЕЛАМАН

Идоранинг икки ёни оқланган,
Долонинда икки қўчкор сақланган.
Бириси оладир, бириси қора,
Бизни мафтун этган табелчи бола.

Йўринжада кишиаб ўйнайди оти,
На хаёлда ёздинг манга бу хатни?!
Отизга бораман, уйга кираман,
Бу хатингга на деб жавоб бераман?!

Алимда китобим, мактаб бораман,
Оғажон айланманг кечга қоламан,
Муаллимим кечга қолдинг дегандা,
Дўйстларим олдида мен уёламан.

Киччи ёп бўйлари оладан ола,
Ичинда келётир табелчи бола,
Кўйнаки оладир, чалвари қора,
Шунга ёр бўлмадим ман бахти қора.

Қора костюмингнинг ёнги төр экан,
Үзи хуш қилиқли доно ёр экан,
Ихлос билан орқасидан қарасам,
Одамларнинг айтанича бор экан.

СЕВГИМНИ ХОР ЭТМА

Айвонимнинг тевараги говача,
Матиримпинг тевараги лолача,
Емон билан гап-сўз бўлиб юргунча,
Яхши билан сур давронни ўлгунча.

Айвонингиз айвонимдан бийикди,
Уртасида ўйнаб турган кийикди,
Киз болани ўз тенгига бермаса,
То ўлгунча юрагида куйикди.

Дарёмидим далангиздан оқмоққа,
Ойнамидим ой юзингга боқмоқда,
Сени ўзинг икки кунлик бевафо,
Жиннимидим сенга сирим айтмоққа.

Аzon билан от ҳайдадим далага,
Ишқим тушди арво минган болага,
Севгимни хор этма арвочи бола,
Бевафолик этсанг, қолдинг балога.

ШАҲЛО КЎЗИНГДАН

Узоқдан келаётир бир танҳо ўзи,
Алинда рўпаки, кўчада кўзи,
Жонингдан айланай, ким туғди сизи,
Кўзингдан, кўзингдан, шаҳло кўзингдан,
Қалъанинг тегида етдим изингдан.

Алвои кўйлагимни киймасам бўлмас,
Жонингга ўтларин солмасам бўлмас,
Солланиб ёнингда юрмасам бўлмас;
Кўзингдан, кўзингдан, шаҳло кўзингдан,
Қалъанинг тегида етдим изингдан.

Алвои кўйлак сувга солсам сўлмийди,
Лна шундан оббермасанг бўлмийди,

Бир шўх йигит ўз кунимга қўймийди,
Қўзингдан, қўзингдан, шаҳло қўзингдан,
Қалъанинг тегида етдим изингдан.

Ман ўтаман эшигингдан, йўлингдан,
Қора камзўр кўринади тўнингдан,
Ман айланай сани қадди бўйингдан,
Қўзингдан, қўзингдан, шаҳло қўзингдан,
Қалъанинг тегида етдим изингдан.

Сариқ гул тегида сарғайдим, ётдим,
Яхши ёр ахтардим, ёмон ёр топдим,
Ёмон ёр қурисин, жазомни тортдим,
Қўзингдан, қўзингдан, шаҳло қўзингдан,
Қалъанинг тегида етдим изингдан.

ИИГИТНИНГ САРАСИ САНДАН ЎТМИЙДИ

Баландда турибсан алим етмийди,
Сандан бошқа ёра кўнглим кетмийди,
Иигитнинг сараси сандан ўтмийди,
Қанча севсам, сенда ҳаққим кетмийди.

Йўлни қўйиб, келаверди сўқмоқдан,
Таъмам шундай эди бўса олмоқдан,
Ўзим айланаман бодом қовоқдан,
Миннатдорман ёrim берган сабоқдан.

Ёр келади, ёр келади дейдилар,
Олма билан нор келади дейдилар,
Орзу-армон билан тиккан тахямиз,
Ёр бошина тор келади дейдилар.

Козикдаги кўк отнингдир югани,
Кўринади арво қўшиб юргани,
Ўзимга аниқдир мени севгани,
Борим ўзинг, жоним, таним, дегани.

Кавшингизни ўқчасидан танийман,
Ога сизни жўрангиздан сўрийман,
Элга келиб, бизга кирмай кетсангиз,
Оқшом билан зори гирён йиғлийман.

ЕР ЙУЛИМГА ЮРМАСА...

Чаманлардан гул узиб,
Бўғиб-бўғиб бойлайман,
Ёр назарга илмаса,
Гулга қараб йиғлайман.

Учак-учакка боқади,
Орқамни шамол қоқади,
Шу элотда бир бола
Бай-бай, ичимни ёқади.

Кулма, ҳай, куйлаги бурма,
Севсанг севу, изда юрма,
Севганинг рост бўлса онангни юбор,
Бегона қизларнинг сўзига кирма.

Оғир пальто тизингдан,
Ёр, тўймадим юзингдан,
Ҳар ҳафтада келмасанг,
Мен бораман изингдан.

Яхши йигит, юз ўғирманг, ор этмайдиг,
Узоқ кетиб ўзингизга зор этманг,
Ўзгаларга ёрим дебон, жонгинам,
Вафодорман, мени асло хор этманг.

Ёр, бофингга олма билан нор экай,
Рўмолимга номингни қўлда тикай,
Ердан айирмоқчи бўлган сатангни
Кўрган жойда қадини ёйдек буказ.

ҚИЗЛАРНИНГ ЗАМОНИ ҚЕЛДИ

Қарамондан қантаради отини,
Хиссасидан чиқаради қаштини,
Қантинг туриб ишвотингни емиман,
Шойинг туриб доройнингни хиҷмийман.

Шойи рўмолимни шамоли келди,
Йашасин, қизларнинг замони келди,
Эри билан төнг ишласин, тенг юрсии,
Деб ёзилган давлат тикори келди.

Ширпи кўйлак шилпиллайди юрганда,
Юрак-бағрим ўт олади кўрганда,
Иккимиз ҳам бир қишлоқнинг боласи,
На бўлди қелиб-кетиб юрганда.

Олмани бир ташлаб доғ этса бўлар,
Оқ ерни сугориб боғ этса бўлар,
Ҳафтада, ўн кунда келмаган ёрни
Ёнина бир бормай, доғ этса бўлар.

КУНДУЗ ДИЛИМДА БОРИМ

Хат ёзаман ўнг қўлимда қаламим,
Ерга етгай бу соғинчли саломим,
Кеча душим, кундуз дилимда борим,
Тошкентларда менинг шу севган ёрим.

Тонгларнинг отгани кундуз эмасми,
Кундузлар ёр ўз уйина келмасми,
Мени ташлаб кетсанг нега ёнимайин,
Покиза юракка озор эмасми?!

Еримнинг ёноси олманинг боли,
Ҳеч қиза бермасман сочининг торин,
Оқ юзингдан бир бўса бер, жөнингдан,
Боғда битган оқ олмадан мазали.

Олтин юзик бармоғимни буради,
Бир бона бор, йўлларимда туради,
Салом десам, ваалайкум деб, кулиб,
Ҳар кўрганда менинг ақлим олади.

Отга минсанг оёғингдан оламан,
Сен гул бўлсанг, мен ёнингда лоламан,
Бор меҳримни сенга бериб қўйибман,
Ўзоқ кетма, мен соғиниб қоламан.

Олтин соат ярашади билакка,
Ошиқликнинг ўти тушар юракка,
Кун ошади, хабаримни олмайсан,
Улмасак етармиз биз ҳам тилакка.

ИККИМИЗ ҲАМ БИР КОЛХОЗНИНГ ФАРЗАНДИ

Қўрсатганинг олмамиди, пайванди,
Сенга қараб менинг кўнглим ийманди.
Кўрган-билигац гап айтмасин, оғажон,
Иккимиз ҳам бир колхознинг фарзанди.

Қатти ердан паҳта унса сўлмағай,
Ҳеч бир ошиқ иккимиздай бўлмағай,
Мени ташлаб ўзга билан юрибсан,
Ёшгина жонинингга завол бўлмағай.

Бошимда рўмолим илма-илмади,
Ёлғизлигим ёр салина билмади,
Ёлғизлигим ёр салгина билмади,
Атлас кўйлак билан уйга кирмади.

ТОШКЕНТЛАРДА ЮРГАНМИКАН

Тошкентдан келади уюмлар уйиб,
Қўлида чаққиси олмалар сўйиб,
Давронлар сурамиз дийдорга тўйиб,
Келгани соз, кетмасин дардга қўйиб.

Тошкентнинг йўлинда уч туб узум бор,
Тошкентнинг ичинда қаро кўзим бор,
Ман айналай қаро кўзнинг жониннан,
Агар келса энди айтжак сўзим бор.

Орқамии берибман бейик нарвона,
Салом хат берайин Тошкент боргона,
Тошкентларда бориб ёримни кўрсин,
Соғинган ёрідан саломлар десин.

Тошкент боғларида кўрдим узумини,
Узумлар тегида қаро кўзимни,
Мен айнанай қаро кўзим жонидан,
Қаро кўзим, менинг ширин сўзимни.

Тошкентларга посылкалар солайин,
Ёр емакка чия, олма олайин,
Соғинганда кўриб-кўриб қўйисин деб,
Хатлар ёзиб, суратимни солайин.

Менинг ёрим соғ-саломат
Тошкентларда юрганимикан,
Иўқлаб мени кеча, тонглар,
Тушларида кўрганимикан.

Азон билан ойналардан қарайман,
Тошкентдаги ёрга салом йўллайман,
Тошкентдаги ёрдан жавоб келмаса,
Кечалари кўз ёш тўкиб йиглайман.

НЕГА ИНДАМАСДАН ЮРАВЕРАДИ?

Шойн рўмолимни кўпир этаман,
Кўпирнинг устинда сизни кутаман,
Агар кўпир кўтармаса, акажси,
Кўл тутишиб бирга ўтиб кетаман.

Бошимда рўмолим дўнаворади,
Изимдан душманлар ўлаворади,
Ахир ўз-ўзимдан кўнгил берайми,
Нега индамасдан юраверади?

Бошимга согланим сал-сариқ матир,
Мени яхши кўрсанг сўзимни битир,
Киз боланинг дастурида шу бўлғай:
Жуда яхши севсанг патиринг ўтири.

Бошимда тахямнинг тепасин босиб,
Ёр уйига бордим кўнглимни очиб,
Элингизда борми биздек шайдойи,
Еримнинг бўйига бўйим муносиб.

КЎНГЛИМДА ЁР ОДИ БОР

Оқ айвонда ўтирвадим ҳол бўлиб,
Бир ҳолимни сўрамадинг ёр бўлиб,
Агар кетсам қарамайин изимга,
Истаганда тополмайсан зор бўлиб.

Айвонинда икки-учдан қопи бор,
Ликувинда¹ хилма-хилдан қанти бор.

¹ Ликув — тарелка.

Айвонда ўтирган шу бўз боланинг,
Юрагимниг энг тўрида оти бор.

Айвонингда ўрик бўлиб гуллайман,
Шохасида булбул бўлиб сайрайман,
Булбулимниг гул щохини қайирган,
Душман бўлар ёрни ёрдан айирган.

Айвонингга гул экайин кулчалаб,
Кулласина сув солайин тунчалаб,
Бегона қизларга кўнлингни берма,
Вафосиздан мен кетаман ўпкалаб.

«Уйда»— денглар, ёр бизларни сўраса,
Об келайин қизил рўмол ўраса,
Қора кўэнинг ёз ёилари ялаза¹,
Ялазадан қони ёрим қараса.

Айвонида икки-учдан хотин бор,
Киссасида оппоқ машин қанти бор,
Бегоналар кўз солмасин ёrima,
Ешлигимдан кўнглимда ёр оди бор.

СУРАТИМНИ ОЛИБ ҚОЛ

Мен кетаман кўриб қол,
Ангса сочим ўриб қол,
Софинганда кўрарсан,
Суратимни олиб қол.

Олсанг мени севиб ол,
Унутмайман дейиб ол,
Унутиб ташлар бўлсанг,
Тезда ёнимдан йўқол!

КЎКРАКДА ЮЛДУЗ ЯЛТИРАБ

Поезд келар гулдираб,
Дигиржаги² ғилдираб,
Ичиди бир қиз келэр,
Орденлари ялтираб.

¹ Ўлаза — очиқ жой, майдонка.

² Дағиражак — ғилдирак.

Шарлауқдан бир йигит
Совчи бўлиб келибди,
Чиройли қиз юзига
Дили билан сингибдӣ.

«Волга» миниб ўтасан,
Кўзиниғ узоқ-узоқда,
Сенга тегай дейману,
Кўнгленинг анча йироқда.

ОЛМА ПИШГАНДА КЕЛИНГ

Олма отдим отганга,
Сим каравотда ётганга,
Аччигингиж келмасин,
Бир оғиз сўз айтганга.

Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг.
Ангса сочим жумалак.
Белинга тушганда келинг.

Олма, узум пишибди,
Тагларига тушибди.
Хайфгина чиқонцм,
Ароқхўрга тушибди.

ЕРИМГА ЖОИ БЕРАЙИН

Еринг бевафо бўлса,
Умринг бўларкан нотинч,
Бевафо ёр туфайли
Ошно бўлмайди севинч,

Богимдаги апорим,
Тагида интизорим,
Кечаларни тушнимдан
Чиқмайди вафодорим.

Тўйга бордим ясаниб,
Чиқонларим қарашди,
«Атлас кўйлак» киминки,
Дейиб мендан сўрашди.

«Атлас күйлак киймасанғ,
Якши бўлар»,— дедилар.
Ахир, атлас күйлакни
Ёрим олиб бердилар.

Қовун экдим полизлаб,
Ёрим кетди олислаб,
Ёримга жой берайин,
Сийнамдан мен холислаб.

ТИЛНИ СЕВСАНГ, РОСТ СУЗЛА

Севмаганга суйкалма,
Билмаганга сир берма,
Севмаган қиз ёр бўлмас,
Унинг изидан юрмал!

Кўпни билу, оз сўйла,
Оз сўзлаю, соз сўзла,
Юрагингда дое қолмас,
Тилни севсанг, рост сўзла!

Сувга бордим кўзада
Сув бўйида ёр туар,
Гап бошламоқ қасдида,
«Сув ичсак»,— деб сув сўрар.

Эшигимда тарнов бор,
Уйдан чиқсан анов бор,
Кўзи кўзимга тушса,
Юрагимда олов бор.

Катта ҳовуз бўйида
Қизил гуллар ўсибди,
Қизил гулдан узиб эдим,
Йигит йўлим тўсибди.

Осмондаги ой билан
Хўп сўзлашгим келади.
Ишқида куйганимни
Бевафо ёр билади.

ЮРАГИНИ БИЛИБ ОЛ

Мени кўриб ой дема,
Қошим кўриб ёй дема,
Ошиқ бўлсанг, ўзингни
Фаридема, бой дема.

Тошкентга кетган оғам,
Муродә етган оғам,
Ўқишингни битирсанг,
Жоним бўлсин садоғанг.

Сариқ қовун пишибди,
Сопогидан тушибди,¹
Яхши кўрган чиқоним
Қўшнимизга тушибди.

Тоғ бошида беда бор,
Майдасини элаб ол,
Яхши кўрган ёрингнинг
Юрагини билиб ол.

Сувга бордим тоз билан,
Сув олдим ҳавас билай,
Бевафолик қылганинг
Умри ўтар ёс билан.

Яхши-ёмонни тани,
Эл таниган эл хони.
Сенга кўнгил берибди,
Гўзалларининг султонни.

ЁШ ЧОҒИНГДА КИМНИ СЕВСАНГ

Гўзаллик дилда бўлар,
Яхши сўз тилда бўлар,
Ёш чоғингда кимни севсанг,
Кўнглинг ҳам шунда бўлар.

Олма бўлса оқ бўлсин,
Қизили ҳам аралаш,
Еринг бўлса мард бўлсин,
Қора кўзли, қалам қош.

¹ Дум берибди.

Кўлнингдаги соатингнинг
Ойнаси бўлсан ўзим,
Шакар томган тилларингнинг
Соноси бўлсан ўзим.

Боғингизга кирганимда
Тердим данакли узум,
Оқшомларда ой жамолинг
Ўйлаб ётдим мен ўзим.

ОЛМА ОТДИМ ЁРИМГА

Ёр билан ўлтираман,
Тили айтар: «севаман».
Ўйламабман бевафога,
Кўнгил берсам куяман.

Сен йигит, яқин келиб
Дардингни баён этма,
Бу ёнган юрагимни
Яна ҳам ёқиб кетма.

Олма отдим ёримга,
Қайта менга отсин деб,
Кўнгли қолган ёрининг
Қайта кўнглини топсин деб.

СОФИНЧЛИ САЛОМИ БОР

Устол устида қофоз,
Ёнида қалами бор,
Лопа очсам ёримнинг
Софинчли саломи бор.

Чаманлардан гул узиб,
Бўриб-бўғиб бойлайман,
Ёрим гулим олмаса,
Хуни гирён йиглайман.

Нечун келдинг ёнимга,
Сўзи хил-хил бўз йигит,
Юрагимни ёрибсан,
Тили ширин сўз йигит.

Қуёш чиқди зар сочиб,
Ёрим уйғонғанмикан,
Ұзгаларга сир бериб,
Пүшмонда ёңғанмикан?!

ИУЛИДА ФИДОДИР БУ ШИРИН ЖОНИМ

Еп бүйинда узун-қисқа күчат бор,
Чақырсам қелмади қошы қаро ёр,
Борсам уяламан, дийдор күрай деб,
Еннинда янгаси — терговчиси бор.

Еп бүйинда юзган шиёламикан,
Ёр ўзи келмакка ўёламикан,
Қош бўлмаса қаро кўзлар гўзалми,
Билмиман, қошини қиёламикан?!

Кулоқ сол сўзима, эй меҳрибоним,
Иўлингда фидодир бу ширин жоним,
Елғонни сўзласам куйсии виждоним,
Сенга ёр бўлмоқлик менинг армоним.

Чиқаман, қарайман боф орқасина,
Булбул қушни қўндир гул шохасина,
Бир хабар қилайни ёр укасина,
Тоқатлар қолмади ёр жафосина.

ЕКИ УЁЛАСАНМИ?

Қизил гулни экасану кетасан,
Бизнинг ёрни узукка қош этасан.
Бизнинг ёрни узукка қош этмасанг,
Олиб бориб элининг бош этасан.

Қора қошингни, ёр, қиёласанми,
Қизил гулнимни, ёр, ололасанми,
Ваъда қилдинг, келмай кетдинг, жонингдан,
Сабаби не, ёки уёласанми?

Қўллингдаги қизил гулинг бўлайни,
Беткигдаги шўх булбулинг бўлайни,
Орзу-армон билан сенга етишдим,
Энди ўзим жону дилинг бўлайни.

Қизил гулинг, қўлимдадир, сўлмагай,
Қизил гулларимдан душман юлмагай,
Қизил гулни эккан йигит соғ бўлсин,
Қизил юзларимдан айро бўлмагай.

Қизил гулни экса бўлур нор билан,
Соясида ётса бўлар ёр билан,
Бўсасини олмашмайман бол билан,
Ерга етдим армон билан, зор билан.

ИСТАДИМ СЕНИ

Қоромен ёғочнинг ёнори бўлмас,
Ёнганда ўтигинг хумори бўлмас,
Тоза дўст тушганинг қарори бўлмас,
Келавер жонингдан, истадим сани,
Ошиқлик ўтида ўртама мани.

Учакка чиқаман тўрт ёғим айвон,
Ошоққа¹ қарасам, юрагим алвон,
Шу элда бир бола бор, жонимга дармон,
Келавер, жонингдан, истадим сани,
Ошиқлик ўтида ўртама мани.

Олма отдим поякининг қизина,
Бориб тегди юрагининг кўзина,
Инсоф берсин поякининг ўзина,
Келавер жонингдан, истадим сани,
Ошиқлик ўтида ўртама мани.

Эшигингдан ман ўтай ғойибона,
Изингда бўлибман дали-девона,
Ман нега ҳайронман, бағри бирёнман,
Сени кутиб аэропортда турғонман.

Йўнгичқа челинда гуллади печак,
Олтин тоз тахямда икки тўп гажак,
Шугун оқшом дўстим-срим келажак,
Келавер жонингдан, истадим сани
Ошиқлик ўтида ўртама мани.

¹ Ошоқ — паст, қуйи.

ТУРИШИНГ ЎХШАЙДИ ОСМОНДА ОЯ

Минорнинг зинаси қирқ зинапоя,
Туришинг ўхшайди осмонда оя,
Юртингда қадринг йўқ, бўлибсан зоя,
Интизорман, ёрим, чорак нигоя.

Эгнингга кийганинг сувсан даройи,
Юртингни одами әмас аноиي,
Оқ юзингда түқсан рамазон ойи,
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

Юртимдан чиқибман қаро намозшом,
Кўриб мани нечун чиқмадинг дешон¹,
Сизни кўриб ман бўлибман паришон,
Юрганда сочилган чочбоғларингдан.

Тахияндаги туморингни бураман,
Ваъда берган жойларингда тураман,
Кирганда чиққанда жавоб ураман,
Оға, санинг бодом қовоқларингдан.

Оҳ ура, оҳ ура тонгни оттиридим,
Оқ сийнамни аёzlарда қотирдим,
Оға, сизни йўлингизга бош урдим,
Улсам айрилмасман қучоқларингдан.

МЕНИНГ БИР ЁРИМ БОР ОЧИЛГАН ЛОЛА

Алимдаги билак узутим-юзутим,
Олти ойлик йўлга кетди севдигим,
Ман соғинсан қарорим йўқ уйларда,
Сай соғинсанг, тез келавер нозигим.

Тракторни дигиржаги ўзиннан,
Тўхтажоннинг баҳмал кўйлак тизиннан,-
Тўйларга юбориб борсам изиннан,
Кәраб турсам нур томади юзиннан.

Ҳўзмунчоқ банд этинг чой ўчоқина,
Ман ўзим бораман ёр қучоқина,
Келмай-келмай шугун оқшом келибсан,
Ширин лабим бўлени ёр дудоқина.

¹ Дешон — ташқари.

СОГИНИБ САРҒАЙДИМ, ШУ ҚАРО ҚҰЗНИ

Дүнма тұнларимнинг астари бұзды,
Согиниб сарғайдым шу қаро құзды,
Иккимизни құшғон бир оғиз сүзді,
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, сүңг райимдан қайтаман.

Боланинг отини манглайи соқор,
Күчадан ўтганды ичимни ёқар,
Болага буюрдим бешгулли рұмол,
Күйнидан чиқарып олдима отар.
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, сүңг райимдан қайтаман.

Боланинг отининг манглайи қашқа,
Иигитлар ичида овозинг бошқа,
Бола мани десаңг, бошқаны ташла,
Шунда сенинг билан бұламан ошина.
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, сүңг райимдан қайтаман.

Камзўринг пешини боссам гард бұлар,
Ошиқлик деганинг қийин дард бұлар,
Бу йұлларга кирган одам мард бұлар,
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, сүңг райимдан қайтаман.

Ховузингни түрт муюлиши түрт ясқа,¹
Ховузингга сувга бордим ҳавасаға,
Узи ёш бұлса-да, аллари уста,
Келавер құзингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, ман райимдан қайтаман.

Дағасида құша кантар воқлийди,²
Ерим уни сийнасида сақлийди,
Гужумининг тагида ётиб ухлийди,
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, мен райимдан қайтаман.

Бедов отни суторади ясқадан,
Алии булғаб қичқиради пахсадан,

¹ Ясқа — қыргыздың паст жойи.

² Воқлийди — сайдайды.

Алларима берди ипак нусхадан.
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, мен райимдан қайтаман.

Тугма тўнни силкиб олдим аржадан,
Астари чит, паравузи парчадан,
Менинг бир ёrim бор тоза навчадан,
Келавер жонингдан, жоним айтаман,
Бир мани де, мен райимдан қайтаман.

ОШИҚ БҮЛДИМ САНИНГ ҚАРО ҚЎЗИНГГА

Еримнинг арвоси рошлардан юрар,
Яхшилаб қараса бизларни кўрар.
Ихлоси зўр бўлса, давронлар сурар,
Келавер жонингдан, қўрқма изингдан,
Қаро камзўрларинг эгри тизингдан.

Дарвозанинг ёриидан қарийди,
Жун пўтага шоха нөвот ўрийди,
Ёр, бери келинг, деб алин бурийди,
Келавер жонингдан, қўрқма изингдан,
Қаро камзўрларинг эгри тизингдан.

Оғажон, ёнимда бир замон туринг,
Қора чўгирмангнинг гуллари пўрим.
Гапим бежо бўлса, оғзимга уринг,
Келавер жонингдан қўқма изингдан,
Қаро камзўрларинг эгри тизингдан.

Ошиқ бўлдим сенинг қаро қўзингга,
Қўп одамлар тушди манинг изимга,
Ҳеч қайсиси чиқмас санинг тизингга,
Келавер қўзингдан, қўрқма изингдан,
Қаро камзўрларинг эгри тизингдан.

УЛГУНЧА ИУЛИДА ҚУЙДИМ БОШИМНИ

Қатор экан ҳовлисининг гуллари,
Тегиб ўтар арвосининг кўчари,
Саргардон этаман сендек нечани,
Келавер жонингдан, қўрқма изингдан.

Ун беш кун деганда кўришдик висол,
Ёрга буюрганим бешгулли рўмол,
Пасиндан олма-да, покизадан ол,
Сан хоҳласанг, ман хоҳлиман тўрахон.

Узун-узун долонлари бўйравўш,
Бола бизни кўраверса вақти хуш,
Киссасида ҳамён халта оғзи бўш,
Ман нани ҳайрони, шунинг ҳайроли.

Мўлжаллинга қўндирман қўшимни,
Улгунча йўлингга қўйдим бошимни,
Эркала б силасам; чёртма қошйигин.
Айланаман сендан, айрилма мендан,
То ўлтунча айрилмайман ман сандан.

ДОЛ БУЙЛАРИНГ ТАВОБ ЭТАЙ ЮЗИМГА

Бола сенинг кўнгил хушинг бўламан,
Агар келсанг айвончада тураман,
Мажлисга борсангиз бирга бораман,
Келавер, кўзиндан, қўрқма изнингдан.

Қора чўгири мағни кийма кўзининга,
Тушармисан менинг айтган сўзимга,
Агар тушсанг менинг айтган сўзимга,
Дол бўйларинг тавоб этай кўзимга.

Қошинингни тагида ўйнайди кўзининг,
Тўлишган ойларга майзиниди юзинг,
Богот районида танҳо бир ўзинг,
Ўзим севдим, севмаганлар армонда.

Фойтуига қўшилган икки отингиз;
Богот районида ёзган хатингиз,
Тозадан чиқибди ишчи отингиз,
Ўзим севдим, севмаганлар армонда.

СОРИ БОЛА

Сори садаф бир-бирина соз этар,
Сори бола челда туриб ноз этар,
Сори бола челда туриб ноз этса,
Үйга келиб қиши кўнглимни ёз этар.

Севганимга хафа бўлманг, ёргинам,
Соф севгига топо¹ қилманг, ёргинам,
Еш кўнглимни яра қилиб кетсангиз,
Сарғайгандা хафа бўлманг, ёргинам.

Гул унсин деб тухум солдим гулзорা,
Униб чиқса, олиб берсам гул ёра,
Еримнинг юзлари очилган лола,
Ёдимдан кетмайди шу сори бола.

Бу ўтирган Қалининнинг² момоси,
Биз азалдан камбағалнинг боласи,
Эшикдан қаради, кирмасдан кетди,
Элотнинг эркаси, сори боласи.

ҚИЗИЛ ГУЛ

Қизил гул очилур терганим сайин,
Хайрона бўламан кўрганим сайин.
Қизил гул оралаб ёrim ўтади,
Ишқида бу ширин жоним ўтади.

Ўртама жонимни, дедим ёrimа,
Ёrim гуллар териб берди қўлима,
Гул бериссан гулдай юзинг сўлмагай,
Бегоналар қизил гулим юлмагай!

Қизил гулдан узиб-узиб ўтаман,
Севар ёни кўриб мурод этаман,
Қизил гулли боғлар асло сўлмасин,
Душман келиб гулларимиз юлмасин!

ЧИН ОШИҚЛАР ЕТАР ОРЗУ ТИЛАККА

Шойи рўмолимни кўпир этаман,
Кўпир кўтармаса пичик ўтаман,
Ман ёримни кўтариб ҳам ўтаман,
Рози бўлсанг, сенинг билан кетаман.

Ер келаётир, ёр келаётир дейдилар,
Олма билан нор келаётир дейдилар,

¹ Топо — юзга солиб бермоқ.

² Бу ерда Қалинин номли колхоз маъносида.

Орзу армон билан тиқкан таҳиямни,
Ёр бошинна тор келаётир дейдилар.

Олтин соат ярашибди билакка,
Ошиқликнинг ўти тушар юракка,
Ўйнаб-кулсанг ярашар шу даврда,
Чин ошиқлар етар орзу тилакка.

Олтин юзук бармогимни буради,
Бир йигит бор йўлларимда туради,
Салом десам кўкрагида ўнг қўли,
Ҳар кўрганда мени ҳайрон қиласди.

Чой ичган қосангни қўйдим минота,
Дўсту ёр бўлибмиз тушасиз ёла,
Иккимиз ҳам соф бўлгаймиз дунёда,
Мен етдим мурода, сен ет муродга!

* * *

Қара десам, қарамайсан эй, ёrim,
Ҳолинг на деб, сўрамайсан, эй ёrim,
Кўрганингда совуқ салқи гап айтаб,
Билмайман, ё хоҳламайсанми ёrim.

Айланмадан айланаман кўрсангиз,
Киссамизда оқ олма бор есангиз;
Ота-онам сизга берар бўлмаса,
Мен кетаман ойдин кеча келсангиз.

Машинангга қўндираман қушимни,
Сени кўрсам олдираман ҳушимни,
Жўра тутин, дўсти ёринг кўп бўлсин,
Кўрсатайин сенга тенги-тўшимни.

Сен чеккан чилимни мен йўқ этарман,
Кўйлагингга одеколон сепарман.
Ішларингдан ҳориб-чарчаб келганда,
Шапканг кўтар, манглайнингдан ўпарман.

ЕТИБ УИҚУМ КЕЛМАС ЁРСИЗ КЕЧАЛАР

Яшанг-яшанг деманг, ёна бераман,
Яхши ёрга жонимни ҳам бераман,
Шу ўрамда бир бола бор, жонингдан,
Икки инимдан ҳам зиёд кўраман.

Узун долонларда ёқади фонус,
Мен чиқаман балли жойда турсангиз,
Менингдек ёнганинг ҳолини сўраб,
Менинг билан вафоли ёр бўлсангиз.

Орқа ён тарафда меҳмонхонаси,
Тилининг учида меҳри гиёси,
Мен бўлибман шу йигитнинг гадоси,
Е бөрмикан азалдан ҳам давоси?!

Сочим узун, сочбогимни солмиман,
Бўйим тенги зар берсангиз олмиман,
Эшикдан ўтсангда мисқириб қулиб,
Дод десанг ҳам сенга ошиқ бўлмиман.

Уй ичиди сазо берар сечалар,
Уйнаб-кулиб ўтар ёш йигитчалар,
Менинг ёрим қачон келар ўқишдан,
Етиб уйқум келмас ёрсиз кечалар.

Толдай титрар жоним сени кўрганда,
На бўлади малол бермай юрганда,
Яхши кўриб олдинг, кўзинг тўйдими,
Борармидим қилиқларинг билганда?!

СЕВГАНМАН УЗИМ

Тегирмонга юбордилар тийр¹ билан,
Сани кўрсам тенг бўламан ер билан,
Озорингга чидайман мен ўлгунча,
Умр бўйи яшажакман сен билан.

Ўқиганим китоб эмас, саломинг,
Синдириласман совға этган қаламинг,
Қаламингда салом хатлар ёзганда,
Эслагайман сени соҳиб жамолицг.

Бозорга бораман, дўконда кўзим,
Дўконнинг олдида сен қора кўзим,
Сен учун отамдан гаплар эшитдим,
Сени то ўлгунча севганман ўзим.

¹ Тийр — кепчик.

Сен дунёда бўлсанг, ўзгани нетай,
Сен билан қўшилиб Тошкентга кетай;
Сен ўқисанг, мен ўқисам Төшкентда,
Сен-ла бирга яшаб мурода етай.

ГУЛЛАРИНГДАН

Богинг аро боғбон бўлиб,
Терсам қизил гулларингдан,
Тинглаб ширин сўзларингни,
Кучсам нозик белларингдан.

Мени кўрсанг шу аҳволда,
Сенсиз қолсам кўзим йўлда;
Ой юзингга тортма парда,
Оқ билакли қўлларингдан.

Гул юзинг мисли лөладир,
Боқишинг жоним оладир,
Фамзанг дилга ўт соладир,
Ҳадя қиёнгин лабларингдан.

Мен ошиқман сендай ёра,
Қора кўзли сен дилдора.
Висолингга етсам зора,
Бўса олсам холларингдан.

Сен Лайлисан, мени Мажнун — хор,
Ишқ йўлида кўпдир озор,
Юракларим мактуб ёзар,
Қонни сепиб йўаларингдан.

ГУЛЁР

Шўх буябуллар сайрашар, гулёр,
Гул шохида ўйнашар, гулёр,
Шом бўлганда йигитлар, гулёр,
Қизлар билан ўйнашар, гулёр.

Боғимда чаман ғуллар, гулёр,
Шакардан ширии тиллар, гулёр,
Ильич машъали билан, гулёр,
Еруғдир куну тунлар, гулёр.

Кўк юзида булулар, гулёр,
Кечаси ойни излар, гулёр,
Муҳаббатли йигитлар, гулёр,
Вафоли ёрни излар, гулёр.

Шавкатим бор, шоним бор, гулёр,
Оқ олтинга коним бор, гулёр,
Колхозда донгдор қизман, гулёр,
Менинг на армоним бор, гулёр.

ЕР ЎҚИШГА КЕТИБДИ

Кашта тикади ёrim,
Нақш ўяди ёrim,
Тахтиравон шийпонда
Қовун сўяди ёrim.

Ер ўқишга кетибди,
Мақсадига етибди,
Узоқ йўлдан бизни, деб
Салом хатлар битибди.

Ерга отдим олмани,
Севганим учун сени,
Мунча пичинг қилма-да,
Кўнглинг бўлса ол мени.

Ер қўлида пиёла,
Ер кетмасин хаёла.
Кўл ушлашиб юрмакка
Келаверар навола¹.

Дуторим парда-парда,
Ҳар пардаси бир ерда,
Техникамиз кучидан,
Пахта унар бўз ерда.

МЕҲРИ ГИЕСИ БОРМИ?

Эшигимнинг олди ранг-баранг гуллар,
Юрагимнинг жўшқин вақти шу кунлар,

¹ Навола — кўпдан-кўп.

Менга қулоқ беринг, бағри бутунлар,
Шуни дейман меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Қора күз йигитнинг қўлида рўпак,
Қора пальтосига иккимиз кирсак,
Тонг отганин, кун ботганин билмасак,
Шуни дейман меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Баёзини өлиб кирди айвона,
Ўқиб бериб мени қилди девона,
Иккимиздай ошиқ келмас жаҳона,
Шуни дейман меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Машин тиксам ўткир қайчи қўлимда
Икки кўзим шу йигитнинг йўлинда,
Ухласам тушимда, кундуз ўйимда,
Шуни дейман меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Эшикдан ўтади уйларга кирмай,
Бекарор бўлибман бўйини кўрмай,
Мен шуни севарман кўнглумни бўлмай,
Айтинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Уста йигит деса ёнавераман,
Бир қараса дунё молин берамаи,
Икки инимдан ҳам яхши қўрамаи,
Айтинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Уста йигит ўлтиради синчинда,
Кундуз бўлса дўконининг ичинда,
Кечалари ошиқман, деб изимда,
Айтинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Орқа ёнда бордир мәҳмонхонаси,
Дилинда бормикаш меҳри гиёси,
Мен бўлибман шу йигитнинг гадоси,
Айтинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Ё азалдан қилган давоси борми?!

Гул боғинда гул узатар бир бола,
Гул юзини кўрган тушар хаёла;
Боқса экан, севганим, деб бир йўла,
Айтинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Е азалдан қилган давоси борми?!

Устасан, устасан, элнинг устаси,
Икки қўли қизил гулнинг дастаси,
Ман бўлибман шу йигитнинг хастаси,
Айтнинг, дўстлар, меҳри гиёси борми,
Е азалдан қилган давоси борми?!

Бир йигит бор, ёрим десам ярашар,
Улли-киччи ой юзима қарашар,
Мени кўрса синглингми деб сўрашар,
Шуни дейман меҳри гиёси борми,
Е азалдан қилган давоси борми?!

НЕЧУҚ МЕНИ ҚОРА КЎЗ ДЕБ АТАДИ?

Булакузук билагима ботади,
Уста йигит рўмолимдан тортади.
Олгани йўқ, бергани йўқ, опажон,
Нечун мени қора кўз деб атади?

Амударё ўйнаб-ўйнаб оқади,
Оққанлари юрагимга ёқади,
Қирғоғида қора кўзли бир йигит
Қошининг остидан кулиб боқади.

Ярқираган яногингдан айланай,
Гул баргидай дудоғингдан айланай.
Юрагимга бир жиммирди¹ ташлаган,
Бодом қовоқ, қора қошидан айланай.

Кўпирйинг тагида шорлийди илон,
Келади, кетади кўзлари гирён,
Бир қарашда юрагимга ўт солди,
Ёрнинг кўчасинда бўлибман ҳайрон.

Янги китоб баҳонадир, келади,
Шу йигитга, она, жоним куяди,
Отамга айтийми, санга айтийми,
Қизинг кўнгли шу йигитни деяди.

¹ Жиммирди — туғен.

ЕРИМ ОЛМА, МЕН ОЛМАНИНГ ЯПРОФИ

Эшигимдан ўтар бўлсангиз борман,
Сиз олма бўлсангиз, ўзим аиорман,
Сиз қизил гул, мен шу гулнинг япроғи,
Сиз баҳорсиз, мен гул очган гулзорман.

Эшигимнинг олди пахсади, толди,
Пахсага суюниб қаради қолди,
Бошинда попоги ақлими олди,
Ҳам йўлдан чиқарди, ҳам йўла солди.

Эшигим олдидан чашмалар уйдим,
Сен келарсан дейиб қўчқорлар сўйдим,
Келишингни ота-онамга айтиб,
Ҳар бир маломата мен бўйин бўлдим.

Эшигингнинг олди буғдой хирмони,
Ман бўлибман сан йигитнинг ҳайрони.
Сандан бошқа ёрга берар бўлсалар,
Кўзларимга тор этарман дунёни.

Кириб бордим айвончали ҳовлингга,
Қашта тикдим бедовингнинг давлина.
Сен сўзладинг, мен тингладим жонгинам,
Севмайди деб келтирмагин кўнглингга.

ОСМОНДАГИ ОЙ БЎЛСАМ

Осмондаги ой бўлсам,
Тиниқ сувли сой бўлсам,
Севган ёрнинг кўксинда
Кеча-кундуз жой бўлсам.

Боғимдаги аиорим,
Кириб уз, сенга, жоним;
Севгинг билан туну кун
Ёнди бу ширин жоним.

Ойдин кўлнинг розиман,
Қиши кунингнинг ёзиман,
Сени севганим учун
Ҳар шартингга розиман.

Қизил гул тарам-тарам,

Сизга деб ёздим салом,
Севгимни айта олмай,
Юрагимда бор алам.

Сувга бордим кўзада,
Қулғим ёр сўзида.
Бунча севиб қолибман.
Мехри борми кўзида?!

МЕНИНГ ЕРИМ КОЛХОЗЧИНИНГ БОЛАСИ

Ман айланай белбогингдан, белингдан,
Рюмкаларга шароб қўйган қўлингдан.
Ошиқликнинг йўли оғир дейдилар,
Оғир деб қайтмасанг натти, йўлингдан?!

Қара десам, қарамисан кейиннингга,
Қора костюм ярашади эгнингга.
Қора костюм ҳозир ёшлар модаси,
Менинг ёrim колхозчиниг боласи.

Тахямнинг попуги на бало кўпdir,
Рўмолим кўтариб бир бола ўди.
Ўргани етмайни ўлқалаб кетти,
Келавер, жонингдан, қаҳр этма мандан.

Османа қарасам парча булатлар,
Парчанинг ичинда бурма калиллар,
Орроқ туринг, ман ёrimни кўрайин;
Еrim билан жўра бўлган йигитлар.

Бир коса чой берса ичай деб келдим,
Қоржонг ёр гуноҳин кечай деб келдим,
Дўкондан олибман ёrima товар,
Тўйга лойик тўнлар бичай деб келдим.

ҲУРМАТИ, САЛОМИ БОР

Стол устинда қофоз,
Езмоққа қалами бор.
Бизнинг ёрнинг дилинда
Ҳурмати, саломи бор.

Қирмизи қиздир, қизгина,

Севгимиз бирдир, қизгина,
Үйимиз узоқ бўлса ҳам,
Кўнглимиз бирдир, қизгина.

Боғимдаги анорим
Кириб узсанг розиман,
Мени севган йигитнинг
Кўлидаги созиман.

Осмондаги ой бўлсам,
Қоши ҳамон — ёй бўлсам,
Ўзим севган йигитнинг
Сийнасига жой бўлсам.

ОҒАМСАН

Чин булбули гўёдек,
Ўзим севган оғамсан,
Ҳам ғунаю хандондек,
Кўнглим севган оғамсан.

Кўнглимда эди армон,
Бу жоним сенга қурбон,
Барча дардларга дармон,
Кўнглим севган оғамсан.

От устига мингандা,
Үқ ёйини олганда,
Душманларни кўргандা,
Яксон қилган оғамсан.

Баҳромни писанд қилмас,
Рустамни кўзга илмас,
Хавф ва хатарни билмас,
Кўнгли жўшган оғамсан.

Жоним сендан ўргулсин
Бахти иқболинг кулсин,
Жонгинам садқа бўлсин,
Марди майдон оғамсан.

МЕН ЁРИМНИНГ ДИЛИМАН

Меҳ ёrimning diliiman,
Istasa қизил тулиман,

Сўзлаганда тилиман,
Шу ёрим менинг ёрим.

Боғ ичида аномран,
Қиз деса қизча борман,
Мен унга чин хушторман,
Шу ёрим менинг ёрим.

Осмондаги ой ўзим,
Қошлари ҳам ёй ўзим.
Гўзалликка бой ўзим,
Шу ёрим менинг ёрим.

Столларда қофозинг,
Истасангиз хат ёзинг.
Не ҳақи бор танинзинг,
Шу ёрим менинг ёрим.

Гул бўлсан ҳам раъноман,
Кизлар ичра барноман.
Меҳри билан ёнаман,
Шу ёрим менинг ёрим.

Ҳур замоннинг қизиман,
Ёримнинг юлдузиман.
Тунларда кундузиман,
Шу ёрим менинг ёрим.

МЕН НАНИНГ ҲАЙРОНИ..

Қизил гўллар очилару сўлмими,
Ошиқ бўлган ваъдасида турмими,
Тўғри сўзла, менга кўнглинг урмими,
Ман нанинг ҳайрони, сен нанинг зори?!

Қизил гуллар очилганда сўлмаса,
Ошиқ қурғай, ваъдасида турмаса,
Нетаман парини, кўнглим урмаса,
Ман нанинг ҳайрони, сен нанинг зори?!

Эшикдан ўтганда қўлинг соллангай,
Ёдингга тушганда бошинг айлангай,
Келаман деб келмай қолган оқшоми,
Оҳ урган ноламга онанг уйғонгай.

Айвонингда эккан гулинг битмагай,
Қидириб келган ёр қайтиб кетмагай.
Иккимиз йитти ошиқ дейдилар,
Айражоқлар мақсудина етмагай.

Богингда гулларинг доим тар турғай,
Софиниб бораман уйда бор бўлғай,
Иккимиз бўлибмиз Лайли-Мажнундек,
Бизни айражоқлар номурод бўлғай.

Ман сани соғиндим, нега келмайсан,
Сен қандай нодонсан, қадрим билмайсан,
Гул юзингга қараб айтсан бир ғазал,
Кўнглим учун бир мисқириб кулмайсан,

Тарозилар туғиб, ойлар ботганда,
Қора кўзим келмади деб ётганда;
Оҳ билан, воҳ билан тонглар отганда,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?!

Йўл айланма, ёпа қайиқ соламан,
Кўнглим топсанг, сенинг билан бўламан,
Хабар этсанг, эрта чошгоҳ бораман,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?!

Узатиб чиқаман қамчидек бўлиб,
Уйга кириб кетдим бўйнимни буриб,
Қетсангиз хўш дедим, сарғайиб, сўлиб,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?!

Отизда ишлаёсанг йўллара қара,
Ҳасратингда бўлди юрагим пора,
Ман сани соғинсам ўзим бораман,
Сан мани соғинсанг, онамдан сўра.

Бўйинг узун эмас, ўртамиёна,
Нома билан келиб турди ман ёна,
Ҳайратингда бўлдим дали девона,
Ман нанинг ҳайрони, сан нани зори?!

Беринг жавоб, энди нетаман,
Кўрсам сани мақсудима етаман,
Сан мани демасанг, сани нетамен,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?!

Юзик асл бўлур, кўзи тош бўлур,
Улмаган қул бир-бирина дуч бўлур,
Кўрсам сани хафа кўнглим хуш бўлур,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?

Қарасам келади идора ёндан,
Бўйин кўриб кайф этаман майдондан,
Эгнингда кўйлагинг ипак алвондан,
Ман нанинг ҳайрони, сан нанинг зори?!

МУАЛЛИМ ЙИГИТГА

Утиради оқ мактабнинг қошида,
Юз манатлик шерозиси бошида.
Мен ошиқман шу муаллим болага,
Севган ёрим салкам ўттиз ёшида.

Отимизда олтин билан кумушлар,
Элга кетмиш турли-туман миш-мishлар.
Иккимизни ошиқ-маъшуқ десалар,
Шунда тарқар кўнглимдаги ташвишлар.

Столларда китоб билан қаламдир,
Еизни таништирган партком оламдир.
Иккимизни таништирган соғ бўлгай,
Айришга интилғанлар хор бўлгай,

Усталар ёғочга урарлар ранда,
Қиз бола деганинг кўнгли чаманда,
Муаллим йигитнинг юзини кўрсам,
Вужудим бўшашар, жоним йўқ танда.

Полвоннинг қумлари тегар юзимга,
Сендан бошқа кўринмайди кўзимга,
Севмасанг ҳам соғ бўл, ҳам бахтиёр бўл,
Ахир бир кун инсоф келар дилингта.

Сариқ матримни салқи ташайман,
Ўн еттинчи бригадада яшайман,
Бўйингдан ўргилай, муаллим бола,
Сени кўрсам, меҳрим қўзғаб қақшайман.

Мактабдан чиққанда бизга келиб кет,
Севган ёринг кўнглин хушлаб мўрод эт.
Меҳрим бериб ойнанг тегидан ўтсам,
Үйдан чиқиб, дилларимни обод эт.

Мактабга борасан қўлинигда дафтар,
Инжиқ дема, севсанг бешгулли оббер,

**Агар бемгуллига жўғлинг тўлмаса,
Юрагинг хоҳишин менга хабар бер.**

Алимда юзигим қорадир ҳоши,
Санъ севиб оқди кўзимнинг ёши.
Агар мени ихлос билан севмасанг,
Ўзим ёпга ташлаб ўлганим яхши.

**Муаллим деманглар, ёнавераман,
Бир қараса, дунё молин бераман,
Бўйидан ўргулай доно боланинг,
Ҳар кимсадан шуни яхши кўраман.**

Ўтирибди пахтазорнинг четида,
Аллақандай хаёли бор дилида,
Шу йигитнинг бўйларидан айланай,
Бизга ёзган шеъри бордир қўлида.

СЕВГИЛИМ

Сан эрурсан боғда очилган гулим,
Сайра эркин, лаззат олиб, булбулим,
Соф-муҳаббат билан қайнайди дилим,
Гул Ватан қўйнида шод бўл, севгилим.

Санга берди баҳт-саодат шул Ватан,
Сан ударник бўлиб ишла ушбу дам.
Дилда шодлик, белда қувватлар ҳамдам,
Гул Ватан қўйнида шод бўл, севгилим.

Қоп-қорадур нурга тўлган кўзларинг,
Гулга ўхшар худди ойдек юзларинг,
Мардлик билан тўлган борлик сўзларинг,
Шўх Ватан қўйнида шод бўл, севгилим.

Сен-да севдинг, мени-да севгий боғладим,
Ёшлигимдан сен гўзални ўйладим,
Шоду хушнуд ўзни изҳор ўйладинг,
Шўх Ватан қўйнида шод бўл, севгилим.

БЕВАФО БУЛСАНГИЗ, ЕРИНГИЗ ҚЕТАР

Боғот қалъасидай қалъа бормикан,
Очиб кўринг, дарвозаси оймикан,
Сўранг қани, тоза бўлган ЗАГСдан,
Қиз устина жувон өлган бормикан!

Қора қош бўлса-да, зил бўлса етар,
Ўн бармоқ синса-да, бўғиндан битар.
Ҳар ерда юрса-да, соғ бўлса етар,
Бевафо бўлсангиз; ёргиз кетар.

Эшикдан ўтганда сўкасан муича,
Ман сани наинг эдим кўтардим шунча.
Агар мен истасам топаман сенча,
Мени ерга урма, ҳар жой, йигитча!

Ёрим келади деб ҳовуз ўйдирдим,
Теварагин қизил гулга тўлдирдим,
Шохасина шайдо булбул қўндиридим,
Қиши кўнглимни саратонга дўндиридим.

Ўтиравадим тут тагида тутошиб,
Бир бола келётири ҳадидан ошиб,
Оёгина гулли этик ярашиб,
Тентираб ќетмагай, йўлдан адашиб.

ЗАГС

ЗАГСга бораман сўзим битгунча,
Тортишаман муддаомга етгунча.
ЗАГС ёнида сўзим билиб сўзлиман,
Севганим келганча йўлин кўзлиман.

ЗАГСдан ўтаман севганим билан,
Бирликда яшайман шу ёрим билан.
ЗАГС ёнида мақсадимни айтаман,
Ёрим билан қўл тутишиб қайтаман.

МЕҲРИМНИ БЕРИБМАН ҚОРА КЎЗ ЕРА

Қўлида даста гул, бораётир исказ,
Остинда отини қамчилаб, қистаб,
Ўтади-кетади эшигим ёнлаб,
Үйларга кирмайди ёрини истаб.

Чиқаман, қарайман боғ орқасина,
Булбулни қўндирисан гул шохасина,
Бир гапни айтвадим ёр акасина,
Жонимни берайин деб укасина.

Кизил гүлни экасизу кетасиз,
Орасинна ўтлар битса нетасиз?
Орасина ўтлар битса, боғ бўлар,
Боқقا кирган ёринг кўнгли чоғ бўлар.

Гулоб иси галар санинг танингдан,
Кетолмайман, ёrim, сани ёнингдан,
Ман ўргулав лабингдаги холингдан,
Мен сени севаман ортиқ жонимдан.

Баландда турибсан, қўлим етмиди,
Сенда бўлаклара кўнглим кетмиди,
Ман айланай элатингдан, ўзингдан,
Элатинг чевари сенга етдими.

Девола суюниб қиблага боқма,
Лабинг қимирлатиб, қошингни қоқма.
Қуруқ экан ҳамма айтган гапларинг,
Қўлингдан келмаса севгингни айтма.

Тегирмона борсам, алимда корсон,
Шу ёримнинг болу бодомин есам,
Ман ҳам муродима етдим дегайман,
Бир ҳонада яшаб, давронлар сурсам.

ЁР КЕЛСИН

Тошсоқадан ёп ёриган ёр келсин,
Ёр кўришга бўлганда хумор келсин,
Хумор бўйларидан жоним айлансин,
Тўй бўлар, ёр айтиб «гулёр» келсин.

Гул лолалар оёғига поёндоэз,
Бўйларига бўлдим интизор, келсин,
Бирга яшаб давру даврон сурайлик,
Кўзим бўлди бир кўришга зор, келсин.

Қовун пишди, анжир уздим аzonда,
Боли қочмай, шираси бисёр, келсин.
Ташна бўлса сув ўрнида тутайин,
Лабим бўлсин ташналикка кор, келсин.

Мин демакка ўнг қўлида даст олио,
Аравада севган азиз ёр келсин,
Шу саломни юборади Бикаси,
Икки юзи олмаю анор келсин.

БУЛБУЛИНГ СЕНИКИ, ГУЛИМ, КАМОЛ ТОП

Ўчрашган чоғингдан севибман сени,
Ишқингда девона қилмасанг мени,
Иккимиз бир билсак дилни, севгини,
Булбулинг сеники, гулим, камол топ.

Мактубинг олганда дилим шод бўлди,
Шод бўлган бу дилим қасамёд қилди,
Улгунча булбулинг сен билан бўлди,
Булбулинг сеники, гулим, камол топ.

Ука деб айтганим хафа қилмасин,
Севгилим, ғам билан юрак тўлмасин,
Булбулни гулидан жудо қилмасин,
Булбулинг сеники, гулим, камол топ.

ГУЛИНГНИ БЕГОНА АЙЛАМА, БУЛБУЛ

Сен билан танишган гўзал гулбоғлар,
Ёдима тушади учрашган чоғлар,
Билмайман, йўлингни яна ким боғлар,
Гулингни бегона айлама, булбул.

Ука деб ўргандинг, аввалдан кўриб,
Ўзимни унутдим ишқингда куйиб,
Ёлқинсиз куйдирдинг, кўрганда кулиб,
Гулингни бегона айлама, булбул.

Булбул истар экан гулга қўнғонни,
Укангиз булбулдан баттар бўлғонди,
Бу ёзган хатимнинг йўқдир ёлғони,
Гулингни бегона айлама, булбул.

Таърифинг ёзарга бу мактубим оз,
Сен ҳам мактубингни очиқ қилиб ёз,
Бу сенга илтимос, ўйланма, деб ноз,
Гулингни бегона айлама, булбул.

ҚУЧОФИНГГА ТУТАЙ ҚУШДАСТА ГУЛЛАР

Тахяңгизни айлантириб кийсангиз,
Айланганда бизлар ёнга келсангиз,
Ваъдангизни юрт олдида бажариб,
Кошки шунда:— Сени севдим,— десангиз.

Эзигимнинг олди ранг-баранг гуллар,
Юрагимнинг жўшқин вақти шу кунлар,
Пахта планини илдам бажарсанг,
Қучорингга тутай қўшдаста гуллар.

Табелчи ҳам ўрта чедда турса экан,
Бизнинг билан бирга кетмон урса экан,
Ҳар келганда бизга қараб тургунча
Тўйни қилиб, севиб ола қолса экан.

Қизил гулни узиб ёрга ол, дедим,
Гул боримда меҳмон бўлиб қол, дедим,
Гул богимда меҳмон бўлиб қолмасанг,
Гул ёрингга чин кўнглингни сол, дедим.

Қизил гуллар териб ёрга кел, дедим,
Баёзингни бирга олиб кел, дедим,
Софинганда юрак тафтин босишга,
Суратингни ёнга солиб кел, дедим.

* * *

Ҳовуз бўйида бир гул,
Гул бўлса ҳам қизил гул,
Қизил гулнинг ошири
Ҳамиша шайдо булбул.

Ҳовуз бўйида челак,
Ёрга етишмоқ тилак,
Икки кўнгил бир бўлса,
Совчи деган не керак?!

Ҳовуз бўйида ўзим,
Келавер, қора кўзим,
Сени кўрган ғонимда
Қизаради гул юзим.

Ҳовуз бўйида чакар¹,
Ёримни тили шакар,
Бирга ишлайман десанг,
Келишингдан бер ҳабар.

Қийим кўрки хонатлас,
Ииртилса ямаб бўлмас,
Яхши кўрган ёрининг
Тикилиб қараб бўлмас.

Томга ёйдим олача,
Олача гули парча,
Мен ёримни севаман
Танда жоним борича.

Эгнимда бор елвагай,
Этаги ерга тегмагай,
Икки юрак бир бўлса,
Айрилиқни кўрамагай.

* * *

Эгнимда куйлагим тиззамдан менинг,
Биринчи ишчилар изимда менинг,
Бахтим очилади топсам тенгимни,
Энди ихтиёrim ўзимда менинг.

Еканликнинг орасидан қарайман,
Қамбағалнинг боласини танийман,
Қамбағалнинг боласига бермаса,
Уйга кириб хуни-гирён йиғлайман.

Қўлимда юзигим болдоғи сори,
Шу кунлар бўлибман ёримнинг зори,
Ёримдан айрилиб азобга қўйган
Кишига бергайлар маргумуш дори.

Вақтимиз хуш, бахтиёrmиз дунёда,
Биздан икки фарзанд келди дунёга,
Юзимиз тушмади ҳеч бир фарёда,
Бу дунёни берганлардан айланай.

Қизил гул экканинг хирмони бўлмас,
Яхшига борганинг армони бўлмас,

¹ Чакар — қудуқдан сув оладиган чеълак,

Яхши ёринг қанча сўз сўзласа ҳам,
У айтган сўзларнинг ёмони бўлмас,

Меҳнат этсам пул бўлади, онажон,
Бошим тўла гул бўлади, онажон,
Шовотликнинг ман-ман деган йигити
Кўрганида тик туради, онажон.

Идоранг олдига боргим келади,
Эсган шомолингда тургим келади,
Қора кўз, мўйловли, чиройли бола,
Сен билан сайр этиб юргим келади.

Қора сочим яғринимни қуршайди,
Ёрнинг кўзи ўз кўзимга ўхшайди,
Трактор рулини тутган шу йигит
Мени ёқсан севар ёrim ўхшайди.

Қизил гулнинг очилганин термадим,
Шу болани кетаринда кўрмадим,
Омон бориб соғ келгайсиз демадим,
Мен кимнинг ҳайрони шунинг ҳайрони.
Қараб кетган қора кўзининг ҳайрони.

Олмани айириб оқ этсаммикан,
Ёрнинг эшигини боғ этсаммикан,
Севиб олган севгиликли ёrimни
Қўлидан қайириб доғ этсаммикан.

Қизил гулнинг донасиман, онажон,
Айвонингнинг ўрасиман¹, онажон,
Уч қизингнинг сарасиман, онажон,
Ҳар дардингнинг давосиман, онажон.

Айланмадан айлангунча қарайман,
Ич куйлагим садафуни санайман,
Ваъда берган жойларингда турмасанг,
Иzlaringdan фонус ёкиб қарайман.

Ойнавандда сақлашади капитари,
Киссасида студентлик дафтари,
Кетажакда айтиб кетган гаплари
Ёдима тушганда ёнавераман.

¹ Ура — устун.

Қулоғимда олтин сирға турмайды,
Бола, сенга сира күнглим урмайды,
Күнглим урган билан, қора күз бола,
Опанг ёмон, сенда хотин турмайды.

Амударё түлқин бериб тошади,
Мен ҳам шунга қараб тошмасам бўлмас,
Мадали кўйлакни кийиб солланиб,
Моторчи болани ёқмасам бўлмас.

Номозшомда учган булбул ҳоримас,
Ошиғига борган өдам қаримас,
Онажон-онажон, несин сўрайсан,
Мен ҳам ошиғимга бормасам бўлмас.

Үтирганим қизил гулнинг ораси,
Севажаким комсомолнинг аъзоси,
ЗАГСга боргандা мени нетарлар,
Шу севган ёрима мени қўшарлар.

Қовуннинг яххиси шакарпорадир,
Қизларнинг яххиси қоши қорадир,
Ким айниса ёра берган сўзидан,
То ўлгунча юрак-багри ёрадир.

Қарай-қарай эгри бўлди бўйнимиз,
Сиз кетгали йўлда икки кўзимиз,
Иккимиз ҳам ўғрин-тўғрин ўйнаймиз,
Қачон бўлар экан бизни тўйнимиз.

* * *

Олмани бир тишладим,
Теварагин кумушладим,
Сафарга кетган ёрга
Кўшиқлар баишладим.

Олманинг нозиклигидан
Кўринади донаси,
Иккимизни кўрмасин-ей
Шу қишлоқнинг боласи.

* * *

Орқа ёндан келишингга бандаман,
Суратингни ясай олмай дарддаман,
Суратингни бир одамга ясатсан,
Қошинг билан қопғонгга боқаман.

Сарҳовуз бўйига сарсалар мени,
Ўзим севган ёрга берсалар мени.
Бошимға осибман қора паримни,
ЗАГС идорасидан топдим ёrimни.

* * *

Тошин узоққа отманг,
Отсангиз ҳам йўқотманг,
Менинг ёзган шеъримни
Ииртиб оловга ёқманг.

Олмабоғнинг аниридан,
Кун кўринмас каноридан,
Ҳар ким айрилса ёридан,
Боллар ўтмас томоғидан.

* * *

Қўлимда юзигим болдағи сори,
Шу қунлар бўлибман болани зори,
Болани уйлари уйнининг ёни,
Кўрсам қолмас юрагимнинг армони.

Дарёлар бўйида қўйсалар мени,
Ўз севган ёримга берсалар мени,
Ўзимнинг сезганим ўқишга кетди,
Ўқишдан келганча қўйсалар мени.

* * *

Баланддан тушиб келдим,
Кўринди қўйнинг изи,
Кўнглимни олиб кетди,
Шу қишлоқнинг бир қизи.

* * *

Қибла ёна чиқиб туравераман,
Бахмал костюима оро бераман,
Айтаверманг шу боланинг исмини,
Ёдима тушганда ёнавераман.

Идоранинг чап ёнида чой ўчоқ,
Опберган қўчқоринг емайди пўчоқ,
Опберган қўчқоринг емаса пўчоқ,
Идорага кириб урайлик пичоқ.

Идоранинг ўралари паст экан,
Олтинчининг табелчиси ёш экан.
Ўн олтида, ўн еттида бўлсакан,
Ота-онам шу болага берсакан.

Табелчи, табелчи, ҳорма табелчи,
Хат ёзмоққа қалам борми табелчи,
Идорадан ҳориб-толиб келганда,
Ўйнамоққа ёринг борми табелчи.

Ёмғуллар ёғади қозонсиз қайнаб,
Мен сени севибман ўбадан сайлаб,
Нозик белларингга тасмалар боғлаб,
Энди қолар бўлдим изингда йиглаб.

Узун-узун солмалардан ҳатлайман,
Узу куни идорага қатнайман,
Идоранинг орқасида боги бор,
Табелчининг юрагида доғи бор.

Эрта билан суюнаман дарахтга,
Бурма кўйлак ярашади билакқа,
Ерим ёндан эсиблар келган шамол
Фарқ этади ёниб турган юракка.

Шеър ёзиб кўнглимни берганим билан,
Кўнглим сиздан тўяр кунлар бормикан,
Иzzат-икром билан узатган чойни
Мурод қилиб ичар кунлар бормикан.

* * *

Богингизда олича,
Ўйингизда ғолича,
Сизнинг билан боришсам,
То қувватим борича.

* * *

Бир бола келаётир ўзини безаб,
Эгнида желетка, тиззадан садаф.
Сен юрибсан оқ қофозни дафтар деб,
Мен юрибман бахмал камзул опбер деб.

Соатим занжири ўтди билакка,
Ишқинг ўти ўтиб кетди юракка,
Ер ёнидан эсганида шамоллар,
Таъсир этармикан ёнган юракка.

Мотоциклингга кўпинча минсам,
Азонда кетгандан номозшом келсам,
Мен ўлибман бир одамга билдирсам,
Вафосиз денг сиздан ўзгани десам.

Бораман-келаман ёпнинг рошидан,
Оёғим кўқарди жиғлим тошидан,
Кўкарса кўкарсинг жиғли тошидан,
Менга раҳми келса бўлди ёшидан.

Идоранинг ойналари қақшагай,
Идорада ёшуллилар яшагай,
Шерози попоқни чеккага қўйиб,
Ёзган хати салом хатга ўқшагай.

Улли йўлдан келишингдан айлапай,
Қизил отни менишингдан айланай,
Шерози попоқни чеккада қўйиб,
Бир қиймириб кулишингдан айланай.

Тегирмондан келаётирман, унум бор,
Шу боланинг буғдоидан йўлим бор,
Энди бордим шу боланинг уйига,
Энди шундан бошқа менинг кимим бор.

Парим бор бошимда, ҳулп-ҳулп этади,
Қўчага бир бола келиб кетади,
Келиб-кетганининг зиёни йўқдир,
Орадан душманлар гумон этади.

Учак учакка боқади,
Елкамни шамол қоқади,

Шу колхозда бир бола бор,
Бай-бай, ичимни ёқади.

Бошимда рўмолим майдагуллари,
Бошим айлантириди сужи¹ диллари,
Бай-бай, шу боланинг алдаганлари,
Ёдимдан чиқмайди зорлангаилари.

Оға деб, оға деб айтмиман сизга,
Бир кўргандан ошиқман ўзингга.
Оқшоми юраман ойлар ботгунча,
Ётиб уйқум келмас тонглар отгунча.

Бозорга борсангиз йўлинигиз бўлгай,
Ун икки олмага қўйинингиз тўлгай,
Бириичи савдонгиз кўк матир бўлгай,
Кўк матир бўлмаса савдонгиз қургай.

Қора чўгирмангнинг жингаласидан,
Ўйинги танийман қунгирасидан,
Айтган саломимни ёра етказган
Ман айланай ёрнинг шу синглисидан.

Қизил гул деганинг хирмон эмасми,
Қиз бола деганинг меҳмон эмасми,
Отасининг уйндаги даврони
Ўзганинг уйида армон эмасми.

Олтии тос тахямни² аяб кияман,
Ҳар кун чорак ерга кетмон ураман,
Ҳар кун чорак ерга кетмон урмасам,
Кечалари мен уйқуни қўяман.

Азон билан туриб ойга қарадим,
Ўтганлардан бирин-бирин сўрадим,
Ўтган-кечган тўғри жавоб бермаса,
Уйга кириб хуни гирён йигладим.

Алимда кетмоним, белимда лосим,
Шу болага кетди менинг ҳавасим,
Уша бола мени оларман бўлса,
Оқ шоҳидан менга кўйлаклик олсий.

¹ С у ж и — чупук.

² Теварагига олтиндан сув бериб ишланган беъзази, хотин-қиз-дар баш кийими.

Бизнинг бола сариқ попоқ кияди,
Тўғри келиб складга киради,
Складда у биронни севади,
Бирон ўлгай, ёр ўзима қолади.

Қалъадан чиқади қадоғли арва,
Ичинда ўйнайди табелчи бола.
Табелчи боланинг рангларин сори,
Рангининг сориси ошиқнинг зори.

Кўп киши тушган изимга,
Ишонма улар сўзига.
Ишонсанг улар сўзига,
Боқа билмайсан юзимга.

Солмани бўйинда учади сулгун,¹
Ёримнинг рўмоли рангларин гулгун,
Асли бевафога берманглар кўнгил,
Багрингни қоң этиб кегади бир кун.

Қоромон ёғочин ёнори бўлмас,
Енсада ўтининг хумори бўлмас,
Кишининг ёрига берманглар меҳр,
Ўзингнинг ёриндан поени бўлмас.

Матиримни сочоқлари қоплама,
Мени десанг қалъя ёна қатиама,
Мени демай қалъя ёна қатнасанг,
Киссангдаги хатларнинг нийҳолама.

Богингда очилган қизил гулларинг,
Узумни сувидай ширин тилларинг,
Жонимни олади қора кўзларинг,
Таъзим билан тез жавоб бер сўзимга.

Пахталар тераман яккалар ўзим,
Хорма деб келмайди шул қора кўзим,
Хорма деб келмаса шул қора кўзим,
Ундан ҳам яхшини топаман ўзим.

Юринг қизлар тош қуйини қазали,
Балиқ эти қўй этидан мазали,

¹ Сулгун — тустовуқ.

Ернинг ваъда бериб кетган бозори,
Кетган ёр айланиб келмас бўларми?

Ёп бўйнида шо терак
Шорлаб турганга ўхшайди,
Шоҳасинда бир йигит
Йиғлаб турганга ўхшайди.

Йиғласа зор йиғласин,
Арзини айтиб йиғласин,
Энди биздан умид йўқ,
Белини маҳкам боғласин.

Бедана сайраса тебранар қафас,
Камзулчанг юрмагин ўтади аёз.
Камзулнинг ичидагин билғим,
Ёдима тушганда ёнди юрагим.

Қўзингдан айланай, кулдираверма,
Изингда мунчалик ўлдираверма,
Иккимизни айтадилар ошиқ деб,
Душманга сирингни билдираверма.

Қизил гулини экдим қизлар кўрсени дёб,
Ҳар шоҳаси юз минг алвон бўлсен деб.
Қизил гулни эксанг битар нор билан,
Соясида юрсанг севар ёр билан.

Қизил гулни экарсан-да кетарсан,
Ўртада сув ўти битса нетарсан,
Сув ўтини ўтайман деб турганда,
Тиззангизга тикан кирса нетарсан.

Бўғатини ёғса эримайди қор,
Ҳар куни кўрса-да танимайди ёр,
Танимаса танимасин севар ёр,
Жонимиз соғ бўлса, бизларга ёлвор.

Сувга қаранг, айланч-айланч оқади,
Ёрга қаранг, деразадан боқади,
Ериммидинг деразадан боқмоққа,
Жиннимидим ички сирим айтмоққа.

Эшигингни олди супади, толди,
Сувага суюниб қаради қолди,

Боку рўмол қолса кўр бўлсин эди,
Қора кўз ёр қолиб не аҳвол бўлди.

Улли йўлдан келишингдан айланай,
Мотоциклни минишиягдан айланай,
Шерози попоқни чеккангга қўйиб,
Гулум, ҳорма, дейишингдан айланай.

Эшигимнинг олди сояли тандир,
Бир замон ўтириб меҳрингни қондир,
Бир замон ўтириб меҳринг қонмаса,
Отангни юбориб жавобим олдир.

Адрес тўнни кийиб қелсам бўлмими,
Жияклари чига¹ тегса сўлмими,
Үй ортинда итдан қўрқиб тургунча,
Янгаларга хабар берсанг бўлмими?!

Отажон-отажон, қизинг бўлмайман,
Ёт ерларга берсанг рози бўлмайман,
Ёт элларнинг боги билан боғчасин
Уз элимнинг ёнтоғича кўрмайман.

Оға бола мийган отинг чин қора,
Оғам бўлсанг иккимизга тенг қара,
Отиздаги юрган қоракўз бола,
Шапкаларни эгри қўйиб, бир қара.

Айеонингга тўл экаман кўлчалаб,
Гулларингга сув сепаман тунчалаб²,
Бизни ёр ҳам кетаверди ўпкалаб,
Яна келар ёш боладай эркалаб.

Савутнинг³ сояси, сувнинг тинифи,
Менинг бир ёрим бор ойнинг синифи,
Ери йўқ деб айб этманг чиқонлар,
Қоши кўзи рўмолининг қийиги.

Бошима согганим энлай дакана,
Ошиқмай деганинг ёлгон экан-а,
Мен юрибман ёлгон сўзни ростми деб,
Ростни сўзламабсан менга биргина.

¹ Чиг — шабнам.

² Тунча — чойдиш.

³ Савут — тол.

Анжирнинг сояси сувга тушибди,
Сөлеинда тўқиз олма пишибди,
Кошкি шу боланинг уйини билсан,
Майнинг ишким шу болага тушибди.

Бир йилдир кўрмадим, це кечди ҳолинг,
Қўнглингга келмасин, севикли ёрим,
Зор бўлдим кўришга лабларда болим,
Не кечди мен йўқда, ёр, сенинг ҳолинг.

* * *

Сой бўйинда соябон,
Сояси ҳам бормикан,
Келаётган «Волга»да
Менинг ёрим бормикан!?

Аввалдан қолган экан
Ониқлар бўлиб юрмоқ,
Келинг, ёрим, ўйнайлик.
Энди йўқ ҳараб турмоқ.

Эшигингдан мен ўтаман
Гул боғдан гул териш учун,
Гулни териш бир баҳона,
Ой юзвигни кўриш учун.

* * *

Бир тут едим айвонингда тутингдан,
Мен айлацай товлаб қўйган буртингдан,
Езган хатларимга жавоб бермасанг,
Қувдираман Хонҷа деган юртимдан.

* * *

Қўйлагимнинг енгидан
Қўринади билагим,
Сиз ёр эсга тўшганда
Жўшар менинг юрагим.

Бодом экинб боғ этдим,
Пахта териб тоғ этдим,
Ёр йўлига кўз тутдим,
Келмади, қонлар ютдим.

Алимда юзигим балдоғи сори,
Ерімнинг уйлари идора ёни,
Шу кунлар бўлибман шу ёрнинг зори,
Чақираверинг, чиқон, қора болани.

Кўлімда узугим кумуш этаман,
Сен ўқиша кетсанг, мен нишатаман,
Ўқишиларга кетиб хатлар ёзмасанг,
Кетган ерларнингта ман ҳам кетаман.

Соатнинг занжири ботди билакка,
Айрилиқнинг ўти тушди юракка,
Орқа ёпдан кучли шамол турибди,
Аммо фойда этмас ёнгай юракка.

Қора костюмингни кийиб келдингми,
Менинг соринганим билаб келдингми,
Сенга буюрганим бир шоҳи куйлак,
Сўзи синмасин деб олиб келдингми?!

Қўлимда узугим бурмасанг-а, ёр,
Бурилиб кўчада турмасанг-а, ёр,
Мен бир ёлғончининг ёнгай гариби,
Яшил тутунимда турмасанг-а, ёр.

Икки тасма қайиш белига етар,
Қараган кўзлари жонимдан ўтар,
Сенинг ишқиниг мени ишқимдан бадтар,
Сенинг ишқиниг мени девона этар.

Эшикнинг ўнгидан ёреин солмасин¹
Сув билан юборинг қизил олмасин,
Мени келади деб йўлда турмасин,
Келажак-кељмажатим алла гўмона.

Ховлининг устига қамиш битмагай,
Бу уйлара келган давлат қайтмагай,
Келмай-кељмай бир қелвадик элингга,
Тўққиз оқшомгача тонглар отмагай.

Бошимни ўрадим рўмолим билан,
Мени қўйиб, ошна бўлдинг ким билан,
Ошиқ бўлсанг қошнингни қоқ им билан,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

Қизил гул деганинг битмас ҳар ерда,
Шоҳаси осмонда, туплари ерда,
Дуторга соз берган ўн икки парда,
Мен айланай, дуторингдан, ўзингдан.

Эшигингдан ўтиб кетдим ой бўлиб,
Этнингга ёпишаман лой бўлиб,
Иккимиз ҳам бир кўйлакда жой бўлиб.
Мен айланай қошинг билан кўзингдан.

Пахтазорда куйлаб, қўшиқ айтаман;
Айтиб-айтиб чуқур ўйга ботаман,
Кечалар уйқусиз қараб ётаман,
Ишқ ўтида мен жонимия согаман.

Анжирнинг тубига узум сопаман,¹
Мен ўзим уч кун бўлди хафаман,
Жонингдан айланай жоним онажон,
Яхши кўрган ёrim иердан топаман.

Чархим қургай айланади бод билан,
Мени ёrim ошна бўлди ёт билан,
Ошина бўлса бўлаверсин ёт билан,
Олдирамиз икки энлик хат билан.

Лампочканинг ёстиғи
Айвонимга нур сочар,
Шу ёқقا менинг кўнглим
Тутқич бермасдан қочар.

Икки костюм олдим, иккисам қора,
Бириси ўзимга, бириси ёра,
Яхши қилиб тикинг, машинчи хола,
Костюмни кияжак бир врач бола.

Азон билан чиқдим жида қатора,
Овозимни қўшиб айтдим дутора,
Мени мафтун этган студент бола,
Сочингни қайтариб менга бир қара.

¹ Сопаман — пайданд қиласман.

Машинани миниб Урганч борамиз.
Келиди-ку яҳши кўрган боламиз.
Келмаса шу яҳши кўрган боламиз,
Хат ёздириб чақиртириб оламиз.

Рангимнинг сориси гулнинг сориси,
Тўйга бўлсин ёрнинг эккан шолиси,
Олии тутиб айтмоққа мен уялдим,
Соғлар бўленин йигитларнинг бариси.

Соллана-соллана сувга бораман,
Гапга тутма бола, кеча қоламан.
Қишидаги кўнглингни ёзда оламан,
Бу замонда севганимга бораман.

Идора олдида бир қатор узум,
Идора олдида яшиайди кўзим,
Идора олдида кўрмасам шунн,
Кино баҳонадир, бораман ўзим.

Учакка чиқма деб неча айтаман,
Оёғингни чот¹ ёрап деб қўрқаман,
Агар оёғингни чот ёра қолса,
Сени бориб доктор қизга айтаман.

Севган ёрининг чиқар отни ўйнатиб,
Ўйга кирсанг, чой бераман қайнатиб,
Ўйга кирсанг, чой бермасам қайнатиб,
Ўй тўридан жой бераман ўйнатиб.

Кетмон урсанг қаттиқ ерлар бўш бўлар,
Ёрни кўрсам, менинг вақтим хуш бўлар,
Кўрмай-кўрмай бир ҳафтада бир кўрсам,
Вақти-вақти айланмада, дуч бўлар.

Олма боғни отиб бўлмас,
Соясида ётиб бўлмас,
Яҳши кўрган севар ёрга
Ёмон гаплар айтиб бўлмас.

Қарала, қарала, қарала ёrim,
Юринг магазинга ёрали ёrim,
Сенга коверкотдан, менга помбарҳдан,
Тез юринг, кийимлик олайли, ёrim.

¹ Чот — бу ерда тикан маъносида.

Урганч деганлари бир катта қалъа,
Изимга тушибди қора кўз бола,
Тушма, қўй, изимга қора кўз бола,
Ўзимнинг ёрим бор кўйлаги қора.

Идора тагига қўяман рўяш¹,
Оғзингдан ўпаман, сасина уён,
Айтадилар иккимизни ошиқ деб,
Районда бормикан бизлардай бўлган.

Хат ёзаман ўнг қўлимда қаламим,
Ёрга етгай бу соғинчли саломим,
Ёрга етса шу соғинчли саломим,
Кечалар тушимда кундуз ўйимда.

* * *

Юрдим дарё гезига,
Учрадим ёр ўзига,
Уч кечаю-уч кундуз,
Тўймадим ёр сўзига.

Рўмолингиз кир экан,
Ювганингиз йўқ экан,
Мен сизга ошна бўлсам,
Билганингиз йўқ экан.

Рубобни чололмайман,
Қўлимни ололмайман,
Ёмон ёрнинг дастидан
Тўйларга боролмайман.

* * *

Чой бердим деб, қўй, қарама юзимга,
Жовдираб боқаман қора кўзингга,
Камзулингга осиб қўйган уч садаф
Ойна бўлиб кўринади кўзимга.

Анов гулим, бу гулимга боқади,
Орамиздан Амударё оқади,
Нариёғида юрган бизни севар ёр
Қошин қоқиб, ичгинамни ёқади.

¹ Рўяш — ўсимлик номи.

Эгнингда костюминг садафи сакииз,
Ҳафтада, ўн кундан тезроқ келгайсиз,
Қора кўзим соғ-саломат дегайсиз,
Бир келганда шоҳи кўйлак бергайсиз.

Сочимни юваман, ўравераман,
Идора ўнгига соя бераман.
Қора кўзим ўтаверса шу ердан
Мен шуни кўрганда ёнавераман.

* * *

Оқ қоғоздай ёлтирас
Тоза ёр тутган киши,
Сув қоғаздай қалтирас
Еридан айрилган киши.

* * *

Сарҳовуз бўйинда бир туп қоромон,
Қачон бўлса шу йигитга бораман,
Ётган пайтларимда ёдимга тушса,
Ухлай олмай оҳлар уриб тураман.

Шоҳи рўмолимни шамол олибди,
Шамол қурғай уни олиб қолибди,
Айёр экан шу ўрамни қизлари,
Яхши ёрни ёмон йўлга солибди.

Отингни қамчиси бурмадан бурма,
Отингни тўхтатиб йўлларда турма,
Отинг айтар эгам нодон экана,
Бегона ёр учун бўйингни бурма.

Эгнингга кийганинг алвант, айланай,
Яхшилик гапларни ўргат, айланай,
Яхшилик гапларни ўргата қолсанг,
Еяжакиниг ширин новвот, айланай.

Олти сирға олиб берсам тақмайсан,
Кўнглим учун бир қайрилиб боқмайсан,
Формам келишган деб асло ўйлама,
Мендан бошқа ҳеч кимларга ёқмайсан.

Чиқиб қаранг, келган севар ёрмикан,
Еноқлари олма, юзи нормикан,
Келган йигит чиндан севар ёр бўлса,
Аввал сўранг ваъдасида бормикан.

Дарёлар бўйида моторлар қатор.
Моторлар занжири сувларга ботар,
Бизлардан айрилиб кетган оғамниш
Узоқ юртда ишлаб, тонглари отар.

Менинг отим яхши сенинг отингдан,
Сени кўриб, иргиб турдим жойимдан,
Агар сен боланинг келаринг билсан,
Қўймасмидим оқшом егаң пойимдан.

Қизил гул очилур тераним сайин,
Ёр беқарор бўлар кўрганим сайин,
Еринимни қуршаб, соchlарим ўсар,
Долчувуқдай тутиб ўрганим сайин.

* * *

Хоразмнинг йўллари,
Пиёланинг гуллари,
Ўйнамоққа ярашар
Ергинамнинг бўйлари.

* * *

Йўл билан бораман йўринжা териб,
Йўлларга сифмайман ёримни кўриб,
Ёрим келиб мендан аҳвол сўраса,
Қувониб-қувониб кетаман эриб.

Қора костюмингнинг пеши қайрилмас,
Қора кўзли бола биздан айрилмас,
Помбарҳ кўйлаклардан олиб қўй менга,
Ўқишни битказиб бораман сенга.

Қора чўгирмангнинг тепаси пўрим,
Икки оғиз сўзласам йўлимда туринг,
Ҳар сўзимдан боллар томиб турмаса,
На боис сўзласам оғзимга уринг,

Сув тагида сув ўтининг долиман,
Ўзинг билсанг сен боланинг ёриман,
Ҳаммалар айтади айрил-айрил деб,
Менинг ўзим шунинг интизориман.

Кизил гул очилар терганим сайин,
Мурода етарман кўрганим сайин,
Мен бўлмасдан сенинг ёринг қўм бўлсин,
Ёшлидан меҳримни берганим сайин.

Костюмлар киясиз иккидан-учдан,
Душман гапи билан кечдингиз биздан,
Душман гапи билан кечсангиз биздан,
Биз сира кечмаймиз, қора кўз, сиздан.

Орқаёнининг аёзидан дузмайман,
Бола саннан умидимни узмайман,
Дунёда яхши кўп, асло қизмайман,
Ваъда бердинг, ваъдамизни бузмайман.

Тошовузнинг тўрт томони ўрали,
Отпускага келган ёрни кўрали,
Умид билан буорганим крепдешин,
Қатини оч, гулларини кўрали.

Шовотининг бўйлари шохлама терак,
Мен сизга буордим кўк шоҳи кўйлак.
Ойлик олайнин деб этасиз миннат,
Этманг миннатингиз, киймайман кўйлак.

Эгнимда кўйлагим дўнаверади,
Изимда душманлар ўлаверади,
Шунчалик мен билдирамайман десам ҳам,
Оёқ билишимдан билаверади.

Идоранинг ойналари қақшиди,
Идорада менинг оғам яхшиди,
Шавкасини устал устинда қўйиб,
Езган хати салом хатга ўхшайди.

Сара отнинг сарасини мингайсиз,
Ёқаси қундузли пальто кийгайсиз,
Ҳеч кимни демасман сизни дерадин,
Илойим бахтимга сиз ўлмагайсиз

Сув тагида йилтиради бир илон,
Топмадингми қофоз билан бир қалам,
Топа олсанг қофоз билан бир қалам,
Езмасмидинг бизга дуои салом.

Бир бола келаётир ойга муносиб,
Мотоциклига қизил гул осиб,
Бўйлари бор бўйларимга муносиб,
Муносиб бўйнингга бўлайин насиб.

Билагузук соламан енглар учидан,
Совчилар келибди эллар ичидан,
Отам мени шу келганга бермаса,
Фоз бўлиб учаман кўллар ичидан.

Шойи рўмолимнинг шайдо гуллари,
Мана шу боланинг ширин тияллари,
Кўзимга тўтиё босган излари,
Едимдан чиқмайди айтган сўзлари.

Қара десам, қарамайсанми, ёрим,
Холинг не деб сўрамайсанми, ёрим.
Кўрган ерда совуқ-салқи гап айтиб
Бизларни ё хоҳламайсанми, ёрим.

Эшигимнинг олди мачит, мадраса,
Истаганда ёрининг ёнингга келса,
Отасига худо дил-забон берса,
Бор болам ёригни кўриб кел, деса.

Кўлимни узатдим балхи тутлара,
Кетма деб йиғладим узоқ юртлара,
Кетдинг мени ташлаб ишқининг ўтига,
Ишқинги ўтидан сийнамда яра.

Кўлимда узугим уч айланади,
Расмингни кўриб ичим ёнади.
Суратингни чамадонда сақлайман,
Хат ёссангиз, оқ қофозни оқлайман.

Қизил гул очилар ҳовузга қараб,
Сочимни тарайман ойнага қараб,
Аввал ўтиравдим отамини сийлаб,
Энди ўтирмайман баҳтимни бойлаб.

Учакка чиқвадим зирагим осиб,
Бир бола келаётир бизга муносиб,
Ҳар ён чеккасига нозвойгул осиб,
Нозли бола нозвой гулинг бер энди.

Ўтиришинг кўринади ойнадан,
Икки юзинг қизил экан олмадан.
Олма десам, юзларингни нори бор,
Ёрим десам, ёнбошингда ёринг бор.

Атлас кўйлак кийдим, боғин бойлайман,
Сизга ваъда бердим, сўнгин ўйлайман,
Ёр ваъдаси қийин экан, дўстларим,
Дарёга ташладим бўйин бўйламай.

Айвонимга экдим бир кўлча гулни,
Ичига юбордим шайдо булбулни.
Булбул қурсин мастилигидан сайдари,
Юрак ўтим ўз танимда қайнади.

Ҳайронлар бўламан ўтирсам-турсам,
Элдан уяламан оҳ-фарёд урсам,
Ўзим истаб тегдим, ўзимда айб,
Бошим ерда ота-онамни кўрсам.

Камзулингнинг поровузи сатинди,
Мен кетаман муродингга ет энди,
Мен кетаман Урганчимга-юртимга,
Қўнглингдаги гапни қани айт, энди.

Үрилмаган йўринжалар¹ ўрилди,
Тўрт ой бўлди бола сенга не бўлди.
Тегирмонни тўлқин билан тортаман,
Үрис созга қўшиб талқин айтаман.

* * *

Қўйлагингиз оқ экан,
Суйганингиз йўқ экан,
Ошиқликнинг дардини
Билганингиз йўқ экан.

Стол устида бир гул,
Гул қайриламан дейди,

¹ Йўринжа — беда.

Менда гуноҳ йўқ энди,
Ёр айриламан дейди.

Айвонингнинг усти очиқ,
Ёмғир бўлса бўлар балчиқ,
Мен юрибман қучоқ очиб,
Сен юрибсан мендан қочиб.

Шерст костюми тизиннан,
Қараб қолдим изиннан,
Дунё молим садаға
Жовдираб турган кўзиннан.

* * *

Шоҳи кўйлак киясларим келади,
Шу болага тегасларим келади,
Ота-онам жавобимни бергандা,
Арvasига минасларим келади.

Эгнингда уч костюм бирин берсанг-а,
Ошиқ бўлсанг уйгинама келсанг-а,
Ошиқ бўлиб уйгинамга келмасанг,
Уйнаб-кулиб жавобимни берсанг-а.

Йўлдан ўтса йўл дарпанар бодина,
Олармикан, олмасмикан ёдина,
Агар мени олақолса ёдина,
Үн йил деса ўтираман одина.

Қоромон тагида қараб турвадим,
Қўлимда рўмолим йиғлаб турвадим,
Армиядан бола келди дедилар,
Қора кўз ёrimни сўраб турвадим.

Эшигимни олди биёрамикан¹,
Севар ёр келмоққа уялармикан,
Севар ёр келмай ҳам уялаверса,
Буюрсам помлархлардан олармикан.

Эгнимда кўйлагим гуллари майдা,
Ўтирсам қарорим етмайди уйда,
Қичқирсам овозим етмасдай ерда,
Сен узоқда, мен ҳам сендан узоқда.

Учакка чиқдим, тўп отдим,
Қўл соатимни йўқотдим,
Ўхлаб ётган ёrimни
Танбур чалиб уйғотдим.

¹ Б и ё р а — қовун палак.

Эшигимнинг олди пахсали, толли,
Пахсага суюниб қора кўз қолди,
Қора кўзли, қора паранг бир бола
Ҳам ақлимни олди, ҳам йўлга солди.

Ховузнинг бўйига боравераман,
Ироқи совун билан оро бераман,
Айтаверманг шу боланинг васфини,
Ёдимга тушганда ёнавераман.

Осмонда ой эдӣ ғуборим йўқдир,
Асло бу гаплардан хабарим йўқдир,
Агар бу гаплардан хабарим бўлса,
Мени шу ўбада турарим йўқдир.

Осмонга қарасам ойим туғибди,
Отам мени яшасин деб қўйибди,
Менга гаплар айтма қор кўз бола,
Сендан ҳам яхшига бермай қўйибди.

Тошовузнинг боғи билан бейиги,
Боғида ўйнайди ғозу қийиги,
Киз болани севганига бермаса,
То ўлгунча юрагида куйиги.

Шоҳи кўйлак кийдим эгри тизимдан,
Сен кетганда қараб қолдим изингдан,
Мен мундатиб ўртана жагчим билганда,
Дарров бормасмидим сенинг изингдан.

Сори матирларим тута илинди,
Сенинг кетиб қолганларинг билинди,
Олиб бергандингиз бир сори пўта,
Чиқоролмай чамандонда чириди.

Сочимнинг учига ленталар тақдим,
Отамнинг уйида ривожли вақтим,
Насибам қўшилиб борсам шу уйга,
Юлдузим ярашиб, очилсин баҳтим.

Икки тутни орасидан қарайман,
Машинангни овозидан танийман,
Машинангни сигналлари бўлмаса,
Ишқириб ўт овозингдан танийман,

Рўмолимни манглайимга туюман,
Кўйлак кийсам, қизилидан кияман,
Хураверсин шу ўбанинг итлари,
То ўлгунча сенинг билан юраман.

Тошкент тахянгизга астар бўламан,
Кўлингизда учган калтар бўламан,
Ундан-бундан эши таман хаста деб,
Ўзим хастангизга хўстор бўламан.

* * *

Эсади боғнинг шамоли,
Кўринди ёрнинг жамоли,
Ақли ҳушимни олибди
Чаккасида дона холи.

* * *

Шерози попоқнинг гулин санайман,
Ўқишга ўтганда ёрга қарайман,
Ўқишга ўтганда йўлда бўлмасам,
Кичқириб ўт, овозингдан танийман.

* * *

Уч патир ёпдим зирали,
Бир-биридан ширали,
Юринг боқقا кирали,
Ўлгунча даврон сурали.

* * *

Осмонда ой эдим ойларга келдим,
Ал-юзимни ювиб тўйларга келдим,
Отамни уйида эрка қиз эдим,
Насибам қўшилди бу ерга келдим.

Тоза ёп бўйида уйларинг санинг,
Ёз бўлса очилар гулларинг санинг,
Биласанми ҳеч ерингга қизмайман,
Қамчидай товланган белларинг санинг.

Онам менинг сочим ўриб қўйибди,
Отам мени товлантириб қўйибди,
Кунда-кунда кўчаларга келасан,
Сендан ҳам яхшига бермай қўйибди.

Қатор-қатор ойналардан қарайман,
Санай берма ушоқ танга олмайман,
Ҳар қўлимга ўнлик манат бермасанг,
Танга олди деган отга қолмайман.

Отдими-отдими тонглар отдими,
Оқ бетингга атлас кўрпа ботдими,
Ўн кундац, беш кундан келмаган ёрим,
Хатлари келмайди, хаста ётдими.

Осмонга учирдим чор хўрозимни,
Изидан юбордим хуморвозимни,
Ёрим, мени не гуноҳим бор эди,
Ёрим бўлиб кўтармайсиз нозимни.

Сан ҳам чиқдинг, мен ҳам чиқдим даҳлизга,
Уч олма отвадим тегдими сизга,
Теккан жойларини кўрсатинг бизга,
Врачлар ахтариб кетгали сизга.

Эгнимда кўйлагим тизимдан менинг,
Биринчи ишчилар изимда менинг,
Бахтимга бўлганда отам ҳам онам,
Банканинг пуллари киссамда менинг.

Шу кун ўн кун бўлди жуда хафаман,
Истаган ёримни нердан топаман,
Истаган ёримни топа билмасам,
Қумри қушдай ҳар томонга чопаман.

Эшигингни олди тол бўлса экан,
Толга боғлагудай мол бўлса экан,
Меҳнат қучоғидан ҳориб келганда,
Вақting хушми, деган ёр бўлса экан.

Бошимдаги ҳулпулдаган пар эмас,
Энди сен болага бағрим оғримас,
Энди сен болага бағрим оғриса,
Энди тутжак ёринг мендан сарамас.

Қулоққа солганим ойин ҳалқадир,
Сувга солсанг сув юзида қалқадир,
Ҳаммаларнинг севар ёри келганда,
Менинг севар ёрим жимдан қўрқадур.

Эгнимда кўйлагим йилп-йилп этади,
Шу ерлардан мейнинг ёрим ўтади,
Чиқонларим, қарайверманг қайрилиб,
Уялиб мен ёқца келмай кетади.

Узум боғда мен ёримни ўйлайман,
Уз-ўзимга алла не деб сўзлайман.
Уз-ўзимга алла не деб сўзласам,
Албатта ёримни айтмай қўймайман.

Оға, айвонингиз голиси борми,
Юрагим оғриди дориси борми,
Айтадилар иккимизни ошиқ, деб
Айтинг-чи, ошиқнинг номуси борми!

Еп бўйига чиқдим, алимда челяк,
Орқамда ўйнайди лента жумалак,
Ера буюрганим бир шоҳи кўйлак,
Олиб бермак учун кунда у ҳалак.

* * *

Дўйин-дўкин очилсин,
Йўлингга гул сочилсин,
Сен менинг ёрим бўлсанг,
Кўриб дилим очилсин.

Дуторингни аста черт,
Нозик алинг ҳормасин,
Ошиқликни билиб қил,
Ота-онанг билмасин.

Ховлингда терагингда
Лочин бўлиб ўйнасан,
Кўксингда-юрагингда
Еринг бўлиб ўйнасан.

Ол мани-я, ол мани,
Аравага сол мани,
Аравалар кўтармаса,
Жавобимни бер мани.

Терак барги озода,
Тол баргини ёзади,
Шу кўчанинг йигитин
Кўрсан кўнглим озади.

Олманинг оқидан кўки яхшидир,
Ернинг яқинидан олиси яхшидир,

Яқин бўлиб бемазалик чеккандан,
Олис бўлиб интизорлик яхшидир.

Учакка чиқиб ўтиридим,
Этагим гулга тўлдиридим,
Ёрим келиб олмаган сўнг,
Мен гулларни сўлдиридим.

* * *

Совуқ сув ичвадим, тишимга тегди,
Яхши кўрган ёрим тушимга кирди,
Айтадилар уни бевафо ёр деб,
Бевафо ёр бўлса тушда нишиди.

Эшигимнинг олди тандирдир, ёрим
Ишқида куйдириб ёндириди, ёрим,
Қора чўтирмани чаккада қўйиб,
Үпганда меҳримни қондириди, ёрим.

Қўлимда юзигим бураверасан,
Бурилиб йўлимда тураверасан,
Ўзимни ҳар соддаяликка соясан ҳам,
Юриш-туришимдан билаверасан.

Оқ телпак ичинда рангингиз сори,
Кўрганлар айтади бу кимнинг ёри,
Оғзинда пистаси лабинда коли,
Боғда пишган нор олмадан мазали.

Сув бўйида қайигим бор, кемам бор,
Эртанг чошгоҳ келар деган таъммам бор,
Эртанг чошгоҳ келар вақтдан кечикса,
Үрталиқда ғаразгўйдан гинам бор.

Бошингдаги туморингни бурайми,
Ваъда берган жойларингда турайми,
Ваъда берган жойларигда турмасанг,
Фонус олиб изларингдан борайми.

Эшигингни олди майда қоромон,
Қачон бўяса сен болага бораман,
Оқ-қора қош жирқи қавуш одиб қўй,
Комсомол мажлисга кийиб бораман.

Тахям этагини чалиш этаман,
Сен болани элга таниш этаман,
Энди келсанг мотоцикл миниб кел,
Велосипед минсанг, номус этаман.

Кетмон урсам, кетмонимдан чанг чиқар,
Идорадан икки бола тенг чиқар,
Бириси табелчи, бириси доктор,
Доктор бола табелчидан зўр чиқар.

Ариқ бўйидан йўл бераман юрсангиз,
Бахмал камзул оббераман кийсангиз,
Қиссамда бор печеналар есангиз,
Еб бўлиб ҳам менга раҳмат десангиз,

* * *

Хат ёзаман хатлара,
Олис-олис юртлара,
Агар мени десангиз,
Қўнгил берманг ётлара.

Хат ёзаман олқишилаб,
Теварагини нақшлаб,
Севар ёра бағишилаб,
Омон бориб, соғ келинг.

Иморатга тушар соя,
Саломимни етир ёра,
Кела қолса туғар ойа,
Мең шунда шодумон бўлдим.

Қизил гуллар ғунча-ғунча,
Ёр куйдирма мени мунча,
Ёр куйдирсанг мени мунча,
Үтим ортар икки шунча.

Қизил гуллар дона-дона,
Қадрдоним ота-она,
Ёр изласанг ёр топилар,
Топилмасдир ота-она.

Кетиб борасан, ёrim,
Қачон келасан, ёrim,

Сени келмагинг қийин,
Бир тўйиб қолай, ёрим.

Ёрим ёнимга келса,
Гўлимни қўлга олса,
Қошгинамда ўтириб,
Роҳатланиб бир қулса.

Ёрим уйимга келса,
Ёрим учун не қилай,
Жонимни харид қилиб,
Ёримни меҳмон қилай.

* * *

Бошимизга уч етади пўтамиз,
Шу болага бермасмикан отамиз,
Шу болага берақолса отамиз,
Умримиз ўтгунча раҳмат айтамиз.

Пахта териб юрвадим бир ўзим.
Ёнимга келибди ул қора кўзим.
Циқонларим ёнида уялтирманг,
Ваъда қилган ерга бораман ўзим.

Еримнинг уйлари ёпнинг бўйинда,
Айттирмади синглисинг тўйинда,
Айттирмаса айттирмасин тўйинда,
Жоним қурбон шу боланинг йўлинда.

Эгнимда кўйлагим гуллари майда,
Қора кўз боланинг уйлари нерда,
Қора кўз боланинг уйини сўрсанг,
Қўшкупир томонда, гужумли жойда.

Учакка чиқвадим уйинг кўринди,
Уйингни тагинда бўйинг кўринди.
Мен юрвадим икки кўнгил бирми деб,
Кўнгил бошқалиги энди билинди.

Қизил гул очилар узганинг сайин,
Хастадай бўламан кўрганим сайин,
Сен-сен менинг ширин-шакар дармоним,
Шифолар топаман кўрганим сайин.

Бола келиб-кетди кун эрта маҳали,
Мен сизга дедим-ку қистаманг ҳали,
Ҳозир йигим-терим қизгин маҳали,
План тўлиб, тўй десангиз сўнг майли.

Баланд-баланд учаклардан боришдим,
Конверт билан ғазалларни олинди,
Ҳеч ким билмасин деб яшрин севишидим,
Кечки кузда тўй бошлашга келишидим.

Баланд-баланд бу тоғлардан қор келар,
Белбоини белга боғлаб ёр келар;
Нормасини бажармади деманглар,
Қўпчилик ичиди менга ор келар..

Келавер, жонгинам, кўрасим келди,
Замоним келибди севасим келди,
Атлас кўйлагимни киясим келди,
Тўй қилиб уйингга борасим келди.

Идорада ўлтирибди ўзлари,
Бизга қараб жовдираиди кўзлари,
Оғасина бир гап айтдим юзма-юз,
Ақли бўлса билиб олсин ўзлари.

Олисдан қарасам имлар этади,
Яқинлаб борғанда ишқин айтади,
Иккимизнинг ҳам кўнглимиз бор бўлса,
Колхозимиз катта бир тўй этади.

Ётаман, тураман ўйлар этаман,
Сенинг висолингга қачон этаман,
Машинада териш маррам беш тонна,
План тўлса кейин хабар этаман.

Бир йигитни севдим, тилин билмайман,
Қаердан келибди, ўйин билмайман,
Айтадилар тајрибага келди деб,
Шунинг ҳасратида таом емайман.

Қора сочи ҳулпаридан майдадир,
Суйиб олган суръ ёрим қайдадир,
Суръ ёрим гилам фабрикасида,
Ишлаган жизмати элга фойдадир.

Осмонга қарасам ойлар туғибди,
Ойдай бўлиб менинг ёрим турибди,
Самолёт ҳайдайди кўм-кук ҳавода,
Онаси мунча ҳам ботир туғибди.

Учакка чиқаман тўрт ёғим айвон,
Ҳар ёққа қарасам ҳилпирав алвон,
Байроқ тутган қўлларингдан айланай,
Ҳар бир сўзинг бизнинг жонларга дармон.

Эшигига қарасанг, гужум экилган,
Ости сипирилиб, сувлар сепилган,
Қора сочи манглайига тўкилган,
Келавер, мен сенга келма дедимми?

Елғиз қодганимда тўлиб-тошаман,
Софинганда ёрга қўшиқ қўшаман,
Тошкентга кетганда, ўқиш баҳона,
Айтинг, сизга қачон бошим қўшаман.

Ҳориб келиб, тўйиб-тўйиб сув ичдим,
Яхши кўрган ёрдан бир гап эшидим,
Шодлигимдан ер юзига сифмадим,
Самолётга тушиб осмонга учдим.

Эшикдан ўтади оқ отли бола,
Оқ отнинг устида телпаги қора,
Бир колхозда иккимиз ҳам ишлаймиз,
Онамдан ҳам меҳрибондир шу бола.

Қанорлардан пахталарни бўшатган,
Тушмай туриб повватларни ушатган,
Сизни, бизни озод замон яшатган,
Яша бола, яшаганинг замони.

Шойи рўмолимни ёрга ташладим,
Аввало шу ишни ўзим бошладим,
Бўйингни кўрганда гулдай яшнадим,
Келавер, жонингдан, ўзим айтаман.

Ёримнинг олгани бари ипакдан,
Московдан келтириди шипон кўйлакдан,
Институтни битирмасдан севишдик,
Ишқининг ўти сира чиқмас юракдан.

Эшикдан ўтади ой бўлиб тўлиб,
Кўялакнинг ёқасин қайтариб қўйиб,
Мукофотлар олдик ҳар иккимиз ҳам,
Москвага борамиз новатор бўлиб.

Эйнига кийгани ипак елевгай,
Елевгай кийган ёр сира ўлмагай,
Севган ёрим тёнгқўрларин ичидан,
Активлигин сира қўлдан бермагай.

Баланд экан ботинкасин ўкчаси,
Гул бўлиб очилар юрган кўчаси,
Гилам тўқиб ўтиргандан қарасам,
Кулгилари худди гулнинг ғунчаси.

Шойи рўмол ярашади бошина,
Майда тули тўкилади қошина,
Обед чоғи бирга-бирга ўтириб,
Мурчлар селиб берай ёрнинг ошина.

Учакка чиқвадим найча қамиш деб,
Механик болани ёрим эмиш деб,
Мен қарайман пахтазордаги ёрга,
Бизга ҳам қарасин тиши кумуны деб.

Шойи рўмол ўраб оро бераман,
Сочимни майдалаб ўра бераман,
Ишда ҳам, уйда ҳам фикру хаёлим,
Қўриб қолсам нега ёнавераман.

Қора камзуримни ёқаси кашта,
Мен билмайман севган ёрим на ишда.
Үёлардим сўрай десам кўзидан,
Механик-ҳайдовчи билдим сўзидан.

Уч олма қўйибман, учови қатор,
Меҳмон бўлиб борсак жонига қотар,
Ола, бугун оқшом нечик тонг отар,
Парқу ястуқларинг бошимга ботар.

Рўмолимни ювиб ёйдим анора,
Оч қолиб турувдим, тўйдим жамола,
Телмуриб турарди студент бола,
Қурбингиз етмайди шойи рўмола.

Қўл тутишиб кирдик узун даҳлиза,
Не бало бадланиб¹ қарайсиз биза,
Театрга бирга-бирга боргандик,
Қўнглингиз қолғудай на дедим сиза.

Бадланиб — хўрмайиб.

Тракторчи йигит бизга ўхшайди;
Гектарлаб ерларни ҳайдаб ташлайди.
Биз тарафга опа, мунча қарайди,
Орамизда суйгани бор ўхшайди.

Қизил гул очилар ҳовузга қараб,
Колхозга келибди бир мени сўраб,
Олмали боғларнинг барги тўкилмас,
Келаверсин мендан яхши топилмас.

Эшикка чиқаман, уйга кираман,
Ойруплан читдан кўйлак кияман,
Ойруплан читдан кўйлак киймасам,
Осмондаги пароходда минаман.

Бир червон қўйибман кўйлак олмоққа,
Уяламан кооперативга бормоққа,
Жинниманми чурик читдан олмоққа,
Ярамайди тогорага солмоққа.

У ёқдан келаётир беллари хипча,
Оёқда туфлиси бир қарич ўчча,
Юзига қарасам гул билан гунча,
Телмурдим бўйига анчадан-анча.

Эмиш, эмиш, эмишингдан айланай,
Ўкча баланд кавушингдан айланай,
Институтдá ўқиб юрган сенмидинг,
«Ҳорманг!» деган товушингдан айланай.

Заводдан келаётир бир танҳо ўзи,
Қўлида румолча, шаҳлодир кўзи,
Бахтидан қизарган гулдайнин юзи,
Жонингдан айланай, ким туғди сиз?

Атлас куйлагимни киймасам бўлмас,
Солланиб ёнингда юрмасам бўлмас,
Ўзинг яхши, ўзингдан сўзинг яхши,
Қаттиқ меҳрим қўйиб севмасам бўлмас.

Шойи кўйлак сувга солсам сўлмиди,
Яна шундан оп бермасанг бўлмиди,
Рўпарамда ишлаб турған йигитни
Юрақ єира севмасликига қўймиди,

Мен ўтаман, эшигингдан, йўлингдан,
Қора камзил кўринади тўйингдан,
Кийган кийим ярашади ўзингга,
Мен айланай сенинг қадди бўйингдан.

Шойи рўмолимни томоқдан олдим,
Машина кетидан қараблар қолдим,
Тошкент бориб агрономга ўқиган,
Хар ерда юрса ҳам ўтига ёндим.

Бошига соч қўйган, эгнида чекман,
Нари туринг мен ЗАГСдан ўтаман,
Болляи сўзим билан ёрни сўйдириб,
Ер сўзини тиаллаларга битаман.

Осмонда учади оққина қушлар,
Қаюоти осмонда осилиб учар,
Тошкент борсанг саломимни айтиб қўй,
Софингандан ҳар кун кўзимдан учар.

Чўпон бола, костюмларинг калтадир,
Чўпон бола, бўйи-бастинг ўртади.
Чўпон бола, қўйинг янтоқ емасми,
Ошиқ бўлган кечалатиб келмасми?!

Эшигингни олди, ёрим, хиёбон,
Сиз болага костюм тикиб бераман,
Киссасига эсадалик ёзиб қўяман,
Жавобини хирмон жойда оламан.

Қамчингни опбердим, ўзинг олма деб,
Оtingга минидирдим, кечга қолма деб,
Зарбдор деб ҳамма сени сийлади,
Хар бир одамларга меҳмон бўлма деб.

Сарҳовуз бўйлари қора тол экан,
Шу колхознинг бир машҳури бор экан,
Бўйини кўрсатиб ўтди ёнимдан,
Урта бўйли, қора кўзли ёр экан.

Атласнинг ичида кўксингиз буюк,
Юраман, тураман сиртидан суйиб,
Белимга боғладим мадали қийик,
Сен қандай кетасан кўзларинг қийиб.

Дангасага ош ёқар

* * *

Раис бобо ўзингиз,
Кўпдир сизнинг сўзингиз,
Пахта план кам келса,
Қизаради юзингиз.

Бригадамиз сиз ўртоқ,
Сизда йўқми қўл, оёқ,
Аъзоларни ўйлга солмай,
Юришингиз кўп чатоқ.

Ялқов ака, сизмисиз,
Иккимисиз, бирмисиз,
Хотинингиз ишга чиқмаса,
Кучим етмайди дермисиз!

Дангасалар ангарда,
Кийиқчаси ҷангала,
Ялчишиб иш қилмасдан,
Мажлисларда шарманда.

Суқсур олиб боқмайди,
Гажагини тақмайди,
Ишламаган дангаса
Кўпчиликка ёқмайди.

Ариқ олар юзалаб,
Четларини тозалаб,
Дангасалар доим юрар
Табелчидан аразлаб.

Бөғимизда сўри бор,
Шу сўрининг тўри бор,
Дангасага туынганинг
Манглайида шўри бор.

Ўзим бўлсам колхозда,
Донгдор бўлиб ишлайман,
Дангасани учратсан,
Танқид қилиб муштлайман.

Биз тўқиган рўмолнинг
Гуллари бор бурчида,
Энди сени кўрмасам:
Дангасалар ичидা.

Иш қилади ғивирлаб,
Секин-секин қимирлаб,
Ҳар кимга бир жириллаб,
Нағма қилар дангаса,

Ишлаш учун bemадор,
Тишлаш учун зарбдор,
Шунинг учун хору зор
Бўлиб қолар дангаса.

Бошимдаги дуррани
Урагим ҳам келмайди,
Ишёқмас кишиларга
Қарагим ҳам келмайди.

Дангасалар ишлайди,
Юраги қайнаб тошмайди,
Дангасанинг маркаси
Бир пайсадан ошмайди.

Қошимга кўп қарадинг,
Қошим қораси ўсма,
Минг ялинсанг тегмайман,
Дангаса, йўлим тўсма.

Рўмолим ўзи коса,
Ишламайди дангаса.
Қамчилигини айтса,
Хушламайди дангаса.

Юзингдан олиб беадаб,
Ишдан қолар бесабаб,
Тошибақадай ўрмалаб,
Йўлда қолди дангаса.

Уйда ётар дангаса,
Шипга боқар дангаса,
Чилим чекиб дам-бадам
Носвой отар дангаса.

Дангасалар мунча ҳам
Бедана юриш қиласы,
«Далага чиқ!» деганда,
Безгак хуруш қиласы.

Қора чироқ ёқмайман
Электрлар турғанда,
Дангасага тәгмайман
Ударниклар турғанда.

Оққүргону Оққүргөн,
Бизлар суралып даврон,
Дангасага биз ҳайрон,
Бизга дангаса ҳайрон.

Раис акам хотини
Далада шиламайди,
Ишлар эди далада,
Пардоңдан бүшамайди.

Раис акамни күринг,
От минишни билмайди,
Савлатидан ҳуркасиз,
Күл қўйишни билмайди.

Кумрихон ишлаб келади,
Оти кишиаб келади,
Бригадир опам топганини
Эри харжлаб келади.

Кумрихоннинг томига
Лайлак осилиб қопти,
Эрига ичманг деса,
Лунжи осилиб қопти.

Жўхорига сув қўйдим,
Марзасидан ошмасин,
Завхозимиз хотини
Кўп ҳаддидан ошмасин.

Завқоз акам қумғони,
Қумғонда сув турғани,
Құлларимда фактим бор
Газетага ургани.

Еңай десам ҳұл ўтин,
Буралиб чиқар тутун,
Бригадир яна олди
Хотин устига хотин.

Ариқдан сув тошибди,
Раис қаддидан ошибди,
Мажлисдаги танқидға
Сүз тополмай шошибди.

Бизнинг бөгда бир қүш бор,
Қанотида күмуш бор,
Берган дони кам келди,
Омборчыда бир иш бор.

Гала чумчук, сой чумчук
Баланд учиб, паст келади,
Қассир акамни қаранг,
Ароқ ичиб маст келади.

Баъзи актив акамлар
Жақли бурун учида,
Мақтанғани-мақтанған
Кўпчиликнинг ичида.

Бошқачадир юриши,
Зақарканда кулиши,
Үртага иғвө солиш
Бу акамнинг қилмиши.

Кўп гап сотманг, олифтс,
Гапингиз куйган латта,
Иш бор жойдан қочасиз,
Шармандасиз, албатта.

Марғилоннинг йўлига
Артель қўяди танда,
Қамчиликни яшириб,
Раис бўлди шарманда.

**Мажлисларда лопинг бор,
Құлтиғингда қопинг бор,
Сиримни очмаса, деб
Аъзолардан хавфинг бор.**

**Раис акам уйига
Товоқ терилиб қопти,
Раис акам хотини
Мунча керилиб қопти.**

**Макиёнга дон солсам,
Хүрөз ўлгур еб қўйди.
Колхозчилар пулини
Балоҳўрлар еб қўйди,**

**У ёнингдан, бу ёнингдан,
Пул тўла ҳамёнигдан,
Нега, ўглим, оқ шиша
Аrimайди ёнингдан.**

**Қўшнимиз ариғида
Тўлиб ётади шиша,
Кунда нарса синдириб
Уруш қиласар ҳамиша.**

**Уткир қайчи йўқ экан
Тўнингизни бичкани,
Қайдан пуллар топасиз
Кунда-кунда ичкани?!**

**Менинг ёрим маст бўлди,
Токчадан тушди қутим,
Ичкиликнинг дастидан
Қирилди қўри қутим.**

**Томда қуритдим майиз,
Болалар менга азиз,
Болам қўрқади, йўқол,
Пияниста, бетамиз!**

**Томда туриб қурибди
Бригадирнинг ўтини,
Эрим мени урди, деб
Ариза ёзди хотини.**

Хурмадаги сузмани
Товуқ келиб чўқиди,
Сездими катта хотини
Домла никоҳ ўқиди.

Мажлисда ичкиликка
Қарши сўзлаб чиқаман,
Ишга келиш-кетишида
Тортиқмасдан ичаман.

Кўп хотинликка қарши
Сўзларим ҳеч узилмас,
Катта хотиннинг болалари
Учун кўнглим бузилмас.

Палкада анча арза,
Вақтим йўқ қарай десам,
Чойхонадаги паловдан
Чидам йўқ қолай десам.

Ҳали ҳам бор ошхона,
Ноқулай меҳмонхона,
Озодалиқдан қидириб
Тополмайсан нишона.

Икки соат кутасан,
Ўзингни унугасан,
Битта сўзни айтасан;
Аччиқ билан кетасан.

Баъзи бир чойхона бор,
Кир сувидай чойлари,
Оқ кийимни доғ этар
Үлтирганда жойлари.

Хар тарафдан ўтганга,
Битта пичинг отилур,
Чойхона чаккасида
Кўкнори, нос сотилур.

Сотилади, отилади,
Бир чекимдан бўлса нос,
Тагимни тўлдирди деб
Етиб йирлайди палос.

Баъзи қўрс чойхоначи
Чойнакни туртиб қўяр.
Битта белбоғи билан
Пиёлани артиб қўяр.

Раис акам томида
Бедана уяси бор.
Ишонмасанг обис қил,
Бахмалнинг сараси бор.

Биз танқидни бошлайлик,
Илмсизликни ташлайлик.
Чакки босар баъзилар
Айбин очиб ташлайлик.

Иккى гулни оларсиз,
Бирини сувга ғоларсиз,
Шу саломим ётганда
Мени эсга оларсиз.

Кумрихон уйинг қайдা,
Қўнироқли қўмсойда,
Энди сенга ёр қайдা,
Гаврон олиб ер ҳайда.

Абдуллажон, ҳорманг, ҳорманг,
Янгибозорга борманг,
Янгибозорга бориб
Хотин сўроққа қолманг.

Назирахон ўзлари,
Қўлтиғида бўзлари,
Бўзларини олай десам,
Олайиб кетар кўзлари.

Атлас кўйлак киймайман,
Ичиди ариси бор,
Амалдорга тегмайман,
Ҳар куни мажлиси бор.

Чўлоқ-чўлоқ дедилар,
Қимлар чўлоқ дедилар,
Раиснинг хотинини
Шалпанг қулоқ дедилар.

Дангасалар ётади
Бахмалдан болиш қилиб,
Қўпчилик таңқид қиласа,
Юради нолиш қилиб.

* * *

Сизни бригадир дейдилар,
Бригадир акам, ёр-ёр,
Сводкангизни бир кўрайин,
Бригадир акам, ёр-ёр.

Сводкамни кўриб нима қиласиз,
Сиз, опажоним, ёр-ёр,
Хамма илгари, мен тошбақа,
Билмабмидингиз, ёр-ёр.

Сизни раис дейдилар,
Раис акам, ёр-ёр,
Планингизни мен бир кўрай,
Лодир акам, ёр-ёр.

Планимни кўриб нима қиласиз,
Сиз, опажоним, ёр-ёр,
Райондан олган виговорим,
Билмабмидингиз, ёр-ёр.

Сизни ичувчи дейдилар,
Ичувчи акам, ёр-ёр,
Ичганингизни мен бир кўрай,
Ичувчи акам, ёр-ёр.

Ичишимни кўриб нима қиласиз,
Сиз, опажоним, ёр-ёр.
Папкаларни расво қилганимни
Билмасмидингиз, ёр-ёр,
Милицияда ётганимни
Билмасмидингиз, ёр-ёр.

* * *

Кохозда баъзи котиб,
Норма олар тек ётиб,
Кохоз молидан олиб,
Ичар бозорга сотиб.

Колхозимиз Фермаси,
Кўлида бор нормаси,
Растаратни қип қўйиб,
Тўлмадиси нимаси.

Колхозда баъзи состав,
Юрар бир-бирин истаб,
Мол олмасдан қўймайди,
Раисни алдаб, қистаб.

Селпомизда ёғ сотар,
Ошии қилиб ўхшатар,
Катта-катта еб олиб,
Колхозчими қақшатар.

Бегона ўт юликсин,
Янги план тузилсин,
Колхозда бекорчилар
Бир гаевирдан сузилсин.

* * *

Узингиз билинг, мен кимман,
Ошхонага мудирман,
Еғлиқ, гўштлик паловни
Инспекторга едираман.

Магазинда ишлайман,
Чайқовчини хушлайман,
Чайқовчи алдар бўлса,
Еқасидан ушлайман.

Мен детдомнинг завхози,
Мудирнинг мен бир кўзи,
Араванинг тиркиши,
Иккаламиз бир киши.

Детдомимиз чорбоғи,
Кўришар Паркент тоғи,
Үйига ярми тушар,
Утин, кўмир, гўшт, ёғи.

Детдом томи тунука,
Сизга берсий барака,

Баракали бўларди,
Кетар мудир тарафга.

Қарамайди кетига,
Бориб айтинг бетига,
Магазинчи акамнинг
Тушунолмадим чўтига.

* * *

Ичиб келади ҳар кун,
Тинчлик бермайди бир кун,
Муҳаббатнинг ипига
Чигил тушди ҳам тугун.

Ўзим ёқсан ўтимға,
Қоврилдим ўзим билмай,
Тандан чиқсан тутунга
Олами қолдим кўрмай.

Кўчадан келар чақириб,
Улдингми деб бақириб,
Болалар қўрқишидаи,
Кийикдай ҳуркишидаи.

Тоқати йўқ юмушга,
Кириб чиқсан ҳар ишга,
Ҳамма койиб, қистарди
Одам бўлиб юришга.

Ўтган-кетганлар кўрган
Қоронги тор кўчада,
Маст йиқилиб ётганин
Ёмғир ёқсан кечада,

Ўлган, қолганин билмай,
Ҳеч ким билан иши йўқ,
Ҳаммани тегиб жонига
Қўлини тутар киши йўқ.

Маҳаллага кирма¹, деб
Кўпчилик йўлга солди,

¹ Маҳалладаги ичкизинхона маъносида.

Эшикдан ҳушёр кириб,
Одамга ўхшаб қолди.

Бақир чақир йўқолиб,
Қўйдан ҳам ювош бўлди,
Бизга болалар билан
Еганимиз ош бўлди.

Олмайман, дер оғзимга,
Кўрсатма, дер кўзимга,
Номаъқул ишларимни
Энди солма юзимга.

Кўзим ёришди анча,
Айланай кўпчиликдан,
Топганимни ичардим,
Қутилдик йўқчиликдан.

* * *

Чайқовчи келар қорларга
Қатта-катта из солиб,
Қолиб кетманг уётга,
Қалин бериб қиз олиб.

Кетин ўйламай Азим,
Пул сочиб қилди базм,
Қарзин қистаб келганда,
Оши бўлмади ҳазм.

Тўй ўтади уч кунча,
Қолган-қутган тугунча,
Боши қарздан қутилмай,
Гангиб юрар ўлгунча.

Эски расм-русумлар
Замонага келишмас,
Эндиги орзу ҳавас,
Пул олиб қиз беришмас.

Қўйлоқ совет аъзоси,
Намозин йўқ қазоси,
Санғиб еган паловин
Оғзидан кетмас мазаси.

Раис бобо сизмисиз,
Еғли патир ермисиз,
Хўжайинингиз келганда,
Қўй сўйиб енг дермисиз.

Ишлаган ўзар экан,
Меҳнатсиз тўзар экан,
Емон йўлга кирганлар
Ақлидан озар экан.

Ҳаёсизда ор бўлмас,
Асло вафодор бўлмас,
Андішасиз қизлар-чи,
Чин ҳақиқий ёр бўлмас.

Меҳнатда танилар эр,
Меҳнатсиз эр қаро ер,
Жон куйдирмай, иш қилсанг,
Кимлар сени одам дер.

Ресторан деса чопсанг,
Ишга юр, деса қочсанг,
Қўринганини бир узиб,
Илондай заҳринг сочсанг.

Дангасани айтғани:
Қасалману хастаман,
Ўйин-кулгига сопна-соғ,
Ишга-чи норастаман.

Анави ўлтирган таниз,
Ор ҳам қилмайди бироз,
Қайшаси иш қилиб,
Унинг эрмаги пардоз.

Ароқхўрнинг ўрни бор:
Ётган ери бир ботқоқ,
Қишида қалин қордадир,
Езда бўлар офтобқоқ.

Ўйда ёри кутади,
Эрим қандай келар деб,
Ароқбоз шўрнинг қургур,
Юрап сағиб, дакки ёб.

Қош учирар порахўр,
Кўлларини ишқалаб,
Ўйлагани олғирлик,
Қилиб бўлмас иш талаб.

* * *

Мулла бува ёнбошлаб ётади,
Икки пешш ламнамойга ботади,
Лунжини шишириб, каллани қашиб,
Ўлимбергур қизларга гап отади.

Фолбин келиб фол очар,
Оғзидан кўпик сочар,
Аслини суринтиранг,
Дангаса ишдан қочар.

Чилим-чилимга ўхшайди,
Тортсанг найи қақшайди,
Ёш қиздан тама этган,
Эшон эшакка ўхшайди.

Оқ шоҳидан қўйлагим,
Кўринади билагим,
Эшонларнинг бошина
Бало юклар тилагим.

Эшон эшик қоқади,
Илон бўлиб чақади,
Қайда гўзал қиз кўрса,
Бақраяди, боқади.

Табиб дейди дардинг ёмон,
Пул бўлса қоласан омон,
Бу сўзларни эшитгандан,
Минг жоним докторга борган.

Кўчаларда раис бувам қатнайди,
Киссасида шоҳи рўмол сақлайди,
Кунда-кунда меҳмонҳоналар кезиб,
Юра борса соатини мақтайди.

Раис бува баланд тутма ўзингни,
Ҳақимизга олайтирма кўзингни,

Ҳақимизга олайтирсанг кўзингни,
Газетага урдираман ўзингни.

Ҳисобчилар майдада чўтни қоқади,
Олтинчида¹ бир қизини боқади.
Боқтирмаймиз боқиб қўйган боққини,
Едирмаймиз аъзоларнинг ҳаққини.

Юқоридан келар нозвой гул иси,
Еб ётибди колхозимиз раиси,
Шўро бува кечда этинг мажлисни,
Булбулдай сайратинг тўра раисни.

Қоромоннинг толи қора дейдилар.
Сени нега раис бола дейдилар.
Раисман деб катта тутма ўзингни,
Ҳар кимларга зое этма сўзингни.

Раис бува баланд экан ҳовлингиз,
Ҳовлингиздан баланд экан кўнглингиз,
Үйингизда аёлингиз турганда,
Бешин туқдан хотинларда кўнглингиз.

Кетмоим дастаси зилдан ҳорамои,
Идора ёнига на деб бораман,
Икки кунлик пойни² бир кунда бўлсақ,
Яна мажлис бўлганига ёнаман.

Шамол билан келар нозвой гул иси,
Маст бўлибди колхозимиз раиси,
Катта далаларда бошлар мажлисни,
Раис бува, ҳаддингда юр, ҳаддингда.

Жума опам скаладда жўшади,
Оқ бугдойга қизил чага³ қўшади,
Олмаймиз деб аъзолари қақшайди,
Жума опам бой бўжакка ўхшайди.

Эшигингни олди жийдали чотма,
Ўзинг табелчисан учакда ётма,
Посив⁴ вақти ҳамма отизда бўлса,
Пана жойда ётиб ароқдар отма.

¹ Олтинчи бригада маъносида.

² Бу ерда норма маъносида.

³ Чага — қум.

⁴ Поеевна я – коммания маъносида.

**Олма боғни оралайди бўйингиз,
Сув қоғоздек ширқирайди тўнингиз,
Кунда-кунда «Волга», «Зим»лар минасиз,
Руллар ушлаб қавартими қўлингиз.**

**Қетмонимнинг сопи сўвит, қорамон,
Бригадир, сўкканинг ургандан ёмон,
Жадал этсан бажараман нормани,
Иўқса колхозингда туржаким гумон.**

**Раис бувам тоза ёпдан отилди,
Қиссасинда шойи рўмол сақлиди,
Шойи рўмол сақлагани-сақлаган,
Нера борса хотинини мақтиди.**

**Бошлиқ бува, минган отинг қоп-қора,
Бошлиқ бўлсанг, ҳаммаларга тенг қара,
Яхши кўрганингга ёрдам берасан,
Емон кўрганингга оғзинг эрасан.**

**Раис бувам ангарда,
Шапкалари жангальда,
Пахта план тўлмаса,
Сиз бўласиз шарманда.**

**Складчи ака сизмисиз,
Этли палов ермисиз,
Колхозчилар ҳақ деса,
Эрта келинг дермисиз.**

**Складчи бобо сизмисиз,
Юпқа патир ермисиз,
Колхозчилар бугдой деса,
Сичқон тортди дермисиз.**

**Раис бобо сизмисиз,
Еғли патир ермисиз,
Тошкентликлар келгандা,
Саводим йўқ, дермисиз.**

**Сут керак, қаймоқ керак,
Қаймоқни емоқ керак,
Қизини пулга сотғанинг
Қўзини ўймоқ керак.**

КҮКЧА БАЙТАЛ

Кўкча байтал сотиб оддим.
Чопишдим, эшакдан қолдим.
Уч кунда Хивага бордим.
Ҳаром ўлгур, кўкча байтал.

Боқдим уни пода билан,
Сийпаладим хода билан,
Чопишдим пиёда билан,
Ҳаром ўлгур, кўкча байтал.

Миниб борвадим бозора,
Иикитди, қўйди озора,
Илоё, кирсинг мозора,
Ҳаром ўлгур, кўкча байтал.

МАСТЛАР ҲАҚИДА

Бир неча йигитлар жуда мулойим,
Кўчада солланиб юришин кўринг,
Ҳаётида йўлдош ичкилик доим,
Кўчада тентираб юришин кўринг.

Ичиб, олса ёнига йўлдошини,
Ҳар томонга соллантирас бошини,
Кўринган жувонга қоқар ҳошини,
Балчиқса булғаниб ётишин кўринг.

Баъзи бирсөzlари ушлашиб қўлни,
Тополмай овора бўларлар йўлни,
Баъзиси билмайди ўнг билан сўлни,
Бемаза гапларни айтишин кўринг.

Хунук бўлиб юрар ичмаган куни,
Ухламас шу куни кечаси-туни,
Ичмаса бўлмайди ишин унуми,
Бошин солиб туришини бир кўринг.

МУЛЛА ТАЪРИФИ

Усмай қолди мулламизнинг.govushi,
Қичқирганда узоқ етмас товуши,
Йўл юриса тупроқ сочар ковуши,
Мулла деган шунингдек ҳам бўлурми?

Ёмон бўлди мулламизниң бўйруғи,
Қозоқидай соллонади қўйруғи,
Бўйи узун, подачининг сириқи,
Мулла деган шунингдай ҳам бўлурми?

Юзларини буруштирган чечаги,
Саллалари Қиши момонинг лечаги,
Соқоллари отизларниң печаги,
Мулла деган шунингдай ҳам бўлурми?

ҲАЙРОНМАН

(От. тилидан).

Миллион-миллион умид этар пахтадан,
Уз вақтида ўтин солиб боқмаган,
Ялқов кўндинг сўфориш ҳам ёқмаган,
Мани боқсан отбоқарга ҳайронман.

От қўйругин бешдан тўрлаб ўрарлар,
Бизни емни қўчкорина берарлар,
Ёмонлийдан оёгини тиравлар,
Шох товлаган қўчкорига ҳайронман.

АЗон қўшиб кеч бўшатар арвадан,
Бир армоним ем емадим тўрвадан,
Очкўз ферма умид этар шўрвадан,
Ақли калта фермага да ҳайронман.

Гар йиқилсам тортадилар қулоқдан,
Меҳрим қониб сув ичмадим булоқдан,
Холим қочиб келсам яқин-йироқдан,
Улгунимча урганларга ҳайронман.

ПАШША

Бизга ёз ойлари нурини сочар,
Аммо пашша етмай эшигин очар,
Визилдаб-визилдаб далада учар,
Сасларин эшитиб омона желдим.

Ёнима келибам танларим чақди,
Ул чақдан жойдан қонлари чиқди,

1 Кўидик — ковиник — отбоқар маънисида.

Аччиғим чиқарип жонимни ёқди,
Пашшанинг алиинан омона келдим.

Парвоз қилар баданини қотириб,
Кўп қувонар аммо мани ётириб,
Қонинг сўрар наштарини ботириб,
Пашшанинг алиинан омона келдим.

ҚАЛАНДАР ҚАДАМ

Еттинчи бригада Қаландар Қадам,
Кўлида ишлайди бир неча одам.
Пахталари йиғлаб тутади мотам,
Пахтангта бир қара, Қаландар Қадам.

Пахтаси сувсаса нари қочади,
Ўзи сувсираса ароқ ичади,
Чўлашган кечаклар ҳаддан ошади,
Пахтангга бир қара, Қаландар Қадам.

Қўл солма бўйинда бордир пахтаси,
Ҳар гектардан ўн тинг туп бор хатоси,
Печаки бар пахталарнинг отаси,
Пахтангга бир қара, Қаландар Қадам.

Пахтаси бир қарич, печак бир метр,
Жон бригада берга кетмончи етири,
Бизларни бўғмасин ишини битир,
Пахтангга бир қара, Қаландар Қадам.

Қатталар хотини ишга ярамас,
Қурбонжон дегани ишига бормас,
Табелчи хотини ундан кам эмас,
Пахтангга бир қара, Қаландар Қадам.

ТЕКИН ТОМОҚ БУЛИБ ҚОЛА ОЛАСАНМИ?

Олма отдинг, ёрим, қапчидим, олдим,
Ёрдан нишона деб қўйнимга солдим,
Отган олманг қизилмиди, оқмиди,
Ишга чиқмий юрганларинг ёқмиди.

Кўзинг суздинг, қошинг қиёласанми,
Ишламасдан узоқ юроласанми,

**Меҳнат қилмай, баҳна бўлиб хотинга,
Текин томоқ бўлиб қололасанми?!**

Идорада чўт қоқади тақа-тўқ,
Колхозчилар меҳнат билан қорни тўқ,
Дангасалик билан ишни ташлаган,
Сенек баъзи дангасага норма йўқ.

ЎТСА КЕРАҚДИР

Яхши келин иш қиласди саришта,
Ёмон келин кўз бўяйди ҳар ишда,
Унинг икки кўзи доим кўчада.
Кўчадаги турган ёш йигитчада.

Бир неча келин бир бозорда юрар,
Бугун тушиб, эрта элотни бузар,
Қилмишидан ақллилар кўп безор,
Умри армон билан ўтса керакдир.

Ёмон келин уй ичини кулдирмас,
Эр топгандан бир пулени тугдирмас,
Этажак ишини уйга билдирмас,
Нёдоиликда умри ўтса керакдир.

Йигитлар орзулааб хотин олади,
Хотин яхши бўлса яшнаб қолади,
Ёмон чиқиб қолса агар севгани,
У ҳам армон билан ўтса керакдир.

ЯЛҚОВ БИЛАН ЮРМАНГЛАР

**Меҳнаткашда саодат,
Меҳнатнинг таги роҳат,
Ялқовга хотин бўлсанг,
Сенда бўлмас фарогат.**

Дангасага тегманглар,
Юзини ҳам кўрманглар,
Ақлингиз бўлса агар,
Ялқов билан юрманглар.

Кўриниб қолса таниз,
Ор қилингизлар бир оз,
Кўрганда қошин қоқар,
Унинг эрмаги пардоз.

ЕМОНДАН ЯХШИЛИҚ КУТМА

Яхшиларнинг топган моли тўй бўлар,
Фикри-зикри эли учун ўй бўлар,
Феъли ёмон ҳар кимсанинг хаёли
Яхшилар ҳақида қора ўй бўлар.

Олмали боғлара бейи сопарман,
Айбинг бўлса, айтмай нечун ёнарман,
Ҳамманинг ёри бор отиэда, чеда,
Сен ялқовни ресторондан топарман.

Яхши йигит чўлда бўстон яратар,
Тиканзорда чин гулистон яратар,
Дангасага меҳнат ёқмас, ош ёқар,
Ёмон одам тик бинони қулатар.

Аравангизнинг олд тахтаси қоромон,
Қарийверманг, ёнар ўтга соламан,
Дангасага колхозда қиз ҷопилмас,
Мард йигитга ўзим айтиб бораман.

Доно ошиқ ошиқлигин жор этмас,
Вафоли ёринг ташлаб хор этмас,
Ёмон одам эрур ёридан кечгани,
Бевафолар яхшиликни кор этмас.

Олмани бир тишлаб оқ этса бўлар,
Чўлларнинг ўрнини боғ этса бўлар,
Дангаса, ялқовни колхоздан ҳайдаб,
Унинг юрак-бағрин доғ этса бўлар.

Билагузук билагимни буради,
Бир дангаса йўлим тўсиб туради,
Улли йўлда турма, тенгинг мен эмас,
Шу замонда ялқовга ким боради.

Чўлларга бораман чигит унсин деб,
Оқ билагим тайратини кўрсин деб,
Лойиқмасман, дангасага ўртоқлар,
Ҳар ким ўз тенгини топиб севсин деб.

Мард бўлмаса сўзларига ишонма,
Номард билан узоқ ерга йўл олма,
Қизил гулсан, мард кўксига ярашган,
Номардинг алинда беҳуда сўлма.

Бахмал кўйлак йилдир-йилдир этади,
Ёр бевафо бўлса ташлаб кетади,
Бёвафонинг ёри бўлмай умр эт,
Чиндан севган ёр қадрингга этади.

ЯХШИ ЧУЛДА БЎСТОН ЯРАТАР

Яхши ишга ёр бўлади яхши эр,
Яхши эрни ҳурмат этар катта эл,
Ишёқмаснинг иши унмас ҳеч қачон,
Енгил ишга солсанг; жуда оғир дер:

Яхши киши чўлда бўстон яратар,
Тиконликда чин гулистан яратар.
Ишёқмасга туринг, тонг отди десанг,
Пешингчча кўрпа ёпиниб ётар.

НАДИР ГУНОҲИМ МЕНИНГ?!

Полвон бўйи рош экан,
Ёрим қалам қош экан,
Менинг қалам қош ёрим,
Юрак бафри тош экан.

Полвон ёни соймикан,
Ёрим юзи оймикан,
Минг дангаса йигилса,
Бир иш-корга тоймикан?!?

Гулу гулзорим менинг,
Бевафо ёрим менинг,
Ташлаб кетдинг узоққа,
Надир гуноҳим менинг?!

Гул юэзинг қизил лодадир,
Кўзларинг жоним оладир,
Иккиланмай кўнгил берсанг
Сенга қурбон қиз боладир.

Тоймикан — теймикан.

•Әр-әрлар

* * *

Ерга күмиб чимматни
Чиритган қиз, ёр-әр, чиритган қиз,
Манглайининг гардини
Аритган қиз, ёр-әр, аритган қиз.

Колхоз учун жонини
Койитган қиз, ёр-әр, койитган қиз,
Меҳнат қилиб юртини
Бойитган қиз, ёр-әр, бойитган қиз.

Ҳай-ҳай ўлан, жоним ўлан,
Ўланчи қиз, ёр-әр, ўланчи қиз,
Ударник бўп пахта терган
Теримчи қиз, ёр-әр, теримчи қиз.

Келин келди, ёқиб қўйган
Олов қани, ёр-әр, олов қани,
Синглим маҳтал, герой деган
Куёв қани, ёр-әр, куёв қани.

Салом айтсам доҳиларга
Сайрап тилим, ёр-әр, сайрап тилим,
Доҳимнинг номи билан
Қувнар дилим, ёр-әр, қувнар дилим.

Салом минг-минг, салом сизга
Доҳи устоз, ёр-әр, доҳи устоз,
Бахтилизнинг куйи билан
Овозим соз, ёр-әр, овозим соз.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қизим, ёр-әр, жоним қизим,
Иккалангиз бирлашинг,
Үт юлдузим, ёр-әр, ўт юлдузим.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Элга машҳур, ёр-ёр, элга машҳур,
Қўкрагида нишонлари
Хўп ярашур, ёр-ёр, зап ярашур.

Куёв йигит уйларини
Толдан ёпган, ёр-ёр, толдан ёпган,
Шундай қизни куёв бола
Қайдан топган, ёр-ёр, қайдан топган.

Топди-топди деманглар-а,
Қўриб олган, ёр-ёр, кўриб олган,
Ҳар икови бир-бирини
Севиб қолган, ёр-ёр, севиб қолган.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Сочиқ келди, ёр-ёр, сочиқ келди
Ўқимишли келин болам
Очиқ келди, ёр-ёр, очиқ келди...

Паранжини ифлос деди,
Отиб келди, ёр-ёр, отиб келди,
Куёв-келин гулдасталар
Тутиб келди, ёр-ёр, тутиб келди.

Ариқчада тиниқ сувлар
Тўлиб келди, ёр-ёр, тўлиб келди,
Гуллар ушлаб ойкелинчак
Кулиб келди, ёр-ёр, кулиб келди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ёғди раҳмат, ёр-ёр, ёғди раҳмат.
Келин билан биргалашиб
Келди давлат, ёр-ёр, келди давлат.

Келин болам кўйлак олган
Крепдешин, ёр-ёр, крепдешин,
Қойил қилиб мухофотга
Колхоз ишин, ёр-ёр, колхоз ишин.

Мен ҳам, сен ҳам балли дейлик
Меҳнатига, ёр-ёр, меҳнатига,
Меҳнат билан бирга келган
Давлатига, ёр-ёр, давлатига.

Уялмасдан куёв болам
Гапга солинг, ёр-ёр, гапга солинг,
Ширин-шакар сўзлар билан
Кўнглин олинг, ёр-ёр, кўнглин олинг.

Ширин-шакар умрларинг
Ўтсин ширин, ёр-ёр, ўтсин ширин,
Сўзларингиз ўзингизга
Ўтсин ўрин, ёр-ёр, ўтсин ўрин.

Оқ ипак, қизил ипакдай
Эшилибсиз, ёр-ёр, эшилибсиз,
Бири барно, бири доно
Келишибсиз, ёр-ёр, келишибсиз.

Ҳай-ҳай ўлан, жоним ўлан,
Раҳмат ёғур, ёр-ёр, раҳмат ёғур.
Севгингизни олқишлиайди
Барча ғамхўр, ёр-ёр, ҳамма ғамхўр.

Бахтингизга кўп-кўпларнинг
Келар рашки, ёр-ёр, келар рашки,
Шому саҳар сиздай хуррам
Бўлса кошки, ёр-ёр, бўлса кошки.

Сайранг-сайранг бу боғларда
Гуллар бор деб, ёр-ёр, гуллар бор деб,
Сайри чаман қилмоқликка
Йўллар бор деб, ёр-ёр, йўллар бор деб.

Тоғдан ошиб, сойдан кечиб
Ўтсин ҳамма, ёр-ёр, ўтсин ҳамма,
Сиздай-биздай гул бўстонга
Етсин ҳамма, ёр-ёр, етсин ҳамма

* * *

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жононадир, ёр-ёр, жононадир,
Ҳар бир сўзи гавҳари
Якдонадир, ёр-ёр, якдонадир.

Қийғоч қоши қалдирғоч
Қанотидай, ёр-ёр, қанотидай,

Айтган сўзи қандолатчи
Новвотидай, ёр-ёр, новвотидай.

Ёр-ёр айтиб келаман
Йўл беринглар, ёр-ёр, йўл беринглар,
Уланчининг пириман,
Қўл беринглар, ёр-ёр, қўл беринглар.

Куёв поччам қўлида
Талпинар қуш, ёр-ёр, талпинар қуш,
Келин ойим узуги
Тоза кумуш, ёр-ёр, тоза кумуш.

* * *

Дарёларнинг ул юзида
Бўтакўзми, ёр-ёр,
Кетмонларни ярқиратган
Тўда қизми, ёр-ёр.

Тўда қизнинг қўшиғига
Қулоқ солинг ёр-ёр,
Яйраб айтган ялласидан
Баҳра олинг, ёр-ёр.

Дарёларнинг ул юзида
Райҳон-жамбил, ёр-ёр,
Айтадиган бир сўзим бор
Ўзгинанг бил, ёр-ёр.

Кулиб-кулиб гапирганнинг
Оти Анор, ёр-ёр,
Аноргулнинг ҳар сўзидаи
Боллар томар, ёр-ёр.

Анор учун ичим тўлиб,
Олов ёнар, ёр-ёр,
Дўстим сенга айтар бўлсам,
Меҳрим қонар, ёр-ёр.

Дарёларнинг ул юзида
Турган гўзал, ёр-ёр,
Шаънингизга айтиб эдим
Битта ғазал, ёр-ёр.

Ғўзаларга сув қўйининг
Вақти бордир, ёр-ёр,
Сизга кимки ўртоқ бўлса,
Бахти бордир, ёр-ёр.

* * *

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, боғнинг гули, ёр-ёр,
Қўмакайда сайрайди чечан тили, ёр-ёр.
Иков-иков ўлан айт, қалам қошлар, ёр-ёр,
Қалам қошлиқ янгалар тўйнинг гули, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, тарғил тошлар, ёр-ёр,
Чори чиқмас серкалар қўйни бошлар, ёр-ёр.
Иков-иков ўлан айт, жон бир қизлар, ёр-ёр,
Куёв томон қудалар танга ташлар, ёр-ёр.

Бизнинг овул шу тоғнинг довонида, ёр-ёр,
Дони қолмас арпанинг сомонида, ёр-ёр.
Иков-иков ўлан айт, айнам қизлар, ёр-ёр,
Ўйнаб-кулиб советнинг замонида, ёр-ёр.

Ўл¹ бошларми ўланни, қиз бошларми, ёр-ёр.
Қиз бошлаган ўланни эл хушлаоми, ёр-ёр.
Қиз бошлаган ўланни эл йигит кўрса, ёр-ёр,
Ўланини тополмай бош қошларми, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, узук бўлсин, ёр-ёр,
Қиз деганинг кўзлари сузик бўлсин, ёр-ёр.
Иков-иков айтинглар, барно қизлар, ёр-ёр,
Ойсинглимнинг тўйлари, қизиқ бўлсин, ёр-ёр.

Самарқанднинг боғида ўрикмидинг, ёр-ёр,
Ойсинглимни бир ерда кўрибмидинг, ёр-ёр.
Йигитларни шоширдинг ўлан билан, ёр-ёр.
Ҳамма ўланни йигиб келибмидинг, ёр-ёр.

Биз бошламай ўланни, қиз бошларми, ёр-ёр,
Биз бошлаган ўланни эл хушларми, ёр-ёр,
Болдай тотли сўзингиз эшитганда, ёр-ёр,
Мойдай эриб йигитлар ёнбошларми, ёр-ёр.

¹ Ул — ўғил.

Қора-қора қўзилар қўйни бошлар, ёр-ёр,
Қалам қошлиқ янгалар тўйни бошлар, ёр-ёр,
Йков-иков айтишсак, тол бўйингдан, ёр-ёр,
Йигит-қизнинг сўзини барча хушлар, ёр-ёр.

Оқ қўлингга таққанинг узук бўлар, ёр-ёр,
Рўпарада турганинг тузук бўлар, ёр-ёр.
Мирзачўлда тўй бор деб келган эдик, ёр-ёр,
Биз келганда ўланлар қизиқ бўлар, ёр-ёр.

Мирзачўлнинг ўзида бўлганмидинг, ёр-ёр,
Дала бетда бизларни кўрганмидинг, ёр-ёр,
Хуш келибсан, тўй қутлаб келган бўлсанг, ёр-ёр,
Бизни сўраб бировдан билганмидинг, ёр-ёр.

Мирзачўлнинг даласи обод бўлар, ёр-ёр,
Бизлар сизни билмасак уят бўлар, ёр-ёр,
Газетада ўқидик мақтавингиз, ёр-ёр,
Сизни кўрган чечанлар ҳам шод бўлар, ёр-ёр,

* * *

Ёмон кўздан сақлагай
Болам сани, ёр-ёр,
Ҳамингга ҳеч қўймагай
Қизим, мани ёр-ёр.

Ойкелиннинг бошидан
Сочиқ сочинг, ёр-ёр,
Олдларига юз алвон
Неммат очинг, ёр-ёр.

Хусни боғда очилган
Қизил гулдир, ёр-ёр,
Қизни олган ғўч йигит
Шўх булбулдир, ёр-ёр.

Эсганда боди сабо,
Гул очилар, ёр-ёр,
Қиз сўйласа оғзидан
Дур сочилар, ёр-ёр.

Сучик жоним ичида
Сарвинозим, ёр-ёр,
Катта кўлда ўрдагим
Билан ғозим, ёр-ёр.

Уи бармоғи ўн ҳунар,
Қалам қошим, ёр-ёр,
Сансиз мазали бўлмае
Еган ошим, ёр-ёр.

Суҳбатдошим, жон қизим,
Қўнгил ҳушим, ёр-ёр,
Қизларимнинг ичидা
Кичик қушим, ёр-ёр.

Сўзи ширин, тишлари
Дурдонадир, ёр-ёр,
Онасининг ёнида
Парвонадир, ёр-ёр.

Боғ ичида қизил гул,
Лолазорим, ёр-ёр.
Баҳор фасли очилган
Чин гулзорим, ёр-ёр.

Қизил гулнинг шохасинда
Чин булбулим, ёр-ёр,
Чин булбулнинг ёнинда
Ёнган гуллим, ёр-ёр.

Оғаларинг бузоқни
Богламайди, ёр-ёр,
Синглим йироқ кетди деб
Ингламайди, ёр-ёр.

Борган еринг боғ бўлсин,
Бўстон колхоз, ёр-ёр.
Тиниб, тинчиб кун кўринг
Йўқ бошқа сўз, ёр-ёр.

Қизил гулли боғларнинг
Қирмизисан, ёр-ёр,
Шошқин оқар дарёнинг
Қундузисан, ёр-ёр.

Бу колхозда мен деганинг
Бир қизисан, ёр-ёр,
Онанг бастингдан сани,
Бор сўзисан, ёр-ёр.

Ана куёв келётир,
Кутиб олинг, ёр-ёр,
Бир умрга меҳрибон
Бўлиб қолинг, ёр-ёр.

* * *

Келин, тушган жойларинг
Үтли бўлсин, ёр-ёр, ўтли бўлсин,
Сенинг соққан сигиринг
Сутли бўлсин, ёр-ёр, сутли бўлсин,
Икки колхоз фарзанди
Қўшилдингиз, ёр-ёр, қўшилдингиз,
Янги тузган рўзгорингиз
Қутли бўлсин, ёр-ёр, қутли бўлсин.

Боғбон бўлиб гулларни
Теради қиз, ёр-ёр, теради қиз.
Ойна олиб оқ юзини
Қўради қиз, ёр-ёр, қўради қиз.
Қиз кўнглини топиб агар
Улан айтсанг, ёр-ёр, ўлан айтсанг,
Бир ўланга юз жавоб
Беради қиз, ёр-ёр, беради қиз.

Тўйга келганлардан сира
Үёлмадим, ёр-ёр, уёлмадим,
Шодлигимдан, тилимни
Тиёлмадим, ёр-ёр, тиёлмадим,
Мен дўстимнинг тўйида
Айтмасмидим, ёр-ёр, айтмасмидим,
Кўп ичидаги сени
Қиёлмадим, ёр-ёр, қиёлмадим.

* * *

Хай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қизлар меҳмон, ёр-ёр, қизлар меҳмон,
Сулув бўлиб сўйдириб,
Сурсин даврон, ёр-ёр, сурсин даврон.

Сулув-сулув кимлар сулув,
Қизлар сулув, ёр-ёр, қизлар сулув,
Сулув қилиб сўйдирган
Сўздир сулув, ёр-ёр, сўздир сулув.

Саҳар вақти сайр учун
Гули бўлсин, ёр-ёр, гули бўлсин,
Ётларни эл қилишга
Тили бўлсин, ёр-ёр, тили бўлсин.

Ақлли қиз, қайнонангни
Ийдира күр, ёр-ёр, ийдира күр,
Суйганингга ёр бўлиб,
Суйдира күр, ёр-ёр, суйдира күр,

Яхши хотин қайғусини
Сездирмайди, ёр-ёр, сездирмайди.
Кўп гапириб дўстини
Бездирмайди, ёр-ёр, бездирмайди.

Ёмон келин баҳорни ҳам
Қиши қилади, ёр-ёр, қиши қилади.
Яхши келин айтдирмайнин
Иш қилади, ёр-ёр, иш қилади.

Ёмон ишдан қаҳрини
Сочиб келар, ёр-ёр, сочиб келар,
Яхши ишдан баҳрини
Очиб келар, ёр-ёр, очиб келар.

Ота-онанг уйнга-я
Кулиб боргин, ёр-ёр, кулиб боргин.
Кексаларнинг ҳурматини
Қилиб боргин, ёр-ёр, қилиб боргин.

* * *

Айт, деганда ўланни йигит айтар, ёр-ёр,
Сулув қизлар айтганда, маъқул айтар, ёр-ёр,
Билайин шоирлигинг турган қизлар, ёр-ёр,
Уланга чечан бўлсанг, қарши қайтар, ёр-ёр.

Кун исиса сув бўйида салқинлаймиз, ёр-ёр,
Бетин ювсак ойдай бўлиб ярқиллаймиз, ёр-ёр,
Кўмакайда ўлан деган кўп бўлади, ёр-ёр,
Тўйлаб юрсак сиз чечанга яқинлаймиз, ёр-ёр.

Шу колхозда бир ўланчи биз бўламиз, ёр-ёр,
Шўхлик қилсақ, эл ичиди сўз бўламиз, ёр-ёр,
Мен ғизимни таниттайин, танимасанг, ёр-ёр,
Шу чорванинг бош чўпони биз бўламиз ёр-ёр.

Икки бирдай саман отнинг ем егани, ёр-ёр,
Докторларнинг хато кетмас эмлагани, ёр-ёр,
Кулоқ солнинг, сўзим сизга айтай, ёр-ёр,
Ойқизларнинг «Кет!» дегани «Кел!» дегани, ёр-ёр.

Ленин чироги ёнган айвонда бўл, ёр-ёр,
Куёв билан ҳамиша давронда бўл, ёр-ёр,
Тахта кўпир остидан сув боради, ёр-ёр,
Дарвозани кенг очинг, қиз боради, ёр-ёр.

Оч юзингни кўрайин, келин қизим, ёр-ёр,
Үғлим билан танишган жуфт юлдузим, ёр-ёр,
Қўш қозонлар қурилган тўйинг бўлди, ёр-ёр,
Бахти кулган бўз йигит ёринг бўлди, ёр-ёр.

Куёв кириб эшикдан ёrim, десин, ёр-ёр,
Келин туриб ўрнидан жоним, десин, ёр-ёр,
Ойлар ўтиб олдингда ўғлинг бўлсин, ёр-ёр,
Паризодга ўхшаган қизинг бўлсин, ёр-ёр.

Ойдай келин тушириб, кўнглим тўлди ёр-ёр,
Жўралари йифилиб, тўйин қилди, ёр-ёр,
Эркин замон қизисан, тўй сеники, ёр-ёр,
Фоли-пўлас тўшалган уй сеники, ёр-ёр.

* * *

Икки кўзим равшани барно қизим, ёр-ёр,
Мактабини битирган аъло қизим, ёр-ёр.
Маконида яшнаган нурли юлдуз, ёр-ёр,
Икки кўзим равшани қоши қундуз, ёр-ёр.

Шодлик билан ёрингга қўшилгайсан, ёр-ёр,
Оқ ипакдай ярашиб эшилгайсан, ёр-ёр.
Бир-биринга муҳаббат қизгин бўлиб, ёр-ёр,
Юлдузларинг ярашгай ўйнаб-кулиб, ёр-ёр.

Тинчлик билан юксалиб давронингиз, ёр-ёр,
Дунёда ҳеч қолмагай армонингиз, ёр-ёр.
Охтиқ-човлиқ¹ кўрибон шод бўлгайсиз, ёр-ёр,
Момо билан бобо деб от қўйгайсиз, ёр-ёр.

Қизил гулдай очилган жамолингиз, ёр-ёр,
Тўлиб-тошиб ҳамиша иқболингиз, ёр-ёр,
Давронингиз тинчликда обод бўлиб, ёр-ёр,
Кундан-кунга шодликлар бунёд бўлиб, ёр-ёр.

¹ О х т и қ -човлиқ — невара-чевара.

Куёв тўра кўйлаги оппоқ экан, ёр-ёр,
Келин пошшо иқболи порлоқ экан, ёр-ёр,
Қизил-қизил хўролзлар хирмондадир, ёр-ёр,
Уйланмаган йигитлар армондадир ёр-ёр.

Самоварга сув солсам, қайнамайди, ёр-ёр,
Угаймикан онаси, ўйнамайди, ёр-ёр,
Ёр-ёр айтган халфага иззат керак, ёр-ёр,
Пўссиқ¹ билан қатлама, рўмол керак, ёр-ёр.

Қизни олган қудалар гулдек эмиш, ёр-ёр,
Олиб кетжак қизлари ҳурдек эмиш, ёр-ёр,
Ову-товлар қурилгай айвонингда, ёр-ёр,
Үғил-қизинг ўйнагай тўрт ёнингда, ёр-ёр.

Тахта кўприк устидан тойиб тушдим, ёр-ёр,
Унг қўлимга қайчи олиб, бахмал бичдим, ёр-ёр,
Бахмал бичган қўлларим овшади, ёр-ёр,
Келин-куёв туриши ярашади, ёр-ёр.

Шодлик билан ҳамиша бахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Қизил гулдек очилган тахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Рўзғорим бобинда сарвинозим, ёр-ёр,
Фарзандларим ичинда дилнавозим, ёр-ёр.

Сенсиз нафас олишга йўқ қарорим, ёр-ёр,
Розим кеча айтурга ғамгузорим, ёр-ёр,
Ҳамнафасим, ҳамтилим, ҳамсуҳбатим, ёр-ёр,
Ҳам кўнглимнинг пайванди, ҳам мадорим, ёр-ёр.

Оғаларинг бўғчангии боғладилар, ёр-ёр,
Сен кетарга барчаси бўзладилар, ёр-ёр,
Нуридийдам, муnisим, жоним болам, ёр-ёр,
Дўстинг кулиб душманинг йигладилар, ёр-ёр.

Борган еринг боф билан бўстон бўлсин, ёр-ёр,
Олтин билан кумушдан чандон бўлсин, ёр-ёр.
Чоршанба кун чошгоҳда тўйинг бўлсин, ёр-ёр,
Қўша-қўша қуролтой ўғлинг бўлсин, ёр-ёр.

Тахта кўпир устидан той боради, ёр-ёр,
Эшигингни кенгроқ оч, ой боради, ёр-ёр,
Қизил гуллар ичинда булбул эдинг, ёр-ёр,
Отанг билан онангнинг гули эдинг, ёр-ёр.

¹ Пўссиқ — варақи.

Қўшагана эшигидан боғдон очинг, ёр-ёр,
Қўшагана устига дурлар сочинг, ёр-ёр,
Бир йўртар, икки йўртар, токай йўртар, ёр-ёр,
Борувчи келувчидан салом айтар, ёр-ёр.

Давлат билан етгайсан муродингга, ёр-ёр,
Ҳеч нарсалар бўлмагай авлодингга, ёр-ёр,
Эшигингни олдини тўрламанглар, ёр-ёр,
Ўз-ўзим деб келинни хўрламанглар, ёр-ёр.

Синглим тушган дарёга сой бўлайин, ёр-ёр,
Езнам тушган кемага ёй бўлайин, ёр-ёр.
Езнам мени таниса болдизиман, ёр-ёр,
Болдоғига қистирган қундизиман, ёр-ёр.

Дастурхонинг ош бўлсин, товоқларинг тош бўлсин,
Душман кўзи ёш бўлсин, қонга тўлсин, ёр-ёр.

Келин саломлар

* * *

**Минган оти қайишган,
Сарпою түн ярашган
Оғасига бир салом.**

**Соқоллари саватдай,
Ёпга босган баватдай
Бувасига бир салом.**

**Чўтини булбул этган,
Идорасин гул этган
Бухгалтерга бир салом,**

**Колхозида «Волга» минган,
Аъзолари ипак кийган
Раисига бир салом.**

**Қора пальто эгнида,
Пахта мажбурияти кўнглида
Бригадасига бир салом.**

**Хусайнни узумнинг ёўраси,
Куёв боланинг жўраси,
Куёв жўраларига бир салом.**

**Қуйлаклари ямоқли,
Ёлган нони саноқли
Қайнонасига бир салом.**

**Долондан оқкан томчидай,
Тиккан тўни қамчидай,
Қайнин бикасига бир салом.**

**Тахта-тахта пахтаси,
Пахтанинг йўқ хатоси,
Колхозчиларнинг отаси,
Раис бувага бир салом.**

Үзи шыга бардошли,
Билак узуги олтии қошли,
Қайин бикасига бир салом.

Қирдан юрар кемаси,
Шоҳи кўйлак тамаси,
Яна бир бикачасига салом.

Осмондаги юлдуздай,
Кийганлари қундуздай,
Чечасига бир салом.

Самоварин қайнатган,
Киссасинда пул ўйнатган,
Чойчи акамизга бир салом.

Ҳар эшикка қараган,
Зуваласин санаган,
Қайин бикасига бир салом,

Мудом кўнглим ўраси,
Тракторчилар сараси,
Куёв болага бир салом.

Қора пальто эгнида,
Аъзолари кейнида,
Табелчига бир салом.

Юрса йўлни тўлдирган,
Утирса сўзни бўлдирған,
Қайин онасиға бир салом.

Қора папоқ ярашган,
Қизлар изидан қараашган,
Куёв болага бир салом.

Дарвозани кенг очган;
Дунё молини сочгаң;
Қайин отасига бир салом.

Колхозчилар кейнида,
Айри таёқ эгнида,
Табелчи дойла бир салом.

Шерст костюмнинг ёқаси,
Улли юртнинг оғаси,
Қайноғасига жуфт салом.

Ез ёни айвон ўчоқли,
Қўли дастурхон сачоқли,
Узун бўйли, кенг қучоқли,
Улли қайнин бикасига бир салом.

Пайтавасиз маҳсидай,
Ич ташлаган эчкидай,
Қайнин момосига бир салом.

Шовотликлар йўлида,
Китоб-қалам қўлида,
Дугонасига салом.

Элда обрў қозонган,
Фарзанд меҳрига қонган,
Келин олиб қувонган,
Зуҳрахонга бир салом.

Пахта заводнинг қайиғи,
Келин биканинг лойиги,
Куёв болага бир салом.

Ўтириб-ўтириб ўй қилган,
Қалин бермай, тўй қилган
Аммасига бир салом.

Аччиқ чойни шопирган,
Ароқ кўрса ёпирган,
Қайнин оғасига салом.

Ҳаммаларга бирдай
Очилиб турган гулдай,
Қайнин бикасига салом.

Сочини эгри тараган,
Қизлар ўтса қараган,
Қайнин укасига бир салом.

Эшик очиб қараган,
Тўй қачон деб сўраган,
Қўни-қўшниларга бир салом.

Пахта тиққан қанордай,
Икки юзи анордай,
Опасига бир салом.

Отовларга қатнаган,
Қобирғаси ҷатнатаин,
Қайнин буваенга бир салом.

Қора сочи гажакдай,
Чирмашған гул пеңакдай,
Қайнин бекага бир салом.

Элда улуг симматли,
Гапи-сўзи қимматли,
Қайнин отасига бир салом.

Дарёда ўйнайди қайик,
Шерст камзул унга лойик,
Езнасиға бир салом.

Қўлинда дафтар-қалами,
Канда бўлмас саломи,
Кенжатойга бир салом.

Элимиэннинг оғаси,
Адрес тўннинг ёқаси,
Елимиэннинг соқаси,
Мироб акасига бир салом.

Ерларга таноб урдирган,
Пахта план тўлдирган,
Раис бобосига бир салом.

Осмондаги ойдай,
Қора қоши ёйдай,
Кичик синглисига бир салом.

Шерози тумоқ қошида,
Юз минг савдо бошида,
Эшматбойға бир салом.

Эчки терисидай тиринған,
Ҳамма билан урушған,
Рустамбойға бир салом.

Қўзлари қора-ола,
Оғзи болли пиёла,
Қайнонага бир салом.

Үтга босган тунчадай,
Очишмаган ғунчадай,
Болдизига бир салом.

Учакка қараб ўйланган,
Бозорни тўқиз айланган,
Қайнин оғасига бир салом.

Чўлашиб ётган печакдай,
Подадан қочган ўжакдай,
Болдизига бир салом.

Бўйлари бор теракдай,
Ақллари йўқ кўркадай,
Дурди момосига бир салом.

Нон бер деса ён берган,
Нон устїда жон берган,
Овесинига бир салом.

Оқ юзига хол қўйган,
Лачагини дол қўйган,
Қайнин момосига бир салом.

Араванинг зангиси,
Хотинларнинг ҳангиси,
Мулла хотинга бир салом.

Кунгирадан қараган,
Зоғорасини санаган,
Бир зоғора кам бўлса,
Болаларини саваган,
Бой отага бир салом.

Дарёдаги сазандай,
Бош ўрови қозондай,
Биби кампирга бир салом.

Хивадаги бангидай,
Суяниб турган зангидай,
Оғиздаги мақкадай,

Сайраб турган ҳаккадай,
Тўй бошчисига бир салом.

Маъракада ёш бўлган,
Нону ошга бош бўлган,
Бригада бувамга бир салом.

Қозон бошида хирлаган,
Кафгир олиб зирлаган,
Ошпаз дойисига бир салом.

Үзи кулмай кўзи кулган,
Ҳамма ишни ўзи билган,
Келин бикага бир салом.

Қалдирғочдай қайиб келган,
Келин болани олиб келган,
Янгасига бир салом.

Келин келади деб палов пиширган,
Тузини кўраман деб тилини пиширган,
Ошпазига бир салом.

Осмондаги ойдай,
Косадаги майдай,
Келинлошибага бир салом.

Ойна эшикдан қараган,
Ёнган нонни саиаган,
Қайнонасига бир салом.

Кўчага чиқиб ёш бўлган,
Улли рўзгорга бош бўлган,
Қайнин оғасига бир салом.

Отга минса олвураган,
Оёқлари солвураган,
Қайнин отасига бир салом.

Чироқда пиллик қўймаган,
Суяқда йилик қўймаган,
Қуда момога бир салом.

Еллингани тўккандай,
Сўзлагани сўккандай,
Қайнин синглисинга бир салом.

Отга минса тўрадай,
Ерга тушса ўрадай,
Дойисига бир салом.

Оғзи бурни ўймоқдай,
Пиширганлари қаймоқдай,
Келинпошага бир салом.

Ёлган иони элакдай,
Бош ўрови челакдай,
Қайнин бикасига бир салом.

Оғзида бир тиши йўқ,
Ҳеч ким билан иши йўқ,
Қайнин момосига бир салом.

Пишиб турган торидай,
Чақмоққа келган аридай,
Онабиби калтага бир салом.

Ундан-бундан сўрамаган,
Икки така¹ қурамаган,
Холасига бир салом.

Олма берсам олмаган,
Үйлантири деб қўймаган,
Куёв болага бир салом.

Айвонларнинг ўраси,
Йигитларнинг сараси,
Жўрахонга бир салом.

Меҳмон келса хўш деган,
Меҳмонхонани бўш деган,
Акасига бир салом.

Экканлари садойи,
Деҳқонларнинг бобойи,
Норхўжага бир салом.

Боғ бўрқасидан йўл берган,
Киссасидан пул берган,
Қудаларга бир салом.

¹ Така — ёстиқ.

Отизда ўсган бўяндай,
Югуриб юрган қуёндай,
Қайнин отасига бир салом.

Отизда ўсган печакдай,
Товланиб турган гажакдай,
Қайнисинглисига бир салом.

Этигининг қўнжи йўқ,
Уйда ўтириб тинчи йўқ,
Қайнотасига бир салом.

Боқувдан чиққан отдаӣ,
Икки юзи манотдай,
Қайнин онасига бир салом.

Тўлиб оққан сойлай,
Үн тўрт кунлик сайдай,
Куёв болага бир салом.

Олтин тиши оғзинда,
Ўзи олтмиш ёшинда,
Қайнин бувасига бир салом.

Отхонаси дулдуллик,
Меҳмонхонаси булбуллик,
Куёв тўрага бир салом.

Тўйга келган халойиқ,
Саломни тинглаб турайлик,
Халойиққа бир салом.

Ёши олтмишга етган,
Мурод-мақсадга етган,
Қайнотасига бир салом.

Тўрт келинни шай этган,
Орқа олдини жой этгани,
Қайнин онасига бир салом.

Қадди бўйи келишган
Қўйлаклари ярашган,
Овсинига бир салом.

Хўжаликнинг тўраси,
Шу уйларнинг эгаси,
Қайнотасига бир салом.

Тўй бериб мурод этган,
Шу кун қайфуси кетган,
Қайнонасига бир салом.

Хивадаги бандидай,
Ўн икки тишли зангидай,
Рўзимбойга бир салом.

Қўчқор гулли попоқли,
Тунд, осилган қапоқли
Қайнотасига бир салом.

Уйга меҳмон ғўндирган,
Кўзи, қўчқор сўйдирган,
Қайнотасига бир салом.

Дастурхони чўракли,
Элга, юртга керакли,
Катхудога бир салом.

Бориб қудани ўйнаган,
Келиб келинни ўйнаган,
Кичик қайнин оғасига бир салом,

Қатнаб келинни кетирган,
Гарак-ғадакни битирган,
Ўртанчи қайнотасига бир салом.

Отизда пишган мошдай,
Гапи, сўзи тошдай,
Овсинбикага бир салом.

Арчилмаган арчадай,
Бичилмаган парчадай,
Келинбикага бир салом.

Туйникдан тушган томчидай,
Товланиб турган қамчидай,
Аҳмад оғасига салом.

Боққа эккан кунжидай,
Оғзи бурни ҳінжидай,
Қувонч опасига салом.

Оржасини кенг очган,
Топган-тутганини сочган
Қайнонасига салом.

Деворга осилган голидай,
Чәқмоққа келган аридай,
Қайинбикасига бир салом.

Белида бордир пүтаси,
Катта-кичикнинг отаси,
Қайинбобосига бир салом.

Эркалаб сўзлаб ёш бўлди,
Ёш бўлса ҳам бош бўлди,
Қайиноғасига бир салом.

Икки юзи анордай,
Қўйлаклари қанордай,
Янгасига бир салом.

Қўйлаклари бурмали,
Қоши кўзи сурмали,
Қайинопасига бир салом.

Ҳовлилари қурумли,
Сўзлаган сўзи кўримли,
Аммасига бир салом.

Қорни чойга тўймаган,
Шўхлигини қўймаган,
Тўй уйининг дарғаси,
Жумёз бувага кўп салом.

Эл хизматин соз этган,
Қалин бер деб ноз этган,
Олти мисқол нос этган,
Рўзмат доийига бир салом.

Чел тагини қийиган,
Ҳисоб билан бойиган,
Оғасига бир салом.

Тўй бериб муродга етган,
Кўнгилдан армони кетган,
Қайнотасига бир салом.

Ёқалари садафли,
Ўзи жуда адабли,
Қайнин синглисига бир салом.

Пўстинини судратган,
Юртга ақл ўргатган,
Қайнотасига бир салом.

Қозон бошида ўтирган,
Қозонга гўштни тўлдирган,
Қайнимомога бир салом.

Гулдуроси тош ёрап,
Ой болтаси бош ёрап,
Келин қизнинг севгани,
Куёв йигитга бир салом.

Юзи сепкил-талоқдай,
Оғзи-бурни ўчоқдай,
Тўй уйининг эркаси,
Қайнинбикасига бир салом.

Қозон устида ясовул,
Тайёр ошга баковул,
Пиримхўжага бир салом.

Қаттиқ ернинг тўпири,
Улли юртнинг қўқири¹,
Куёв болага бир салом.

Қуйлагининг қури² йўқ,
Сўзларининг ури³ йўқ,
Холасига бир салом.

Дуторлари тизинда,
Ўн беш совчи иэинда,
Созандаларга салом.

¹ Кўқири — қўпол, манман.

² Қурп — бу ерда борич маъносидা.

³ Ури — мазаси.

Куёв боланинг дўсти,
Қолмасин ками-қўсти,
Ҳаммаларига салом.

* * *

Маслаҳат бериб юрган,
Ишнинг кўзини билган,
Ҳосилот бувамга салом.

Кенгашиб ишни пиширган,
Барчани бўл деб шоширган,
Раис бувамга салом.

Кўпни кетда қолдирган,
Планини тўлдирган,
Бригадир опамга салом.

Ҳосилларга кўз солган,
Бажараман деб сўз олган,
Звено қизимга салом.

Ошни мазалиқ пиширган,
Ҳаммани қоринишиширган,
Ошпаз оғамга салом.

Чойнак, пиёла терган,
Үлдим деганда чой берган,
Самоварчига салом.

Хизмат бўлса бўлишган,
Ойдай бўлиб тўлишган,
Қўшниларга салом.

Қора соч, қора қошли,
Айтган сўзи кенгашибли,
Барча ёшларга салом.

Тиллари сучуккина,
Бурниси пучуққина,
Невара-чевараларга салом.

Донғи Догистон кетган,
Келин саломин айтган,
Мендай холасига салом.

Уланлар

* * *

Анор эккан жойнинг ичи ўйдим-ўйдим,
Қизлар зиёфати учун серка сўйдим,
Сен эсимга тушганингда дол бўйингдан,
Ичиб турган чойимни ерга қўйдим.

Оемонда учиб юрган қушлар, сайра,
Чорва еса, кўк майсали бўлар дала,
Қўлингдаги челагингни ерга қўйиб,
Бизлар билан сўрашиб ўт, ҳой, қиз бола!

Қиз бола, тўқиганинг тизмамиди,
Биз билан ваъдаларинг кузгамиди,
Куз бўлса ҳам тизмангни тўқий олмай,
Улоқ ўйнаб ипини узганмиди?

Чирчиқ сувни кўрган бўлсанг боши тоғда,
Ёмон билан кун кечириш ёмон савдо,
Яхши билан ўтган умринг бори фойда,
Ёмон билан юрар бўлсанг куnda ғавго.

Улан айтган адирингиз бул эмасми,
Мирзачўлда яшнаб ётган гул эмасми,
Бирга ишлаб бирга юреак деган эдим,
Бирга Москва борсак мақсад шул эмасми?

Дарёларни ўқалаган ўрдаккинам,
Енгларини кашталаган кўйлаккинам,
Бир гўзада юз бир кўсак кўрган сари
Москвага толпинади юраккинам.

* * *

Иигит: Колхознингга бораман сувдан кечиб,
Ховучимни тўлдираман сувдан ичиб,

Эл қувнайди икавимиз ўлан айтсак,
Осмондан ҳам қушлар тушар учиб-учиб.

Қиз: Қўк яйловда бўйингни ўзим кўрдим,
Сочларимни тараб туриб ўзим ўрдим,
Раҳмат дейман илмилар ғайратига,
Икки йилда чўл ерларда шаҳар кўрдим.

Иигит: Йўрга миниб олдингдан тўсайнми,
Кўрган сари гул-гул яшина бўсайнми?
Биз борган тўйларга бормайин қолсанг,
Оtingни атаб ўланга қўшайнми?!

Қиз: Яйловларда йилқи кишинар тойдек бўлиб,
Қизлар ишлар ўн тўрт кунлик ойдек бўлиб,
Раҳмат деймиз партиямиз донолиги,
Ишлар барча ширин-тотув болдай бўлиб.

Иигит: Тоғларда кўп бўлади ялпоқ арча,
Тўй бўлгандা курашади икки новча,
Тоғларда ғайрат қилиб эчки соққан,
Эга бўлди медалларга қизлар анча.

Қиз: Ўн тўрт кунда осмонда ой тўлишаркан,
Меҳнаткашлар бир-бирига бўлишаркан,
Ой Зулайҳо ғайрат қилиб кечга қолса,
Олдидаги нобоп эри уришаркан.

Иигит: Ангренни ёқалаган тош бўлади,
Оқ юзингга ярашгани қош бўлади,
Мен айланай қўзларингдан очиб юмган,
Қиё боқсанг йигит кўнгли хуш бўлади.

Қиз: Олти қизнинг ичиди отим Зариф,
Қизлар билан юрар эдим пахта териб,
Юқоридан ўлан-айтиб келганингда,
Қулоқ солдим кўп ичиди майдек эриб.

Иигит: Майдон толнинг сояси оламни олди,
Сулув қизлар сочни ўриб белга солди,
Қўшиқ айтиб юришларинг ақлимни олди,
Қарайман деб қарчиғайдек бўйним толди.

Қиз: Тўйтепадан чиққанда тўрт оёқ йўл,
Йўлларида кўкарибди майса оқ гул,

**Бизни сийлаб бир кечада ўлан айтсанг,
Серкіллаган медалларнинг эгаси бўди**

* * *

**Ез бўлса қовун пишар тўр олишиб,
Палаги палагига ўралашиб,
Қиз, келинлар ўйнайди тўй бўлганда,
Беллари тол чивиқдай буралишиб.**

**Тоққа чиққан кўради тоғ кийигин,
Ҳеч бир киши кўрмасин ёр куйигин,
Тол чивиқдай бўйнда бир мини йўқ,
Шу колхозда шида кўрдим бир суйигин.**

**Ўзи бўлсам, кўзингдан, ўзи бўлсам,
Иилқи ичидаги ютурган бўзи бўлсам,
Ҳеч армоним ичимда қолмас эди,
Қиз боланинг оғзида сўзи бўлсам.**

**Сермас эдим,
Бу тўйга сен келмасанг қелмас эдим,
Агарда сен сулувни менга берса,
Келса ҳам етиб ажал ўлмас эдим.**

**Икки бирдай тўриқ отнинг ем егани,
Докторларнинг хато кетмас эмлакани,
Бери сол қулоғингни, ҳарибошим,
Умидойнинг «кет!» дегани, «кел!» дегани.**

**Доим менинг минганим бўз бўлса-чи,
Йўртоқламай йўргоси тез бўлса-чи,
Қайга десанг, шу ерга борар эдим,
Йўлдошимнинг биттаси қиз бўлса-чи.**

**Олти қизининг ичидаги Тўйма,
Тўймажон, тия боқиб тунда юрма,
Тўймаой тия боқиб тунда юрсанг,
Дол бўйингга кўз тегса мендан кўрма.**

**Улон айтган адирининг шул эмасми,
Қиз бола боғда очилган гул эмасми,
Қиз қизил гул бўлганда, йигит булбул,
Гулни излаб булбул боғда, тунамасми?**

Мен ўланни айтайин бундай қилиб,
Тегирмондан чиқарган ундаи қилиб,
Сени ўстирган онангга баракалла,
Бетинг ойдек, белингни қилдай қилиб.

Маъқул айтар,
Айтганда сулув қиз маъқул айтар,
Билайн шоирлигининг, қизларойжон,
Уланга чечан бўлсанг қарши қайтар.

Кун исиса сув бўйида салқинлаймиз,
Бетни ювсак ойдек бўлиб ярқиллаймиз,
Кўмакайда ўлан деган кўп бўлади,
Тўйлаб юрсак сиз чечанга яқинлаймиз.

Шу колхозда бир ўланчи биз бўламиз,
Шўхлик қилсак, эл ичиди сўз бўламиз.
Мен ўзимни танитайин, танимасанг,
Шу чорванинг бош чўпони биз бўламиз. }

* * *

Учар қушнинг уяси Гулистонда,
Гул наvdаси тирнамасин гул кесганда,
Бўй етибсан, Аноргулим, ажабтовур,
Бир колхозда сезилмайди тенг ўсгандা.

Яйловингиз Мирзачўлдан нари дейди,
Учовингни билмаганлар пари дейди,
Бахмал тоғдан ўлан бор деб келган эдик,
Қиз ўлани йигитларга дори, дейди.

Үтли, сувли яйловимнинг йўли олис,
Улан бўлса айтишайлик бизлар холис,
Тўлғанойнинг ўланидан эшишиб кет,
Ўзи билан кўнгилдагин пишишиб кет.

Улан айтдим атлас юйган қалам қошга,
Сўз ўтарми ўлани айтсанг бағри тошга,
Айтавергин ўланингни қизларойгул,
Олиб қочиб кетмайман-ку, тоғу тошга.

Улан қайдан чиқади сўз бўлмаса,
Ким етаклаб юради кўз бўлмаса,

Айтган билан ўланингни, ҳарпдошим,
Қизирмиди тўй ўланинг қиз бўлмаса.

Сирдарёнинг нариги боши, бериги боши,
Сойда битгаи қамишмикан қизининг қоши,
Қошлиарингнинг орасига олгин мани,
Ошиқликнинг бозорига солган мани.

Ой олдида бир юлдуз ойларча бор,
Гулзорларнинг олдида бир гунча бор,
Ғуиччани очилгани айни баҳор,
Булбулнинг сайрагани айни саҳар.

Ёмғир ёғиб келади тўзағайлаб,
Қолхоза қизлар келар гўза бўйлаб,
Саҳар вақти кўрдим канал тепасида,
Тош-тупроқни ташир эди сочин бойлаб.

Олти қизининг ичида сен полвони,
Дуккагига сиғмайди мошиниғ дони,
Тинч роҳатда турмуш қилиб, иш кўрсатиб,
Қойил қилдинг меҳнатингдан кеңг жаҳонни.

Ҳавода бир булат бор, бозиллайди,
Саратонда қизил қумлар жазиллайди,
Яиги ерга биз ҳам бориб ишламасак,
Юракдаги хуморлар ёзилмайди.

Отииг ағиаб, синдириласин эгарини,
Варажада ишлаб юрган кезларимда,
Билиб олди шу йигитнинг севганини,
Эшитиб олдим план тўлса тегарини.

Тошкентда ўртоқ бўлдим Ўролвойман,
Бошингда ғижим рўмол ўролмайман,
Олиб келган Тошкентда совғотимни,
Ота-онанг кўзидга беролмайман.

Туяни ўрга ҳайдасаиг бақирмайди,
Суржам қилиб от минсанг қоқилмайди,
Сени ўстирган онангга баракалла,
СССРда савлати топилмайди.

Тарам бўлар,
Колхозчилар беда ўрса ғарам бўлар,
Сизлар билан биз охун, шошиб қолсак,
Улан айтиш бизларга ҳаром бўлар.

Иигит: Тонг саҳарда ўтдим ғўзанг оралаб,
Теришингга қаарар эдим мўралаб,
Кўриб кўрмасликка солиш одатини
Е бирор чиқдими бизни қоралаб.

Қиз: Газетада чиққан сизнинг отингиз,
Бизга маълум олган мукофотиңиз,
Кўнглимиизни ҳалигача билмайсиз,
Усмоқилаб сўрашми одатингиз!

Иигит: Менгә кўришишинг жуда ҳаволи,
Ҳамма дейди: «Бу нозик қиз иболи»,—
Сўзим айтай десам, тилим бормайди,
Эл айтади: «Суйган гулинг ҳаёли!»

Қиз: Кўкрак чўнтағимда битта расмингиэ,
Илғор деб ёзилган сизнинг исмингиэ,
Шу районда сиздай-сиздай йигит кўп,
Юракка ўт қўйиш сизнинг қасбингиз.

* * *

Иигит: Йўлларингни кезиб эдим пиёда,
Манинг ёрим кўп яшасин дунёда.
Севганларнинг кўнглини ҳафа қилмангиэ,
Умри давлатингиз бўлсин зиёда.

Қиз: Шу кун уч кун бўлди, ўзим хафаман,
Суратингга исли сувлар сепаман.
Узга киши қўйманг менинг изимдан,
Берган ваъдам қатъий, сизни кутаман!

Иигит: Неча вақтдан бери ҳайрон бўлибман,
Ажойиб дилдора дучор бўлибман,
Буюрган нарсангиз тайёрлаб қўйиб,
Сизни кутиб жуда сарсон бўлибман.

Қиз: Бир рисолли¹ файтунларда тайишдим,
Конверт билан салом хатни олишдим.
Менинг учун ғам емангиз, жон ака,
Ўзага бормиман дебон онт ичдим,

¹ Рисолли — рессорли.

Иигит: Аҳдингга ишондим, эй нозаниним,
Кеча-кундуз сен ёр учун ғам едим,
Ортиқча жафога чидай олмайман,
Васлингга етолмай нун бўлди қаддим.

Қиз: Қараганим қизил гулнинг ораси,
Бөржак кишинг комсомолнинг аъзоси,
Хат ёзмоққа стол ёна боргандা,
Мушайт этманг, асло, амма-холаси.

Иигит: Осмондаги ракетанинг овози,
Тўхтамасдан учиб юарар қищ-ёзи,
Сен эрурсан гўзаллар ичра сози,
Етири мақсадимга, эй дилнавози.

Қиз: Сочим узун бўлса, тарасам-ўрсам,
Сен Мард бўлсанг, бутун меҳримни берсам,
Насиб бўлса, бир кун катта тўй қилиб,
Ана шунда мақсадингга етарсан.

КОЛХОЗНИНГ БОЛАСИМАН

— Соч бөғимнинг учи бўлма,
Мени тўғри йўлдан урма,
Не бало бунча ярашган
Бошингдаги оқ чўгирига.

— Сўзла қизил анор юз,
Қайси боғининг гулисан,
Қаерларда яшновчи,
Қаернинг булбулисан.

— Ен бағрингда очилган
Аноргул лоласиман,
Эркин меҳнатда ўсган
Көлхознинг боласиман.

— Пахта сенинг майдонинг,
Олтин сенинг терганинг,
Лабингдаги қўш холинг,
Недан иборат бўлган?

— Лабимдаги қўш холим,
Пахта гулидан бўлган.

Сўзла энди, йигитча,
Кўнглингга нима тўлган.

— Кенг пахтазор майдонда
Мен сени кўриб қолдим,
Гул каби анор юзинг
Шу ерда севиб қолдим.

Ҳарна иш бўлса бўлсин,
Чопиқдан кейин бўлсин,
Пахта плани тўлсин,
Душман йиғлаб, дўст кулсин.

КОШИНГ ҚОРАМИ...

Йигит: Бир кўриб жамолингни,
Қалбим бўлди минг вора,
Нердан дучор бўлибман
Сендай жилвали ёра.

Қиз: Сочим учи жумалак,
Учи менинг қўлимда,
Ошиқ ёнмас бўларми,
Уэ ёрининг йўлида.

Йигит: Қошинг қорами, ёrim,
Кўзинг олами, ёrim,
Кўнглингдаги севганинг
Биздай болами, ёrim.

Қиз: Қошим қорадир, ёrim,
Кўзим оладир, ёrim,
Ёш кўнглимга ўт солган
Сиздай боладир, ёrim.

Йўқловлар

* * *

Олмазорни оралаб
Олма тергим келади,
Фронтдан келмаган оғамни
Кунда кўргим келади.

Самовар қўёлмадим,
Чой ичиб тўёлмадим,
Урушдан келмаган оғамни
Яна бир кўролмадим.

Тракторим тирипар,
Ғайратимни ортдирап,
Акам ёдимга тушса,
Оёқ, қўлим қалтирап.

Олмани олиб от қилай,
Баргини олиб хат қилай,
Қайғуси қаттиқ эзяпти,
Ёлғиз оғамни ёд қилай.

Ёд қилганим дод бўлсин,
Олимлар ёзган хат бўлсин,
Мени синглим эслади, деб
Оғам арвоҳи шод бўлсин.

Эшик олдига сув тўлди,
Сувга кўприкни ким қўйди,
Ёлғизгина оғамга
Чуқур гўрни ким ўйди,
Кўтариб гўрга ким қўйди.

Милтиқ отган қақшагур,
Қандай қўли борди экан,
Ўқ отиб йиқитишга
Қандай кўзи қийди экан.

Жигаримни ўйласам,
Жигарим кабоб бўлади,
Вой оғам, деб йигласам,
Юрагим қонга тўлади,

* * *

Вой жигарим, деганда,
Юрагимга ўт тушар,
Оғажоним, деганда,
Бўғинимга қурт тушар.

* * *

Вой жигарим, терагим,
Бор кунимга керагим.
Ручкангиз қолди занг босиб,
Дафтарингиз қолди чанг босиб.

Асқар тоғим, ҳайбатлим,
Суйри тоғим суючим,
Қорлар ёққан бошимга
Пана бўлган, жон оғам.

Ёмғир ёққан бошимга
Соя бўлган, жон оғам.

Осмонда юрган қуш бўлди,
Тунда кўрган туш бўлди;
Душманинг отган ўқига
Менинг оғам дуч бўлди.

Юрап эдим эркалаб,
Орқа сочим кўрпалаб,
Қолдим икки букилиб,
Кўздан ёшим тўкилиб.

* * *

Қандай онам бор эди,
Кенг ёқали кўйлакдан
Яйратиб сут берганим,
Жоним онам, яйловим
Кўкснда яйраб кулганим.

Қандай онам бор эди,
Берганича бардошли,
Келганича кенгашили,
Болалари ардоқли,
Босган изи саноқли.

Қандай онам бор эди,
Дока рўмолини дол қўйган,
Унг бетига хол қўйган,
Толдан хивчин кесдирган,
Сулувдай қиз ўстирган.

Қандай онам бор эди,
Тол ёғочдай соялим,
Тут ёғочдай мевалим,
Соясида ётганим,
Мевасидан тотганим.

Қандай онам бор эди,
Жоним онам, қанотим,
Белимдаги қувватим,
Аёзда қаймоқ ялатган,
Яйраб өлдида ўйнаттан.

Қандай онам бор эди,
Алачани қоқишиган,
Болаларимни боқишиган,
Узилганимни улаган,
Ниртилганимни ямаган.

Қандай онам бор эди,
Саранжомим сариштам,
Уйимдаги фариштам,
Саришта кетди уйимдан,
Фаришта учди тўримдан.

МУНДАРИЖА

<i>Музайяна Алавия, Сафарбой Рўзимбоев. Совет даври ҳалқ խўши қлари ҳақида</i>	5
<i>Партияга ташаккур</i>	11
<i>Ўйинг кўйгур босмачи</i>	33
<i>Оловда кўйдирайлик</i>	46
<i>Кохоз боғи гулбоғдир</i>	57
<i>Меҳнатим—шон-шарафим</i>	77
<i>Фабриканинг йўлидан</i>	85
<i>Жоним фидо Ватанга</i>	88
<i>Ёрим билан әгатлашиб ишлайман</i>	115
<i>Ошиғига борган одам қаримас</i>	136
<i>Даингасага ош ёқар</i>	239
<i>Ёр-ёрлар</i>	260
<i>Келин саломлар</i>	272
<i>Ўланлар</i>	384
<i>Йўқловлар</i>	292

На узбекском языке

УЗБЕКСКОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО

ПЕСНИ СОВЕТСКОГО ВРЕМЕНИ

Редактор *И. Мирзамаҳмудов*
Рассом *Б. Жалолов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *Ш. Собирзода*
ИБ № 2239

Босмахонага берилди. 11.03.83. Босишга рухсат
Этилди 27, 10. 83. Р. 230 11 Формати 84X108^{1/32}. Босма-
хона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма.
Шартли босма л. 15,54+0,1 екл. Нанр л. 14,62+0,25
Тиражи 30000. Заказ № 269. Бадси 1 с. 70 т.
Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрий-
ти. 700129, Тошкент Навоий кӯчаси, 30.

Узбекистон ССР Нашрийтлар, полиграфия ва ки-
тоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тодикват
«Мантибуот» полиграфия ишлаб чиқарилаш бирлашмасы
да тайбларнган матрицадан 2-босмахонасида босилди.
Янгиюл, Самарқанд ҳужаси, 44.